




# Ёшларнинг адабий, ИЖТИМОЙ жўрнали



ХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг биринчи котиби Раҳимжон ЮСУПОВ фирқа аъзолари билан галдаги вазифаларни муҳокама этмоқда.



Бош муҳаррир:

Ғаффор ҲОТАМ

Таҳрир ҳайъати:

Одил ЕҒУБОВ  
ШУКРУЛЛО  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Алишер ИБОДИНОВ  
Абдусанд КҶЧИМОВ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Носир МУҲАММАД  
бош муҳаррир ўринбосари  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ —  
масъул котиб  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Собир УНАР —  
бош муҳаррир ўринбосари  
Усмон ҚУЧҚОР  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИНОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Жамол КАМОЛ  
Темур ХИДИРОВ  
Беғижон РАҲМОНОВ  
Акмал САИДОВ  
Адҳамжон ОРЗИМАТОВ  
Файзуллохон АҶРАМОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Ҳамроқул АСҚАР  
Тошпўлат АҲМЕДОВ  
Келдиёр ИСРОИЛОВ  
Эркин ЙЎЛДОШЕВ  
Темурхон МУХТОРОВ  
Эркин НАЗАР  
Убайдулло ОМОНОВ  
Тоғжиддин РАЗЗОҚ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Рустам ХУДОЙҚУЛ  
Абдуқодир ЭРҒАШЕВ  
Тоҳир ҚАХҲОР  
Ҳабибулло САИД ҒАНИ

## Наср

Неъмат АМИНОВ. "Така бўлсин — сут берсин...".  
Ҳикоялар . . . . . 14

## Назм

Ҳамроқул РИЗО. Қуёшнинг бағридан уй бердинг менга.  
Шеърлар . . . . . 2  
Яҳё ТОҒА. Булбулга ишон... Шеърлар . . . . . 24

## Жажжи дарслик

Одил ЁҚУБОВ. "Аждодлар ҳаёти кечмишимиздир" . . . . . 4

## Жинойат ва жазо

Файзулла ҚИЛИЧЕВ. Ҳуқуқий давлатни адолатли фарзандлар  
бошқаради. . . . . 20

## Қалб манзаралари

Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВА, ҚУТЛИБЕКА.  
Армонлар, умидлар сўзлашуви . . . . . 31

## Биринчи учрашув

Фарҳод АРЗИЕВ. Яшил руҳлар туғилган кеча . . . . . 12  
Шаҳрибону НОЗИЛОВА. Шеърлар . . . . . 13

## Мақоланавислик

Адҳамжон ОРЗИМАТОВ. "Биз энди кимга  
ўринбосармиз?" . . . . . 11  
Сардор МАҲМУД. Муҳаммад Пайғамбар ҳаёти . . . . . 26

## Муҳаббатнома

Сенинг гўшанга менинг илтижоларим етиб бормади . . . 34

## Қақнус

Тибет марҳумлар китоби . . . . . 36  
Гиннеснинг рекордлар китоби . . . . . 38  
Топқирлик машқи . . . . . 40  
Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ. Туш ва таъбир . . . . . 41  
Буржий мучал. Июнь ойи учун . . . . . 44  
САНДРА. "Отасининг қизи" эмасман! . . . . . 46

## Муассислар:

Ўзбекистон  
Халқ  
демократик  
партияси  
Марказий  
Кенгаши,

Ёшлар  
Иттифоқи  
Марказий  
Қўмитаси,

Ёзувчилар  
уюшмаси

Мусаввир: А.Калонов  
Мусаҳҳиҳ: М.Турсунова

Манзилимиз:  
700017, Тошкент,  
Жавоҳарлаъл Неру кўчаси,  
1-уй  
Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 33-40-83  
Бош муҳаррир ўринбосари—  
33-06-63  
Наср ва назм бўлими —  
32-27-56

Босишга 1.05.93 й.да рухсат  
берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8.  
Шартли босма табақ — 8,4. Нашриёт  
ҳисоб босма табағи — 12,1. 44377  
нусхада чоп этилади. Буюртма N 1696

Оригинал макет "Ёшлик" жўрнали-  
нинг компютер марказида тайёрланди.

Жўрналдан кўчириб босилганда  
"Ёшлик"дан олинди, деб изоҳланиши  
шарт.

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси  
"Шарқ" нашриёт-матбаачилик кон-  
сернининг босмаҳонаси.

130/131

1982 йилдан чиқа бошлаган

© "Ёшлик" N 4-6, 1993 й.

Ҳамроқул Ризо

## ҚУЁШНИНГ БАҒРИДАН УЙБЕРДИНГ МЕНГА...



Ҳамроқул Ризо халқимизнинг камтарин, шу билан бирга зукко шоирларидан бири. Унинг бир ўқиганда соддадек кўринган шеърлари, қайта-қайта мутолаада донишмандлиги билан ўзига ром этади. Самимияти боис юракка киради. У "Баҳор келтирган қувонч", "Сирдарё қасидаси", "Яйлов мушоираси", "Зангори дарё", "Чўлда баҳор", "Олтинсоч", "Бургут боласи" шеърӣ китоблари муаллифи. Ҳ.Ризонинг насрдаги изланишлари ҳам бетакрор. "Чўл қалдирғочи", "Ўғирланган болалик", "Жазо" қиссалари китобхонлар меҳрини қозонган.

Муаллиф дейдики:

*Шоир айтмоқчи бўлган фикрини самимий бир тиниқлик билан ифодаласа, шеърхон уни ўзига яқин олади деб ўйлайман. Ҳозир "бурама" шеърлар кўпайиб кетаётганлиги учун шу фикрни айтишга тўғри келяпти.*

*Ўйлаган ўйингиз нафис бир тарзда ифодаланса — бу ютуғингиз. Абдулла Ориповда ният ғоятда равон ифодасини топади. Бундай жозиба, бундай замзама, бундай ранга эришиш осон кечмайди. Бу сўзларни қайта-қайта кўнгил чиғириғидан ўтказишни тақозо этади. Бундай мавқега одам ўзини тайёрлаши зарур. Тайёрланмаган одам шоирлик "ғувоҳномаси"ни ололмайди. Шунинг учун улуғ шоирлар кам бўлади.*

*Мақсадсиз шеър бўлмаслиги аён ҳол. Аммо ҳамма гап шу мақсадни ҳайрат уйғотадиган даражада ифодалашда. Бироқ мақсад ўз-ўзидан келмайди. Бу билимдонлик, изланувчанлик меваси сифатида пайдо бўлади. Аслида шоирни оловга ўзини урувчи тақдир эгаси дейиш мумкин. Ёнмаган юракдан атрофга чўғ сачрамайди. Чўғ сачратиш учун чўғланиш керак. Чўғланаман деб ҳар кун, ҳар соат куяверишга ҳамма ҳам бардош беролмайди.*

Бола ўғриларига

Ажаб ҳол, ўғрилар бола ўғирлар,  
Бунинг-чун пул сўрар ота-онадан.  
Улар ўша пулни бермаса агар  
Айрилиб қолармиш азиз боладан.  
Сафсата сотмасдан ва урмасдан лоф  
Арғамчи ўйнайди ҳар кун қил билан.  
Борми, сенда ўзи заррача инсоф,  
Фарзанд ўлчанарми, айтгин, пул билан!  
Бу ҳолни кўрдингиз, эй офтобимиз —  
Заминга сочмангиз ҳузурбахш зиё.  
Эй, аҳли мўминлар қани, айтингиз,  
Бундай тубанликни кўрганми дунё?!  
Ҳар куни ўн бора тутилинг, эй Ой,  
Қора булут томон солинг сиз йўлни.  
Сиз севиб яшаган ерда Барчиной,  
Телба бўлиб излар йўқолган улни.  
Тескари оқингиз жўшқин дарёлар,  
Қўрқувдан не деб, ёқа ушласин ўғри.  
Бир ўғрининг йўли, албат, бойланар,  
Бирлашиб курашса ўн бешта тўғри.  
Соч юлиб қарғаса сени волида,  
Нечун тиконларга тўлмайди йўлинг.  
Ота ва онангнинг кўзин олдида  
Чўп каби чирисин пул тутган қўлинг.  
Фарзандин доғида ёниб, қоврилиб  
Сочларин дарёдай ёяди она.  
"Худойим, уларнинг кўзин кўр қилиб  
Қилиб қўй тақдирин қўтир, пешона.  
Худойим, дўзахнинг эшигини оч,  
Ютилсин болани пулга сотганлар.  
Юрим тун отанинг бағрини тилиб,  
Она юрагига ўқлар отганлар".

Келади бостириб таъна-маломат,  
Тўкилар устига нафрат тошлари.  
Бу юртдан қочади толе, саодат  
Фақат яра тўлиб, қонар бошлари.  
Болани ўғирлаб олмоқ разолат,  
Кибр чаёнидир, иблис қасоси.  
Эй аҳли инсонлар, қандай асорат  
Махлуқ шарпаларнинг сассиқ нафаси.

### Чўлга келдим

(Фарғонадан чўлга келган  
Одина Исмоилова сўзи)

Қалбимда бир қўшиқ тошиб кетганда  
Қизлар даврасига таклиф этганда,  
Турналар кўкламни қутлаб ўтганда  
Фарғонадан келдим, қучоқ очдинг чўл,  
Бошга ҳовуч-ҳовуч нурлар сочдинг чўл.

Келмасам, кечирмас эди боғларинг,  
Булутга туташган олтин тоғларинг,  
Оловга, оташга туташ чоғларинг,  
Фарғонадан кеолдим, қучоқ очдинг чўл,  
Бошимга ҳовуч-ҳовуч нурлар сочдинг, чўл.

Келмасам, кутарди илиқ шамоллар,  
Кутарди қуш каби учқур хаёллар,  
Кутарди бош эгган куқунранг толлар,  
Фарғонадан келдим, қучоқ очдинг чўл.  
Бошга ҳовуч-ҳовуч нурлар сочдинг чўл.

Бу ерда офтобдай ёнайин, дедим,  
Ерга ёмғир мисол томайин, дедим  
Жасорат завқига қонайин дедим,  
Фарғонадан келдим, қучоқ очдинг чўл,  
Бошга ҳовуч-ҳовуч нурлар сочдинг чўл.

Келганимда кўксин очди гўшалар,  
Қўшиғин бахш этди оққан чашмалар,  
Қўлларин узатди менга ошналар,  
Фарғонадан келдим, қучоқ очдинг чўл,  
Бошга ҳовуч-ҳовуч нурлар сочдинг чўл.

Сочимга қуёшнинг нури ўралди,  
Дилимга шоирнинг шеъри ўралди.  
Умримга чинорнинг умри ўралди,  
Фарғонадан келдим, қучоқ очдинг чўл,  
Бошга ҳовуч-ҳовуч нурлар сочдинг чўл.

Букун ҳимматимни даладан сўра,  
Манглайи қорайган боладан сўра.  
Шийпон олдидаги лоладан сўра,  
Фарғонадан келдим, қучоқ очдинг чўл,  
Бошга ҳовуч-ҳовуч нурлар сочдинг чўл.

Шамол нағмасидан куй бердинг менга,  
Бепоён чўл каби ўй бердинг менга,  
Қуёшнинг ичидан уй бердинг менга,  
Фарғонадан келдим, қучоқ оч чўлим,  
Бошдан ҳовуч-ҳовуч нурлар соч чўлим.

### Бесамар орзу

Бесамар орзуни жўштира қонда  
У билан парвозга шайланолмайсан.  
Балиқ учган эмас ҳеч вақт осмонда,  
Сен ҳам қалдирғочга айланолмайсан.

### Шоир

Шоир завқни илҳом демасми?  
Ва демасми юрак учун қўр!  
Сувга чўккан кема эмасми,  
Илҳом они ёзилмаган шеър?!

### Кечув

Аён, тирикларга кафан бичилмас,  
Аён, бир сабабсиз шароб ичилмас.  
Эҳтиёт шарт дерлар, ахир, укажон  
Кечувни кўрмасдан этик ечилмас.

### Мансабдан кетгач...


Мансаби катта эди,  
Таъзим қилди изига.  
Мансабдан кетган куни  
Лой чаплади юзига.

### Чинор

Чинорнинг бир шохин синдирди бўрон,  
Қолган шох довулга қилмоқда тоқат.  
Бир қўли афғонда урушда қолган  
Шодланару қарсак чалолмас фақат...

### Илтижо

Юрагингни тўхташини рақиб кутмасин,  
Дилда ўсган боғларингга тошлар отмасин.  
Бахтга етмоқ учун қанот қоққанда орзунг,  
Ўшал орзунг қуёшин аждар ютмасин.



# О Д И Л Ё Қ У Б О В

## Адиб ҳақида қисқача маълумот

1926 йил Ясси (ҳозирги Туркистон)нинг Отабой қишлоғида таваллуд топган.

1956 йили Тошкент Давлат дорилфунунининг филология куллийтини битирган.

"Адабий йиғинлардан бирида унинг маънадор нутқини эшитган Абдулла Қаҳҳор Одил Ёқубовни Ёзувчилар союзига консультантлик лавозимига таклиф қилади. Шу тарзда Одилнинг меҳнат фаолияти бошланди. У бир неча йил Ёзувчилар союзида ишлагач, "Литературная газета"нинг Ўзбекистон бўйича муҳбири бўлди. Сўнгра "Ўзбекфилм"да, кинематография давлат комитетида бош муҳаррир бўлиб ишлади" (Озод Шарафиддинов). Узоқ йиллар у "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигига раҳбарлик қилди, 1987 йилнинг ўқабрида Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиблигига сайланди. Айни пайтда Одил Ёқубов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисидир.

Дастлабки асари — "Тенгдошлар", у 1951 йили ёруғлик кўрган.

Қиссалари: "Муқаддас" — 1960;

"Тилла узук" — 1961;

"Ларза" — 1962;

"Бир фельетон қиссаси" — 1963;

"Матлуба" — 1969;

"Қанот жуфт бўлади" — 1969;

"Излайман" — 1971;

"Биллур қандиллар" — 1975;

Романлари: "Эр бошига иш тушса..." — 1965;

"Улуғбек хазинаси" — 1973;

"Диёнат" — 1976;

"Кўҳна дунё" — 1980;

"Оққушлар, оппоқ қушлар" — 1986.

Одил Ёқубов асарлари диёримиздагина эмас, балки собиқ иттифоқ ҳудудида, Хитойда ҳам, Ҳиндистон ва Туркияда ҳам, Оврупо ва араб мамлакатларида ҳам севиб ўқилади, улар элликлдан зиёд хорижий тилларга таржима қилинган.

У республика Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон халқ ёзувчисидир.

Жажжи дарсликни  
Аҳмад Отабой ва  
Яшар Қосим  
тайёрлаган

Адабиётдан умумтаълим мактаблари дастурида қайд этилишича, атоқли адиб Одил Ёқубов ижодига ҳам ўрта мактаб синфларида муайян вақт ажратилган. Олтинчи синфда "Эр бошига иш тушса..." (романдан боб), ўн биринчи синфда эса "Муқаддас" қиссаси ҳамда "Улуғбек хазинаси" романлари бўйича сабоқ ўтилади. Ёзувчининг "Диёнат", "Кўҳна дунё" романлари, "Излайман" қиссаси эса мустақил равишда ўқишга тавсия этилади.

Қуйида биз адибнинг мухтасар таржимаи ҳоли ҳамда юқорида қайд этилган айрим асарлари, уларнинг ёзилиши билан боғлиқ ҳикояларини сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

### АЖДОДЛАР ҲАЁТИ КЕЧМИШИМИЗДИР

"Улуғбек хазинаси"нинг 1993 йил Туркияда чоп этилган нашрига сўзбоши

Мен 1926 йил куз палласи қадимда Ясси (буюк бобомиз Қулхўжа Аҳмад Яссавий шу шаҳарда таваллуд топган), ҳозирги кунда Туркистон деб аталмиш қадимий турк шаҳри яқинидаги Қарноқ қишлоғида туғилганман.

Бобом Ёқуб қишлоқ маҷитида сўфилик қилган, у кишининг овози шунчалар баланд эканки, азон айтганларида фақат қишлоқ аҳлигина эмас, балки ўттиз чақирим наридаги Туркистон аҳли ҳам эшитиб турган, дея таъриф қилишади. Отам Эгамберди эса ҳукумат одами бўлган, аммо 1937 йили "халқ душмани" деб қамалганидан кейин бобомнинг оти билан мени Одил Ёқубов деб атай бошлашди.

Болалик йилларим урушнинг оғир даврига тўғри келди. Яримжон онам отасиз қолган беш болани тарбия қилиши жуда қийин эди. Шу боис ёш чоғимдан захмат чекдим, жамоа хўжалигида кетмон чопдим, ўроқ ўрдим, аравакашлик қилдим. Хуллас, онам раҳматликка қўлимдан келганча ёрдам бердим, аммо китобни қўлдан қўймадим, далада ишлаган пайтларимда ҳам, ҳатто ойдин кечалар ой шуъласига солиб, китоб ўқиган вақтларим бўлган.

Шу тариқа ўн еттига тўлдим. 1945 йилнинг охирида аскарликка чақиринди. Япон урушида иштирок этиб, олти йил Хитойда қолиб кетдим.

Армиядан қайтгач, Тошкент Давлат дорилфунунининг адабиёт куллиётига кириб, 1956 йилгача таълим олдим. Ижодим эса аскарлик кезларим бошланган. Хизмат қилиб юриб "Тенгдошлар" деган қисса ёзган эдим, 1952 йили "Шарқ юлдузи" жўрналида босилиб чиқди. Шундан бери талайгина китобларим ёруғлик кўрди, жумладан, иккита тарихий роман ёздим. Биринчи — улуғ бобомиз Мирзо Улуғбекнинг фожией тақдири ҳақида, иккинчиси эса улуғ туркий сиймолар — Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синоларнинг машаққатли ҳаёт йўллари ҳақида.

Мен қўлимдан келганича ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилдим. Бу улуғ шахсларнинг туркий халқлар фани, маданияти, тиббиёти, фалсафасини ривожлантириш йўлида қилган бебаҳо хизматларини тасвирлашга уриндим. Айни замонда бу боболаримизнинг ҳаёти шу даражада оғир кечганларким, уларни ҳам яширмадим. Эҳтимол, шу сабабдандир, иншолло, романларни халқ яхши қарши олди. Олимлар, Чингиз Айтматов, Васил Биков, Мустай Карим каби улкан ёзувчилар "Улуғбек хазинаси"га жуда юксак баҳо беришди. "Кўҳна дунё", хусусан, "Улуғбек хазинаси" жуда кўп тилларга, жумладан, олмон, хитой, чех, фин, словак, болгар, араб, ҳинд, урду, ўрус, словен, шунингдек, бўлак халқлар тилларига таржима қилиниб, шуҳрат ва ҳурмат топди.

"Улуғбек хазинаси" турк тилига ҳам ўғирилганидан хурсандман, чунки Улуғбек барчамизнинг бобомиздир, унинг кечмиши тарихимиздир.

Мана, Аллоҳга шукр, пайғамбаримиз ёшига етдим. Ҳозир тўрт



Ижодий мусоҳаба

Ассалому алайкум, Одил ака!

Сиздек бир буюк ёзувчига машҳур романингиз "Диёнат"ни яратганингиз учун раҳмат битаман. Менинг дўстларим, қашқар адабиётчилари, зиёлилари ҳам бекаму кўст қувондилар. Улар менга хушxabар етказишни топширдилар: адабиётчиларнинг маъқуллиги билан китобингизни уйғур тилига таржима қилиб чиқдим, халқ нашриёти "Диёнат"ни 1986 йили нашр қиладиган бўлди...

Ҳурмат билан, Тоҳир ТОЛИБ

P.S. "Диёнат" аввал хитой тилига ўғирилган ва Пекинда чоп этилган, уйғур тилида эса кейин нашр қилинган.



Адиб оиласида

Баъзан бирор асарни ўқишдан олдин варақлайсиз, нимадир кўнглингизга ёқади, биринчи бетни қайта очиб ўқий бошлайсиз, у сизни ўзига тортиб олади ва охири саҳифага етганингизни сезмай қоласиз. Одил Ёқубовнинг "Муқаддас" қиссаси шу хил асарлардан.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

фарзанд, саккиз неварам бор. Шу боис фақат тинчликни орзу қиламан, ишқилиб, қон тўкилмасин, эл осойишта бўлсин, деб Аллоҳдан тилайман.

Одил ЁҚУБОВ,

1992 йилнинг 22 декабри, Тошкент шаҳри.

### "ЭР БОШИГА ИШ ТУШСА..." Роман. 1965 йил

— Инсон умрининг энг бебаҳо фасли болалиқдир.

Болалиқ хотиралари хусусан ижодкор табиатида яшовчи шундай бир булоққи, ундан тошиб чиқаётган сув ўзининг зилоллиги билан умрнигина эмас, балки унинг асарларини ҳам яшнатиб туради.

Болалиқдан менинг овунчим ҳам, юпанчим ҳам китоб бўлган. Мени ёзувчи қилган эҳтимол шудир. Виктор Гюгонинг таъбири билан айтганда, одамга болалиқдан сингдирилган одатлар ёш дарахт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдики, улар дарахт билан бирга ўсади, тана қўяди, унинг ажралмас қисмига айланиб қолади.

Бизнинг болалиқ урушнинг оғир йилларига тўғри келган. Кечагина ошиқ ўйнаб юрган биз — болалар ҳали ўйин-кулгига тўймай туриб, шароит тақозосига кўра бирдан эр етдик. Жангга кетган акаларимиз, тоғаларимиз, оталаримизнинг ўрнини билантирмаслик учун саҳардан қора хуфтонгача буғдой ўрган ҳам, уни янчган ҳам, ўттиз километрча наридаги станцияга дон ташиган ҳам биз — бўйи бир қарич келмайдиган болалар эдик. Ҳамон ёдимда, қариндош ёки яқинлардан кимдир жангда жон берганлигидан огоҳ этиб, кунда, кунора қора хат келар, ҳали у, ҳали бу ҳовлидан таралган нола бутун қишлоқни тутиб кетар эди. Шунда биз — болалар худди биров ўргатиб қўйгандек бориб опаларимизни, янгаларимизни юпатар эдик. "Ана, фалон газетда ёзиштипти, Писмадончи ҳалок бўлди деб уйига қорахат келган экан. Буни қаранки, ўша Писмадончи асли тирик экан, олти ой ўтмаёқ қишлоғига ўзи кириб келипти. Газетда ёлғон ёзишмайди-ку. Эҳтимол, тоғамиз тирикдир, эрта-бир кун лоп этиб келиб қолар!", деб уларни овулар, дардига малҳам бўлар эдик. Бу гапга ўзимизнинг ҳам ишонгимиз келарди, кейин... қишлоқдан чиқиб, адирнинг бир четида ярим кечагача қон йиғлар эдик...

"Эр бошига иш тушса..." ўша машъум йиллар ҳақида. Унда қаламга олинган ҳодисаларга ўзим шоҳидман. Уруш қанчалик оғир кечмасин, худонинг берган куни қорахат келиб, келинчагу оналар фарёди осмону фалакни зир титратмасин, ҳаёт бари бир ўз ишини қилган. Адолат ҳам, хиёнат ҳам жуда кўп бўлган. Лекин ёшлик бу сўнмас бир некбинликдир. Биз ўша йиллар не-не ҳақсизликларга рўпара келмайлик, райижроқўм раиси қорахат уюштириб, гўзал санамни йўлдан урганини эшитиб, қанча куюнмайлик, бир кун келиб ҳақиқат тантана қилишига ишонар эдик. Ўша жангчилар бир кун соғ-саломат фронтдан қайтиб келишади, бу кирдикорларни фош этишади, ёвузликка барҳам беришади, дея умид қилар эдик.

Албатта, ҳаёт бу эртак эмаски, ҳамиша хайрли тугаса. Шу каби бизнинг истакларнинг ҳам аксарияти рўёбга чиқмади. Урушдан кейин ўша нобакорлар кирдикорини хаспўшлашга, жавобгарликдан қочиб қутулишга муваффақ бўлишди ҳам. Лекин мен романни ёзаётган маҳалим, ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деган ақидага ишонганман, шунингдек, ҳозир ҳам...

### "УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ". Роман. 1973 йил

— Адабиёт тарихидан маълумки, бир қарашда арзимасдек бўлиб туюлган воқеа баъзан йирик ва мураккаб асарнинг юзага келишига туртки бўлади.

"Улуғбек"ни анча кечикиб, аммо завқ билан ўқиб чиқдим.

Яхши асар ҳақида сўз юритиш қувончлидир. Бу — юксак ва бениҳоя қимматли асар, ўзининг бадиий қиймати билан ҳам эътиборга молик тарихий роман мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Ҳаяжонимнинг асосий сабабчиси — ровийликнинг сеҳрли усули, бироқ бунинг барчасидан ташқари сенинг асарингни ўқийтуриб, мен улуғ туркий ғурурни ҳис этдим. Улуғбек бизни ҳамиша оқловчи куч, у бизнинг дардимиз ва дунё ҳақида фикр юритишга, унга тўла ҳақамлик қилишга ҳуқуқ берадиган юксак тажрибавий изтиробимиздир.

Бу юксак тажриба Улуғбек — гарчи унинг кашфиётлари олашшумул аҳамият касб этса-да — буюк олим бўлганида эмас, балки зиёли ва ҳақгўй инсоннинг фожиаси Улуғбек шахси ва тақдирида кечганидадир. Улуғбек менга фақат ўрта асрнинг атоқли олими бўлгани учунгина қадрли эмас, аксинча, тақдир уни энг машаққатли ва улуғвор фожиани бошидан кечиришга, шундай мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтишга маҳкум этганки, у ўз даврнинг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши бориб, шунга қарши исён кўтарган шахс сифатида ҳам буюқдир.

Ҳар қандай даврнинг, ҳатто маърифатли замонларнинг ҳам ўз улуғбеклари бор. Бунинг устига, "Улуғбек"ларнинг шундай аянчли қисмати бўлмаганида уларнинг олим эканликларини муайян қатламдаги мутахассислардан бўлак ҳеч ким билмас эди. Ва шунинг баробарида жаҳон санъатида Шекспир, Ҳёте, Томас Манн ва ҳатто Толстой сингари сўз санъаткорларининг пайдо бўлиши ҳам гумон эди.

"Улуғбек"ни ўқийтуриб, мен шун ҳис этдим ва ўйлайманки, энг муҳими шу.

Чингиз АЙТМАТОВ,  
10 июн 1976 йил.

P.S. "Улуғбек хазинаси"нинг ўзбекча нашридан менга бир дона юборишингни илтимос қиламан.



Ёдимда: олтмишинчи йилларнинг бошлари эди, машҳур газета саҳифасида Ираклий Андрониковнинг Улуғбек кутубхонаси ҳақида мулоҳазаси эълон қилинди, у атиги йигирма сатрдан иборат эди. Ва айтилишича, Улуғбекнинг ўлиmidан кейин унинг бебаҳо китоблар жамланган кутубхонаси шогирдлари томонидан асраб қолинган, қандайдир тоғлар бағрига яширилган. Жиддий ахтариб кўрмоқ лозим...

Бир неча кун шу фикр таъсирида юрдим, ниҳоят, шу қараш асосида кичик бир саргузашт қисса яратиш мумкин экан, деган тўхтамга келдим. Табиийки, Мирзо Улуғбек, унинг шахси, қарашлари, кашфиётлари, буюк олимга энага бўлган давр, тарихчи олимларнинг тадқиқотлари билан қизиқа бошладим. Анча маълумот йиғгач, Самарқандга бориб, улуғ бобомизнинг қадами теккан ҳар бир гўша билан, у бино этган расадхонаю унинг умри кечган машҳур Кўксарой (харобалари) билан астойдил танишдим. Аввал бошда ихчам қиссага чамалаган мавзуим секин-аста жиддийлик ва кўлам касб эта бошлади. Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти, илмий ишлари, у яшаган давр, салтанат, хусусан, умрининг сўнгги йиллари, рўй берган мислсиз фожиалар ичига кирар эканман, шахс ва олим сифатида у нечоғлик буюк бўлса, инсоний ҳаёти шу қадар оғир, теран драматик ҳолатлардан иборат тарзда кечганлигини чуқур ҳис этдим. Ниҳоят, ёзилажак асарнинг жисми ва руҳи менга аёнлашди.

Инсоният тарихида Мирзо Улуғбек сингари тенгсиз илмий тадқиқотлар, улуғ кашфиётлар яратган алломалар жуда кам, айнаи замонда шахсий ҳаёти ҳам бу қадар аянчли кечган салтанат соҳиблари кўп эмас.

Улуғ жаҳонгир Амир Темурнинг суюкли набираси, ўн тўрт ёшида Мовароуннаҳр тахтига ўтирган буюк салоҳият эгаси Мирзо Улуғбек қирқ йил давомида нотинч мамлакатда тинчлик, осойишталик ўрнатди, жангу жадалга эмас, маърифатга умрини бағишлади, маҳобатли расадхона тиклади, ҳандаса, риёзиёт, илми нужумнинг Қозизода Румий, Али Қушчи, Мирам Чалабий каби алломаи замонларини атрофига йиғди, ўзининг аниқлиги билан ҳатто бугун ҳам астрономларни ҳайратга солаётган самовий жисмлар жадвалини яратди, "Тўрт улус тарихи" деган, афсуски, бизгача фақат айрим парчалари етиб келган, аммо замондошлари берган баҳога кўра, жуда бебаҳо тарихий, илмий асар ёзди, бироқ тақдирнинг ўйинини қарангки, умрининг охирида пушти камаридан бўлган фарзанди Мирзо Абдуллатиф (шубҳасиз, у ҳам катта иқтидор соҳиби эди), шунингдек, тожу тахт ҳавасида ёнган амиру зодагонлар, бидъат ва хурофотга муккасида кетган кимсалар фитнаси, низою нифоқ, жаҳолат туфайли тожу тахтдан, наинки тожу тахтдан, балки дунё билган расадхонаси, илмий ишлари, кутубхонаси, тинчи, осойиши — барча-барчасидан мосуво бўлди, бу ҳам камдек, охир-оқибат ваҳшийларча қатл этилди.

"Улуғбек хазинаси"да миллатимизнинг сарвари бўлган, ҳамон юртимизга шараф олиб келаётган улуғ бобомизнинг — тенгсиз аллома ва шоҳнинг мана шу — ночор қолган, ниҳоятда фожиали, дарду ҳасратга тўла дамларини тасвирлашга, эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва салтанат, хиёнат ва садоқат, умр ва абадият ҳақидаги энг аччиқ, энг аламли, айнаи замонда энг ёруғ фикрларини изҳор этишга ҳаракат қилдим. Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов шу роман муносабати билан менга ёзган хатида, Мирзо Улуғбек ўз давридан беш юз йил илгарилаб кетган буюк олим ва улуғ шахс эди, ўз давридан бунчалик илгарилаб кетган одамлар эса оддий замондошлари билан мурасага бориши ҳеч мумкин эмас-да, дейди...

Ҳар қалай, шунга ўхшайди ва бу фожа бир қадар ифодасини топган шекилли, роман китобхон эътиборидан четда қолмади...

"ДИЁНАТ". Роман. 1976 йил

— "Диёнат"ни ёзиш жараёнида ўша — оғир кечган ва қайтмас бўлиб ўтиб кетган болалик дамларимни гоҳ кулиб, гоҳ кўзда



Китоб ("Улуғбек хазинаси") Туркияда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб олинди. Ёзувчилар, адабий жамоатчилик уни қўлғизма ҳолида ўқибок, катта баҳо беришди. Одил Ёқубов ҳақли равишда жаҳоннинг энг забардаст ёзувчилари билан бир сафда туради. У замонамизнинг кўркем адаби сифатида Туркияда ном қозонди. Одил Ёқубов сингари буюк истеъдод эгасини етиштирган халқ турк миллатига мансуб эканлигидан фахрланаман.

Жонип ГИРФТИН ўғли, Туркия.



Рўзи Назар (АҚШ) билан чой устида



Пиримқул Қодиров билан ижодий гурунг



ёш билан неча бор орзиқиб эсладим...

Ижод шундай бир жараёнки, унда асосан ёзувчи ўзининг таржимаи ҳоли шарҳини битади. Агар у катта истъод соҳиби бўлса, қамраб олган дунёни кўлама касб этади, ёзганлари даврнинг шарҳига, замондошнинг таржимаи ҳолига айланади. Мана шу романда агар мен ўзимга елкадош бўлган авлод дарди дунёсини ифода эта олган, уларнинг қалб манзараларини чиза олган бўлсам, тоабад ўзимни бахтли ҳисоблар эдим...

Олтмишинчи-етмишинчи йилларда "Литературная газета"нинг муҳбири сифатида юртимизни қадамма-қадам кезиб чиқдим, десам ёлгон бўлмайди. Аксарият ҳолларда катта хўжалик раҳбарларининг оддий одамларга қилган зуғуми ва шунинг оқибатида туғилган арзни текшириш учун борар эдим. Содда қилиб айтганда, адолатпарварни ҳам, ёвузни ҳам, адолат истагида ёниб кетган шўрликларни ҳам — барча-барчасини, қисматнинг чигал кўчаларига кириб қолган аянчли тақдирларни ҳам, хуллас, жуда мушкул ҳодисаларнинг шоҳиди бўлганман. Шу маънода айтиш мумкинки, манба — ҳаётнинг ўзи. Ишни яхши бошлаб, кейин босар-тусарини билмай қолган Отақўзи ҳам, жиянини сал тартибга чақиришга уринган ва охир-оқибат адолатни тиклаёлмай куйиб кетган Нормурод Шомуродов ҳам, йигирманчи йиллар охирида ноҳақ сургун қилинган, ҳаётининг асосий қисми Сибирда ўтган, умри хазон бўлган Қудратхўжа ҳам — ҳамма-ҳаммаси айнан ҳаётнинг ўзидан олинган.

Мунаққидлардан бири адабиёт ҳақида сўз юритиб, яқинда "Диёнат"ни ҳам колхоз ва совхозлар ҳаётдан олиб ёзилган асарлар сирасига киритибди. Колхоз, совхоз, завод-фабрика, умуман, ишчи-хизматчи ҳаётдан олиб ёзилган асар, деган тушунча менга ясамадек бўлиб туюлади. Ҳар қандай чинакам асар фақат инсон ҳақида, унинг кечинмалари, дарди дунёси, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш тўғрисида бўлиши мумкин, холос. Мен ҳам "Диёнат"да шу умуминсоний ҳақиқатларни айтишга ҳаракат қилганман.

Роман ёруғлик кўргач, қисқа фурсат ичида "Диёнат" деган кўп серияли телефилм яратилди. У намойиш этила бошлагач, хат ёғилиб кетди. Уларнинг аксарияти бир қарашда кулгули, зоҳиран соддадиллик аломати бўлиб туюлгувчи, аслида халқнинг чуқур дардларини ўзида ифода этган шундай жумлалардан иборат эди.: "Сизлар бизнинг раисимиз ҳақида филм қипсизлар. Нега унинг исмини ўзгартирдингизлар?", "Бизнинг раис ҳам Отақўзига ўхшаб халқни оёқости қип ташлади", "Бизнинг хўжалик раҳбари ҳам шунақа..."

Томошабинлар илтимосига биноан "Диёнат" кейин ҳам беш маротаба намойиш этилди. Ва у ҳар гал юзлаб зада кўнгилларда умидвор оҳу зор уйғотар эди: "Сизлар танқид қилгандан кейин зора раҳбаримиз ишдан олинса!..."

*"КЎҲНА ДУНЁ". Роман. 1980 йил*

Ҳар қандай ижодкор ўз даврининг фарзандидир. Истеъдоднинг қай тахлит намоён бўлишида эса бунинг аҳамияти йўқ эмас.

Ёши улғайган сари киши катта ижтимоий муаммоларнинг, ҳаётнинг чигал ва мураккаб қатламларининг ичига кириб боради. Аммо у кўнглида йиғилган гапларни рўй-рост айтишга ҳаммиша ҳам имкон топмайди. Модомики, тарихга, улуғ боболаримиз қисматига, улар яшаган даврга мурожаат қилинган экан, бундан мақсад фақат ўша даврни ёритиш эмас, албатта. Агар эътибор берсангиз, минг йиллар аввалги тарих қатидан олиб ёзилган бирон-бир воқеа-ҳодиса ҳақидаги романда ҳам (демоқчиманки, аксариятида) ўша асар ёзилган даврга ҳамоҳанглик бор. Олис ўтмишда бўлиб ўтган бу ҳодиса, шахслар фожиаси, тарих сабоғи бугунги кунга хизмат қилади.

Нима учун Гарсиа Маркес романлари собиқ иттифоқда эътибор топди? Чунки уларнинг аксарияти салтанат ва жамият, халқнинг қисматида ҳокимнинг роли ҳақида, улуғ адиб биргина зобит,

Қимматли ва ҳурматли Одил Ёқубов!

Биз бу ерда — Оврупо марказида туриб, мамлакатингиз тараққиётини катта ифтихор ва қизиқиш билан кузатиб боряпмиз, шунингдек, Сизнинг ижодингизни ҳам. Яқинда мен ибн Сино ҳақида "Кўҳна дунё" деган янги роман ёзиб тугатганингиз ҳақида ўқиб қолдим. Мен унинг русча нашрини сабрсизлик билан кутяпман, уйлайманки, "Улуғбек хазинаси"ни чоп этган "Янги ҳаёт" нашриёти бу романингизни ҳам мамнуният билан нашр қилажак...

Ҳелмут ЦЕМКЕ, Олмониё.



Кенгашли тўй тарқамас



Ёзувчилар боғида сайр

диктатор жамият тараққийетини минг йиллар орқага суриб юбориши мумкинлигини кундай равшан ифода қилган. Ундаги ҳодисалар бизнинг ўша даврдаги ҳаётимизга жуда-жуда ҳамоҳанг эди...

"Кўҳна дунё"ни ёзишга киришишдан аввал ибн Сино туғилган Афшонада бўлдим, қишлоқ ёнидаги тепаликка чиқиб, табаррук зотнинг болалик чоғлари ўтган боғларни, у гиёҳ терган далаларни, у сув ичган ариқларни томоша қилдим, ҳатто ибн Сино билан боғлиқ қизиқ бир ривоят ҳам эшитдим: гўё Шарқ подшоларидан бирининг севимли қизи оғриб қолганмиш-у, ҳеч бир табибдан шифо топмагач, охир-оқибат ибн Синони излаб Бухорога келган эмиш. Афшона яқинидаги бир тепаликка чодир тикиб, буюк табибга мурожаат қилибди. Олим қизни гиёҳлар воситасида даволабди. Бетоб қиз кўп ўтмай дарддан фориг бўлиб, ором топибди. Ором топган жойда қолиб кетибди ҳам. Ромитан (оромитан) шундан келиб чиққан эмиш...

Бу ривоят романга киритилмаган, аммо гарчи ўн беш йил илгари эшитган бўлсам-да, ҳалиям эсимда.

Ибн Сино ва Беруний ҳақида халқ орасида кенг тарқалган ривоятлар ҳикоятлар мавжуд, улар билан танишар эканман, ҳаётда ўзим кузатган, мени чуқур ўйга толдирган қисмат ўйини қайта ва қайта тасдиқлангандек бўлди: инсониятнинг асл фарзандлари, улуғ истисод соҳиблари камдан кам ҳолдагина қадр топганлар. Гарчи кейинчалик чуви чиқса-да, сохта олимлар, найрангбозлар, сохта арбоблар тарихда номи қолган сиймолардан юксак мавқе топганлар, турмушлари ҳам шоҳона ҳаловатда кечган. Агар даъвом исботталаб бўлса, энг яқин тарихни кўздан кечирайлик: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат...

Бу зотларни маҳв этган қора ниятлилар улардан юз чандон яхши, фароғатда яшаганлигини ким инкор эта олади?!

Ҳаётнинг аломат ўйинларидан бири шундаки, фозилларга аён бўлган бу сир, бу оддий ҳақиқатдан инсоният тарихда ҳеч қачон сабоқ чиқармаган. Шунинг учун ҳам қора кунлар бошига тушганда ўзининг азиз фарзандларидан жудо бўлиб қолаверган, қолаверган...

Романдаги сохта ибн Сино билан боғлиқ воқеалар ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас, унинг ҳаётий илдиэлари бор.

Модомики, гап "Кўҳна дунё" ҳақида экан, улуғ аждодларимизнинг бирда ёруғ, бирда ниҳоятда хазин кечган қисматлари воситасида ўзимни узоқ ўйлантирган ўша оддий ҳақиқат ҳақидаги қарашларимни китобхонга сингдиришга ҳам ҳаракат қилдим, десам хато бўлмайди.

### "МУҚАДДАС". Қисса. 1960 йил

— Эллигинчи йилларнинг охири, олтмишинчи йилларнинг бошларида бирда "Севги қиссалари" номи билан, гоҳо алоҳида-алоҳида нашр этилган қатор қисса ва ҳикоялар ёздимки, "Аямажуз", "Йўқолган юлдузим", "Бахт қуши", "Матлуба", "Тилла узук" шулар сирасига киради.

"Муқаддас" ҳам ўша кезлар ёзилган.

Бу қисса талабалик чоғи кўрган-кечирганларим, ўзим кузатган ҳаётий воқеаларнинг, таъбир жоиз бўлса, акс садосидир.

Йирик мунаққидлардан бирининг ёзишича, қиссада худбинлик ҳеч қачон ҳеч кимга яхшилик келтирмайди, деган гоё илгари сурилган. Эҳтимол, шундайдир. Ҳар қалай, шунча яшаб кўрдимки, худбинлик бирор кишига бахт ҳам, омад ҳам келтирмаган эмас. Албатта, биз кўрган худбинликлар қошида қисса қаҳрамони — Шарифжоннинг хатти-ҳаракатини худбинлик дейишга уяласан киши. Аммо у институтда домла бўлган ўғай отаси ёрдамида имтиҳонда олган паст баҳосини "аъло"га "кўтаради", гарчи бунини у жон-дилдан севган Муқаддасига эришиш, у билан бирга ўқиш ниятида қилса-да, ноҳалол ҳаракат оқибатида кўнгил қўйганини йўқотади, яъни унинг ўтиши ҳисобига Муқаддас ўқишга кира олмайди. Қиз ҳам йигитни астойдил севса-да, қилмишидан огоҳ бўлгач, ундан юз ўгиради.

Шарифжоннинг, дейлик, энг ёруғ ниятдаги худбинлиги унинг



Эски қадрдонлар тўпланишида

Одил Ёқубовнинг "Тилла узук", "Матлуба", "Қанот жуфт бўлади" каби қиссалари бугунги ҳаётимизнинг муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларини қаламга олиб, китобхонга яшаш маҳоратидан ибратли сабоқ берди. Биз қиссалар орқали замондошларимизнинг бугунги ҳаёти билан танишибгина қолмай, инсонийлик, муҳаббат, адолат ва садоқат каби тушунчаларни янада қадрлайдиган бўламиз.

Озод ШАРАФИДДИНОВ



"Орта қолди неча фасллар"...



Т.Қайинберганов ва О.Ёқубов

ўзи учун катта бир фожиа туғдиради: ўзи билмаган ҳолда энг азиз кишига хиёнат қилади, оқибат, севганидан айрилиб қолади...

Ҳам виждон азоби, ҳам айрилиқ изтироблари...  
 "Муқаддас" ҳақида нима дейиш мумкин? Агар сохта камтарликни йиғиштириб қўйиб айтар бўлсак, олтмишинчи йилларда у ёшлар орасида анча-мунча баҳсларга сабаб бўлган. Хатлар ёмғирдай ёғилгани ҳам эсимда. Бу мактублар ичида гоҳо юз, гоҳо икки юз толиб имзо чекканлари ҳам бўлар эди. Рост, уларнинг аксарияти: "Энди нима бўлади? Шарифжон билан Муқаддас топишадими?", "Муқаддас Шарифжонни кечирармикан?", деган безовталиқ изҳори бўлса, айримлари шундай ўтинчандан иборат эди: "Одил ака, илтимос, Муқаддасга айтинг, Шарифжонни кечирсин! Ахир у шўрликнинг гуноҳи йўқ-ку!" Ва ҳоказо.

Бир гал мен Беговот металлургия заводидан салмоқлигина пакет ҳам олганман, нима экан бу, деб уни очсам, ичидан бир даста хат чиқди. Қиссада ҳозир ўзимга ҳам бир оз кўглили бўлиб туюлгучи бир жумла бўлиб, ундан Муқаддас Беговот металлургия заводига ишга кетди, деган маъно келиб чиқади. Буни англаган соддадил китобхонлар "Муқаддас Шарифжонни кечирсин!" дея ўтини завод фирқа қўмитаси номига мактублар йўллашган экан.

Бу гапларни ўқиб, мийиқда жилмайиб қўйиш ҳам мумкин, албатта. Лекин шундай дамлар мен машҳур шоир Александр Твардовскийнинг бир гапини эсламан. "Василий Теркин" асари чиққач, шоир урушдан кейин Теркин уйландими-йўқми, уйланган бўлса хотини қалай, ишқилиб, тузук аёлми, деган мазмунда минглаб хатлар олган. Соддадил шеърхон куюнчаклик билан ёзган бу хатлар мен учун танқидчиларнинг том-том мақтовидан кўра азирок, дейди Александр Трифонович. Айрим ёш адиблар китобхондан келган хат асар қийматини белгиламайди, деганларида нечундир шоирнинг ўша сўзлари ёдимга тушади.

**"ОҚҚУШЛАР, ОППОҚ ҚУШЛАР..." Роман. 1986 йил**

— "Оққушлар..."ни ёзишга бир мактуб туртки бўлган. Кўз ёшига беланган бу хат Бухородан ёзилган бўлиб, ҳар қандай тош юракни ҳам қон қиладиган ҳасратга тўла эди. Уни ёзган — хўжалик раҳбари, ўзи эрта-индин "пахта иши" бўйича муқаррар қамалади, фарзандлари эса вояга етиб қолган, шуни ўйлаб...

Ўзингизга маълум, оила бошлиғи қамалгудай бўлса, бас, қизларининг, ўғилларининг келажаги барбод бўлади. Шу сабаб оилам шаънига доғ тушмасин деб ўша шўрлик бошини урмаган остона қолмаган, аммо ҳеч қандай нажот топмагач, дардини, бор ҳақиқатни ёзган, мақсад — ёруғ кунлар келганида фарзандларимга шуни етказинг, тушунтиринг, мен уларнинг келажagini сақлаб қолиш учун ўз жонимга қасд қиляпман, деган...

Бу хат, уни ёзган киши тақдири бошқа бир масала. Аммо сир эмас, яқин ўтмишда ҳам шароит тақозосига кўра иш юритса-да, охир-оқибат айбдор бўлиб чиққан, аслида юраги шоирона туйғуларга бой не-не инсонлардан айрилиб қолмадик. Ёки бўлмаса, захри қотил умрини ҳазон этган, ситамларга чидаёлмай ўзига ўт қўйиб юборган келинчақлар, оилам. болам-чақам деб меҳнатнинг тагида қолиб кетганлар озмиди. ахир?!

"Оққушлар..." шу ҳақда.



О.Ёқубовнинг хорижий тилларда чиққан асарлари



Адҳамжон Орзиматов:

## Биз энди кимга ўринбосармиз?

Адҳамжон Орзиматов 1958 йилда Олтиариқ туманининг Олтиариқ қишлоғида туғилган. Oilали, 4 фарзанднинг отаси. Ишни оддий шофёрликдан бошлаб, Фарғона вилоят комсомолнинг саркотиблугига, ундан сўнг, 1991 йили Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби лавозимига сайланган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.

— Адҳамжон ака, маълумки, Ёшлар Иттифоқи жамоат ташкилоти ҳисобланади. Бугунги иқтисодий қийин шароитда унинг аҳволи қандай? Ўз юкини ўзи кўтариш учун нималар қиляпти — шулар ҳақида гапирсангиз.

— Гапнинг очиги аҳволимиз билан мақтанолмаймиз. Комсомол комфирқанинг ўринбосари, резерви бўлгани тўғри, лекин тан олиш керакки, комсомол ташкилотлари орқали амалга оширилган ишлар, ёшлар муаммоларига боғлиқ бўлса-да, кўпроқ халқ манфаатларига хизмат қилган. Давр ўзгарди, "ўринбосар" сўзини ишлатиш ҳам анча эриш туюлиб қолди. Сиз қайси маънода бу саволни берганингизни билмадим-у, ammo менга "қайси партияга резервсиз" демоқчидай бўляпсиз. Бугунги кунда Халқ демократик партияси олиб бораётган сиёсат шахсан мени қониқтиради, ўзим ҳам ХДП Марказий Кенгашининг аъзосиман, албатта, камчиликлардан холи эмасмиз, лекин нима учун бошқа кучлар тарафидан эмас, айнан ХДП сафидасиз, дерсиз. Аввало жумҳуриятимиз президенти муҳтарам Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган тинчлик сиёсати халқимиз ичида катта меҳнат билан шу партия орқали амалга оширилмоқда. Бизнинг мақсадимиз мустақил Ўзбекистоннинг эртанги кунни, халқ манфаати учун курашда доим ёрдамга тайёр бўлиб туриши, Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни кенг тарғиб қилиш.

— Сиз шахсан Ёшлар Иттифоқининг келажагини қандай тасаввур қиласиз ва у қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Ёшлар Иттифоқининг келажаги бугун биз қандай ишлашимизга кўпроқ боғлиқ, агар биз, ЕИ фаоллари ёшларимиз ишончини қозонмас эканмиз, ўз шахсий манфаатларимизни кўзлар эканмиз, шунга яраша жавоб оламиз.

Албатта, келажаги тўғрисида чиройли гаплар айтишга ҳали эрта бўлса керак, чунки эртага нима бўлишини вақт кўрсатади, лекин ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз ёшлар ташкилоти ёхуд уларни бирлаштирувчи куч албатта бўлмоғи керак.

— Кўпчиликнинг руҳияти, уларнинг интилишлари бошқалардан кўра раҳбарга аввалроқ маълум бўлади. Шу маънода айтинг-чи, ёшларни бирлаштириш учун мустаҳкам гоё керакми ёки маълум манфаатдорлик?

— Менинча, мустаҳкам гоё керак. Тагин у қандай гоё эканига ҳам боғлиқ. Бўлмаса ёшларни бирлаштириш мутлақо мумкин эмас. Менинг фикрим шу: пул орқали орттирилган дўстлик омонат, маънавий дўстлик мустаҳкам бўлади. Биз ўз миллий қадриятимиз, шунингдек, байроғимиз, мадҳиямиз, қолаверса, Президентимизга ҳурмат-эътиқод руҳини камол топтиришимиз лозим.

Маънавий бойликнинг тагида моддий бойлик ётади. Бундан олмай илож йўқ. Айниқса, ҳозиргидай моддий чанқоқ замонда. Мен пул ҳақида эмас, собиқ комсомолдан қолган моддий мерос, уларнинг миқдори ва ҳозирги фойдаланиш тартиби ҳақида сўрамоқчийдим.

— Иттифоқимизнинг моддий асоси, яъни мулк аввало, Тошкентдаги "Камалак" нашриёт-матбаа бирлашмаси, Ёшлар илмгоҳи ва ташкилотларимиз ихтиёридаги бинолар, анжомлару транспорт воситаларидан иборатдир.

Шуни қайд этишим лозимки, узоқ йиллар иттифоқимиз мулк бўлиб келган "Ёшлик" меҳмонхонаси иншооти ҳукуматимизнинг бултурги 20 ўктябрда чиқарган 484-сонли қарорига биноан "Ўзбектуризм" миллий компаниясига олиб берилди. Лекин шу меҳмонхона энди ҳам ёшлар манфаати учун хизмат қилса, кўнгилдагидай иш бўларди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида қуйи ташкилотларимиз ва уларда ишлаётган ходимларимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш асосий масалалардан бири бўлиб турибди.

Шунинг учун ихтиёримиздаги барча мулк ва маблағлардан, даромадлардан унумли фойдаланиб, олдимида турган олий ниятларга етишни мақсад қилиб қўйганмиз.

— Адҳамжон ака, "азага борган аёл ўз дардини айтиб йиғлайди", дейишади. Ёшлар иттифоқи Марказий Қўмитасида бир қанча нашрлар, шулар қаторида "Ёшлик" ҳам мавжуд. Айтинг-чи, бу йил уларнинг ҳоли нима кечаркин?

— Маълумки, ҳозирги кунда марказқўм жами 8 та болалар ва ёшлар нашрларига муассислик қилиб келмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керак, улар халқимиз ўртасида ўзига хос катта обрўга эга.

Ёрдам масаласига келсак, биз ўтган йил бошида уларнинг барчаси маънавий мустақиллик ҳуқуқини бериб, алоҳида ҳисоб рақамларини очишда кўмаклашдик. 1993 йилги обунани ташкил этишда маҳаллий қўмиталаримизнинг ҳаммаси фаол иштирок этишди. Бироқ республика йиғит-қизларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган бизнинг ташкилотимиз бугун, боя айтганимиздай, молиявий қийин аҳволда. Тўғри, илгари ташкилотимиз газет-жўрналлардан пулни аямаган. Лекин, айни пайтда уларнинг бутун сарф-ҳаражатларини қоплайдиган даражада сармоя ажратишга қурбимиз смайди. Ammo биз бир дақиқа бўлса-да, нашрларимизнинг бошқа муассислари қатори ўзимизнинг муассислик бурчимизни унутганимиз йўқ. Уларга ҳаммуассисларимиз қаторида ёрдам бериш чораларини кўряпмиз. "Ёшлик" ва "Ёш куч" жўрналларига енгил автомашина, асбоб-қурбоналар, мебел, бундан ташқари "Ёш куч" жўрналига нормада белгиланган миқдорда ишчи хоналари ва ҳоказоларни текинга, яъни муассис улўши сифатида бермоқчимиз, қолган нашрларга эса ЕИ МҚСининг 1993 йилги бюджетидан молиявий ёрдам бериш кўзда тутилган.



Фарҳод Арзиёв 1975 йил Нурота туманининг Тиконли қишлоғида туғилган. Ҳозир Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллиёти талабаси. "Ёшлик"да шеърлари илк бор ёруғлик кўрмоқда.



Шеър — манзара, кечинма... Сўроқсиз келган мусиқа. Шоир туғилди... Шеърнинг янги таърифи: "Ой бу кеча келинмас, ўргамчакка айланиб, чор атрофга тўр илар... Ай, Денгизнинг қўшиғи!"

Фарҳод Арзи сўзни исроф қилмайди (узр, тақризчига ўхшадим). Бирор нарсани тунунтирмайди. Демак, (чўнг) фикр айтаётганига урку сезилмайди. Менимча, фикр айтиш — мақсад эмас. Дарвоқе, шеър билан фикр айтиб бўлмайди. Шеър — оҳанг. Оҳангда ҳар не мавжуддир, муҳими — маънисизликка ўрин йўқ. "Чайқалаётган очун — дор... Алла айтар арғанун..." Мен унга ҳеч нарса демайман, соғ бўлсин.

Йўлдош ЭШБЕК

Фарҳод Арзиёв

## ЯШИЛ РУҲЛАР ТИРИЛГАН КЕЧА...

Умумий манзара

1. Дарё... (Сариқ, қизил... турфа)  
Тоғларни соғар...  
Карвон қўнғироғи...  
Барглар ингроғи...  
Дарахтлар дард туғар  
Алла айтар арғанун...

Сап-сариқсайҳон  
Илонлар тўлғонар таҳвилдор...  
Пастаккина осмон...  
Чайқалаётган очун — дор  
Алла айтар арғанун...

Бир зиё — чўмилмоққа  
Мангу берилмаган ижозат  
Ижобат т. ланиб  
Йиғлаётган ибодат  
Алла айтар арғанун...

2. Тилло қизлар сочига  
Қуёшданнуртилайди.  
Тоғлар оёқ тиланиб,  
Ғайбдан ғайбга қулайди  
Денгиз қирғоққа етим  
Қўшиғинибелайди...  
Қўшиқингалайди...

Балиқ ҳиди анқиган  
Ай, денгизнинг қўшиғи...

Ой бу кеча келинмас  
Ўргимчаккаайланиб,  
Чор атрофга тўр илар.  
Бу кеча далаларда  
Уйғонган майсалармас,  
Яшил руҳлар тирилар...  
Тун тоғларга суяниб

Оҳиста чўккалайди  
Бир қўшиқ ингалайди.  
Балиқ ҳиди анқиган,  
Ай, денгизнинг қўшиғи...  
Арғувон танасида  
Ўрмалайди илонлар  
Чинорларни синдириб  
Чиндири-н-нг! Шу армон...  
Чирс...

Чирс...  
Бир қўшиқ ингалайди.  
Балиқ ҳиди анқиган  
Ай, денгизнинг қўшиғи...  
Тунда ойга тикилиб,  
Итлар узун увиллар  
Ҳасраткулбаларида  
Келажакнинг кўру кар  
"Пайғамбар"и туғилар...  
Бешиқ қани белашга?..  
Бир қўшиқ ингалайди  
Балиқ ҳиди анқиган  
Ай, денгизнинг қўшиғи...  
\* \* \*

Бир хаёл  
Дорнинг оғочини ўйлашдек тотли,  
Сабрнинг кўзидек ўйчан ва маъюс.  
Дилнинг ҳеч ким билмас ерига ботиб  
Кетган гул бўйидек анвойи бир ис...

Хотирга келади сариқ туманлар,  
Изтироб гуллаган бир боғи беҳишт.  
Атиргулга ошиқ бўлган илонлар,  
Суманлар атридан шамоллар беҳуш...  
Қаҳрларбағридан ҳобирбаҳр  
Балиқлар кўзида афсона дунё.  
Ўланайтар ҳеч ким кўрмаган баҳор,  
Қайғулардан айро, ғамлардин айро  
Бир хаёл...  
Илон кўзларидан тўкилган жоду,  
Сувларга кўнглини берган мажнунтол.  
Ойнинг нурларидан тўкилган чодир,  
Қуёшнинг дилида туғилган савол...  
Бир хаёл...  
Тунларнинг бир ғамгин босинқираши...  
...Йиғлаб кетаётир юрак маст-аласт...  
\* \* \*

Шу ҳур қизнинг кўзларини  
Гўшанга қил, худойим!  
Киприклари бўлсин чимилдиқ.  
Унда кўнглим эркаласин кўнглини...  
Кўзларининг қорачуғидан  
бир илоҳий тун ато бўлсин  
Бир илоҳий тунки,  
ғамзада бўлсин...  
Бир афиф ғамзада,  
Бир мангу лаҳзада  
Кўнглимдан кўнглига томган севгидан  
Даҳолар тўрасин...  
О-о-о  
Худойим-м-м!..



Шаҳрибону  
Нозилова

Шаҳрибону Нозилова ҳозир айнан шеър ёзадиган ёшда. Бу ёш инсон умрининг энг гўзал лаҳзаларини, энг кучли пайтларини ўз ичига олади. 18 ёшли шоир туну кун ўйлаши, қувончу изтиробларининг ҳаммасини шеърга кўчириши мумкин.

Мен Шаҳрибонунинг шеърларидаги чиройли соддаликни, ростгўйликни, самимиятни қадрлайман. Зотан, гўзаллик излаб яшаётган қалбдан фақат яхшилик кутиш мумкин.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

## Соғинч

Гўзал хотиралар ёди-ла яшаб,  
Тушларида тоғлар кўрар бир қизман.  
Қўлларида елни, булутни ушлаб,  
Қишлоғим боғларин кезувчи кузман.

Мажнунман — бепоён саҳрони кезиб,  
Дам кулиб, дам эса йиғловчи — осмон.  
Қумларбағридаги жимликни бузиб,  
Қорғин қайтаётган узун бир карвон...

## Тунги қўшиқ

Тун бўйлаб янгради бир мискин қўшиқ,  
Борлиқ сергакланиб ўйланиб қолди.  
Юрак қафасида — уйқусиз ошиқ —  
Ҳайратдан бир муддат шайланиб толди.

Ёқимли бир титроқ келарди тошиб,  
Кўзлар эҳтиросдан юмилар аста.  
Оймомо мўралар чўққилар ошиб,  
Дарахлар чайқалиб тинглашар пастда.

Шамол такрорлайди тунги овозни,  
Юрак тебранади ҳамоҳанг куйга.  
Сеҳр пардасига ўраб ҳар сўзни  
Ўтли бир мусиқа талпинар қайга?

Азобланиб ётган ҳижрон ўтидан,  
Юрак бир муддатга қолди шайланиб.  
Сўнг эса ошиқди қўшиқ ортидан  
Бир майин, бир дардли сирга айланиб...



Неъмат Аминов

## "ТАКА БЎЛСИН— СУТ БЕРСИН..."

Ҳикоялар

Неъмат Аминов — ўзбек миллий ҳажвиёт жанрининг пешқадам вакилларида бири.

Адиб турғунлик деб аталмиш бўҳронли йилларда ҳам ўз истеъдоди қудратига, ҳажвиёт санъатига қарши бормади, аксинча, турмушнинг қора иллатларини аёвсиз фош этиб, оддий халққа ўзининг самимий кулгусини улашиб келди. Шунинг самараси ўлароқ дунёга келган "Қирқ учинчи почча", "Жигари тўкилди", "Елвизак", "Елғончи фаришталар" каби қатор асарлари оддий китобхонлар қалбидан мустақкам ўрин олди.

Адиб асарлари қатор хорижий тилларга ҳам таржима қилинган.

У Ўзбекистон халқэзувчисидир.

### Муаллиф дейдики:

Оллоҳга шукур, мустақил кунларга ҳам етиб келдик. Айни пайтда "турғунлик йилларида жабр кўрганман", "кўп азоб еганман", деган сўзларни тез-тез эшитиб турибмиз. "Кўрган бўлсанг кўргандирсан". Буни ҳаёт дейдилар. Кимда бўлмаган бу хил кўргуликлар. Ҳаммадан ҳам айримларнинг "раҳбарнараст", "фирқапараст" лигига ўласан киши.

Айтайлик, бир раҳбардан марҳамат кўриб, боши олтин тавоқда эъзозланган кишилар, ураҳбар ўлиб, ноҳақ қораланса, у ҳам бошқалар — (келгиндилар)га қўшилиб, унинг гўрига ғишт қалади. Замона ўзгариб, ураҳбар "оқлангач", ўша кимсалар "ўлган" раҳбарнинг гўрига қаланган тайёр ғиштарни олиб, бадном бўлган раҳбарнинг қазилажак гўрига қалаш-га тушишади...

Ана шунақа гаплар. Мунофиқнинг ёшу қариси

бўлмас экан. Қўрқувга, хушомадга қурилган жамият — мунофиқларни кўплаб етиштираркан. Турғунлик йилларида шунчалик кўп мунофиқона ўйинларни кўрдикки, асти сўраманг. Уларни биров эмас, ўзлари (аслида Оллоҳ) шарманда қилди.

Қадим замонда уч-тўртта подшони кўриб, ҳар янги подшо чиққанда эскисини ёмонлаб, янгисига олқиш ёғдирган бир кекса маддоҳ ўлибди. Уни тобутга солиб кўтариб кетаётганларида "отахон" мунофиқ тобутдан бошини чиқариб, лаб-даҳанини ялаб кетаётганмиш. Одамлар анграйиб қолишибди. Кимдир, нега анави мудра тамшаниб кетяпти, деб сўраган экан, "Э, қўяверинглар, у хаёлида янги подшонинг оёғини ялаб, эскисини лаънатлаб кетяпти, унинг бу касалини гўр тузатади", дебди Афанди.

Менинг назаримда, Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустақкамлаш учун биринчи набатда мунофиқликка барҳам бермоғ лозим. Чунки мунофиқлик сотқинликни келтириб чиқаради. Мунофиқлик — "хушомад қиёми" да пиширилган ҳолвага ўхшайди. У қанчалик ширин бўлмасин, ортиқча танаввул қилганларни ҳалокат чоҳига етаклайди.

Мунофиқлик гоҳ тилёғламалик, гоҳ хушомад, гоҳ манзират, гоҳ илнж, гоҳ шуҳратпарастликнинг ҳарир пардасига ўралган "келинчак"ка ўхшаб кўринади. Аслида бу ҳарир парда ортида "келинчак" эмас, мингга кирган жодугар кампир борлигини сезмай қоламиз. Шунинг учун ҳам халқимиз мунофиқ дўстдан тўғри сўз душман яхши, деб бежиз айтмаган.

# „Милёнер“

Янги даврлар бошланиб, машҳур ресторанларда биллур қадаҳлар ўрнини ялтироқ, пардек енгил елим пиёлалар эгаллади. Мирқўзи гарчи елимдек мулойим ва қўримсиз бўлса-да, шу пайтгача биллурнинг вазифасини ўтаб келарди. Бозор иқтисодиёти туфайли йигирма йилча ишлаган корхонаси ёпилиб қолди. Кўпга келган тўй экан. Ҳамкасблар ҳар ер, ҳар ердан иш топиб кетишди. Унга эса ҳадеганда муносиб жой топилавермади. Бошлиғи Болтақўзи Шерович қаердадир катта бир лавозимга тайинланибди. У ҳар кўрганда, қалайсан, Мир, бироз шошмай тур, қўзим, ишлар юришиб кетсин, бир гап бўлар, дея юпатиб қўярди. Мана, олти ой ўтяптики, "бир гап бўлар"дан дарак йўқ. Болтақўзи Шерович эса, бутунлай кўринмай кетди. Мирқўзи уйда ўтирим бўлди. Хотини ишга кетаётиб, ҳовлини супуриб, идиш-товоқларни ювиб қўйинг, деса айтганини қилади, ўзидан билиб бошқа ишга қўлини ҳам урмайди. Чунки у бир умр буйруққа, айtilган топшириқнигина бажаришга одатланган эди.

Бир гал хотини янги гап топиб келди. Кўча бошидаги ташландиқ ерда бир милёнер киши иморат қураётганмиш. Ўн кун ичида тиклаб олибди. Мирқўзининг кўзлари пирпиради.

— Ҳаҳ, менга тош отмаган бир сен қолувдинг, — дея чийиллади тарашадек кафтини пахса қилиб.

Фабрикада тикув машинасидан бошқа нарсани кўрмаган хотини нима дейишга ҳайрон бўлди. Шундай бўлса-да, радиодан эшитганини тўкиб солди:

— Намунча ҳовлиқасиз, республикамиз эндигина мустақил бўлди, икки-уч йил ўтсинчи...

— Кўрамыз ўшанда ҳам, — деди Мирқўзи қўл силкиб эшикдан чиқаркан.

Танишлари Мирқўзига икки-уч жойдан иш топишди, тишига уриб кўрди. Ўтирмади. Меҳнати оғир экан. Яна бир кун ишдан қайтган хотини кўча бошидаги "Милёнер"нинг қасрдек ҳовлиси, сўнг "импўртний" мошинаси ҳақида эзмаланди.

— Айтмоқчи, милёнерни ўзини кўрдим, — деди завқ билан, — барваста йигит экан, соқоли мумдай қоп-қора, бошида ҳожи дўппи, қўлида тасбех, бамисоли пайғамбар дейсиз...

Мирқўзининг энсаси қотди.

— Мунча оғзингдан сувинг оқмаса. Кечқурун ёстиғинг ҳўл бўлиб қолмасин тагин.

— Уялинг-э, — деди хотини хонтахтани муштлаб ўрнидан туриб кетаркан.

— Менга кўзи учиб тургани йўқдир ўша милёнерни.

Мирқўзи яна чақиб олди.

— Кўзи учиб турса, хўп дермидинг?

— Ҳа, — деди хотини "алам қилсин" маъносига бошини қийшайтириб, — жон-жон

лердим, пули бўлса, чиройи бўлса, қасрдек ҳовли-жойи бўлса...

Мирқўзи мот бўлди. Тили танглайига ёпишиб, юзини тескари бурди. Кечки овқатни чурқ этмай тотинган бўлди-ю, меҳмонхонага чиқиб ётиб олди. Хайрият, иккинчи куни қайнанаси келиб, эр-хотин меҳмон олдиди сир бой бермай ярашиб олишди.

Мирқўзи ҳар куни иш излаб, ноумид қайтарди. Бир куни кўча бошидаги иморатга секин кўз ташлаб ўтаркан, рўпарасидан оппоқ ридо кийган йигит чиқди. "Бу ўша "Милёнер". Хотини таърифлаганча бор экан. Бош қимирлатиб салом бермоқчи эди, "Милёнер"нинг ўзи қўл бериб кўришди. Жа, ўктам, хушмуомала экан. Бир умр яхши гапнинг гадоси бўлган Мирқўзи ийиб кетди. Яна икки марта Мирқўзи "Милёнер"ни кўриши билан пилдирашиб икки қўллаб бориб кўришди.

Кечқурун "Милёнер"ни мақтаб гап очган эди, хотини унинг таънасини эслатиб бетига рапида қилди.

— Мунча оғзингиздан сўлагингиз оқмаса?

Мирқўзи ўшқирди.

— Сўлагим оқиб нима? Ўша "Милёнер"ингни ўзи биринчи бўлиб салом берди-ку, Каптарободлик Ниёз аравакашнинг ўғли экан... раҳматли аммамининг катта куёвларига божа бўларкан...

— Вой, унда майли, қариндош чиққан бўлсаларинг табриклайман...

Ҳадемай, Мирқўзи "Милёнер"га анча яқинлашиб олди. Гап орасида ишсизлигидан-нолиган эди, "Милёнер" унинг узун қўлларига, чавандозларникидек ингичка, маймоқ оёқларига, муштдек калласига разм солиб:

— Қанақа ишни хоҳлайсиз? — деб сўради.

— Қанақаси бўлса ҳам бўлаверади. Така бўлсин, сут берсин, жа қийналиб кетдик, ука.

"Милёнер" чўнтагидан бир қоғозча олиб тутқазди.

— Эртага мана шу адрес, тойис, манзилгоҳга келинг. Дарвозага "Африка-Ўзбекистон" қўшма корхонаси деб ёзиб қўйганмиз.

Кечқурун Мирқўзи ташрифномани кўрсатиб хотинига мақтанди. Унда "Ҳасан ал Ниёз" деган ном тўрт тилда ёзилган эди. Хотини қойил қолиб, гул-гул очилиб кетди. Эртасига айtilган манзилгоҳни излаб топди. "Қўшма корхона" дегани янги очилган "Ҳайвонот боғи" экан. Бошлиқнинг идораси дарвоза қапталида эди. Қора-қура одамлар кириб, чиқиб туришибди. Ҳасан ал Ниёз уни қовоғини уйиброқ қарши олди. "Оббо, наҳотки, бугун яна ишим битмаса?" Бошлиқ холи қолгач:

— Келинг, қўшни, — деди қуюқ соқоллари орасидан оппоқ тишларини ялтиратиб. --- Яқинроқ келинг-чи.

Мирқўзи бесўнақай юриб бошлиқнинг рўпарасидаги курсига қийшайиб ўтирди.

— Хўп, айтинг-чи, — деди "Милёнер", — ҳалиги...

— Мирқўзи...

— Ҳа, Мирқўзи ака, сизга иш керакми, ёки пул?

— Иккаласи ҳам... кўриб турибсиз, жисмоний меҳнатга унчалик тобимиз йўқроқ...

"Милёнер" ўзини жиддий тутиб, яна ўйга



толди. "Оббо, намунча ўйламаса?.."

— Хўп, унда эса бундоқ, — деди ниҳоят Ҳасан ал Ниёз, — мен ҳам атрофимга ишончли, ўзимга яқин одамларни тўплашим керак. Сизбоп, жуда осон иш бор, маоши ҳам тузук... Икки минг сўм...

— Икки минг сўм?!

— Ҳа, икки минг сўм атрофида... фақат комиссия ёки нозик меҳмонлар келганда бир, бир ярим соат қафасда ўтиришга тўғри келади.

— Тушунмадим, — деди Мирқўзи. Ҳасан ал Ниёз ён девордаги ишқофдан битта пўстак чиқарди.

— Унда эса бундоқ, ана бу тулуп-бўй ниқобни киясиз, — янги бошлиқ шундай деганча эшикни ичкаридан қуфлади. — Қани, туринг ўрнингиздан... Кастюм-шимни ечинг!

— Хўп... шимни ечмасам-чи?

— Бўлмайди. Ечинг!

Мирқўзи буйруққа ўрганган эмасми, ўрнидан дик этиб туриб, кастюмини, кейин ийманиброқ шимини ечди. Буйруқ билан тулупни кийиб олди. Лоппалойиқ. Буйруқ билан ишқоф эшигига ўрнатилган бўй ойна ёнига келди. Қаранг: "Маймун!!!" Ичдан бир кулгиси, бир хўрлиги келиб кетди.

Ҳасан ал Ниёз юмшоқ, сеҳрли овозда гапира бошлади.

— Хўп, унда эса бундоқ, — деди чўзиб "Милёнер", — бу сирни фақат иккаламиз биламиз. Бошқа бирор кимса билмаслиги керак. Ҳатто уйдагиларга ҳам айтманг. Комиссия келишидан бир кун олдин сизга хабар қиламан. Шу тулупни киясизу айвон остидаги қафасда ярим соатча ғужанак бўлиб ётасиз...

— Бир ўзимми?

— Ҳа, пока бир ўзингиз. Меҳмонлар кетгач, ўзим қафасдан чиқариб оламан... айтдим-ку ҳар кун келиш шарт эмас... ойлик маоши икки минг сўм, яна йигирма фойиз "за вредност" тўлаймиз... шу масалада бизни вручат, тойис, ёрдам қиласиз, яна... Африкадан олиб келинган "Жажа" отли маймунимиз бор эди, ўлиб қолди...

— Вой жонворгина, — дея ачинди Мирқўзи.

— Нима бўлиб ўлди?

— Болалар селитрали қовун беришган экан. Анча тушунтиришлардан сўнг Ҳасан ал Ниёз: — Келишдикми? — деб сўради рад қилиб бўлмайдиган оҳангда.

— Майли, — деди Мирқўзи оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмасдан. Чунки у бир умр бошлиқнинг гапини икки қилмаган, буйруққа ўрганган, интизомли ходим эди. "Милёнер"нинг буйруғи билан яна "Маймун"дан одамга айланди, яъни ўз кийимларини кийиб олди.

Ҳасан ал Ниёз бўй баравар келадиган темир сандиқни очди. Кўз қири тушган Мирқўзининг оғзи ланг очилиб қолди: "Вой, бў!.." пачка-пачка пуллар тахланиб ётарди.

— Ҳозирча мана буни олиб туринг, — дея Ҳасан ал Ниёз бир даста янги эллик сўмликни "тап" этказиб унинг олдига ташлади.

Мирқўзи:

— Қандоқ бўларкин? — деди ютиниб.

— Яхши бўлади, олаверинг, бу ойликдан ташқари еб кетарга.

Мирқўзи ишонқирамай пулни олиб кос-

тюмининг ички чўнтагига солиб қўйди.

Сўнг ариза ёзилди, анкета-ишга қабул қилиш варақаси тўлдирилди.

"Олган мукофотлари?" деган савол рўпарасига: "В.И.Лениннинг 100 йиллиги юбилейи медали" деб ёзиб қўйди.

Иш расмийлаштирилгач, янги бошлиқ билан қўшма корхона — "Ҳайвонот боғи"ни томоша қилишди: бўрилар, тулқилар, қоплонлар, жирафаю йўлбарслар... ҳаммаси алоҳида-алоҳида қафасларда қамалган, каттакон уйдек қафасда эса қари, ёлдор арслон кўр тўкиб ётарди. Қафас ёнидан ўтаётганида арслон унга ғалати ўкириб қўйди.

Мирқўзи янги иш жойини хотинига айтмади. "Милёнер"нинг биржасида комендантман", деди, холос. Содда хотини биржанинг нималигини сўраб ўтирмади. Мирқўзи телефон қўнғироғини кутмасдан ҳар кун ишга отланиб, бошлиққа кўриниш бериб қайтади. Ҳафтада, ўн кунда чет эллик меҳмонлар ёки комиссия келишдан олдин бошлиқ уни махсус қафас ёнидаги вагонга олиб кириб, "одам"дан "маймун"га айлантиради ва турли қилиқларни ўргатади. Мирқўзининг зеҳни тез экан, маймунга хос қилиқларни осонгина ўзлаштириб олди. Айниқса, у қафасда яйраб кетарди. Болалар писта, мева-чева ташлаганда, бурнини жийирар, қизил бўёқ суртилган кетини кўрсатиб қилпангларди. Эътиборли комиссиялар келганда эса, қафас бурчагидаги шохга осилиб, юзини четга буриб оларди.

Бора-бора бу ишдан зерикди. Баъзи тунлари, эртага меҳмон келмасин-да, ишқилиб, дея худога илтижо қиларди. Аксига олиб кейинги ойларда турли тадбир ва байрамлар кўпайиб, меҳмонларнинг кети узилмай қолди. Мирқўзининг силласи қуриб уйига зўрға қайтарди. Хотини унинг ғалати гингшишларини кўриб "Бу қанақа қилиқ?" деб сўраганда Мирқўзи қизариб кетарди. Унга маймун нуқси уриб қолган эди. Гоҳида бошлиқ меҳмонлар билан бўлиб, "маймун"ни бутунлай эсдан чиқарар ва ярим кунлаб қафасда қолиб кетарди. Ана шундай кунларнинг бирида қафасда унинг қорни оғриб қолди. Гижимлаб оғриди. Тердан тулуп танасига ёпишиб, баттар азоб берарди. "Наҳотки, шу қафасда "ўлган Жажа"дан вабо микроби юққан бўлса?" Юраги увишиб, тирнаб, тирмалаб қафас эшигини зўрға бузди. "Эй, худо!.." Энди чиқаман деб турганда узоқдан ваҳший арслон кўринди. Ҳалпиллаб келарди. Даҳшатдан "маймун" вабони ҳам унутиб, қафаси эшигини ёпиб олди. Арслон бир сакраб, қафасга ташланиб, силкита бошлади. Эшик очилиб кетди. Мирқўзи — "маймун" тамом деб ўйлади-ю, жонқолатда сопол сувдонни кўтариб арслонга отмоқчи бўлди.

— Тўхта, отма, Мирқўзи! — деди арслон йўғон овозда бўкириб. — Қойил. Мард экансан!..

Таниш овоздан Мирқўзи эсанкираб қолди.

— Наҳотки... бу сиз Болтақўзи Шерович? — дея олди, холос.

"Маймун" билан "арслон" қучоқлашиб ўпиша кетишди.

Узоқдан бир гуруҳ ходимлар билан "милёнер" югуриб келарди.

# УСТОД ТАБАССУМИ

(Шу номли туркумдан)

Одатда машҳур кишилардан катта адабий мерос билан бирга эл орасида улар ҳаётидан анча қизиқ гаплар, доно фикрлар, зариф хотиралар ҳам қолади.

Эгизак адабиёт — ўзбек ва тожик адабиётининг улкан намояндalarидан бири устод Айний ҳам ана шундай сиймолардан ҳисобланади. Улуғ ёзувчи, забардаст олим, ажойиб инсон Садриддин Айнийга унинг ҳамюрти сифатида менинг ҳам ҳурматим чексиз. Устоднинг шогирдлари, у кишини шахсан кўрган, таниган кишиларнинг жонли хотиралари асосида бундан анча йиллар аввал бир туркум воқеий ҳикоялар эълон қилган эдим. Қуйида шу туркумга кирган янги ҳикоялардан ўқийсиз.

## СОВҒА

Устоднинг етмиш йиллик таваллудлари бутун мамлакат бўйлаб кенг нишонланган эди. Айниқса, бундай тантана, учрашув ва илмий анжуманларга Самарқандда катта тайёргарлик кўрилди. Лекин дорилфунундаги кўп минг кишилик учрашувда рўй берган воқеа одамларнинг бир умр эсидан чиқмаса керак. Учрашувда илмий маърузалар қилинди, меҳмон ва талабалар табриклашди, устодга ранго-ранг тўнлар кийдирилди, совғалар топширилди. Саҳна орқаси гул ва совғаларга тўлиб кетди. Шунда ҳайъатда ўтирган савлатли раҳбарлардан бири устоднинг қўлоғига секин шивирлади:

— Жуда зўр бўлди, сизам бир эсталик совға тайёрласангиз бўлармиди, устод?

Айний домлага савлатли раҳбарнинг танбеҳи оғир ботгандек бўлди. Унга чуқур кўзларини тикиб "шундойми?" деб сўрадилар. Раҳбар ҳам ўша оҳангда: "Албатта-да", деди. Устоз аввал одамларга, сўнг минбарда томоғи қирилгудек бўлиб, "Қуллар" рўмони ҳақида маъруза қилаётган пакана олимга кўз ташладилар. Олим ёзувчининг хаёлига ҳам келмаган "назарийот"лар ҳақида маъни қиларди.

— Совға бориди.

— Қаерда? — деб сўради савлатли раҳбар, — айттайлик, олиб келишсин.

— Йўқ, ўзим, — деди устод секин ҳайъатдан суғирилиб чиқарканлар. У кишига бир-икки киши эргашмоқчи бўлган эди, қўл ишораси билан қайтардилар. Оҳиста юриб ҳовлида қантарилган "Победа"га яқинлашдилар, олд эшикни очиб ичкарига кирдилар. Шопирлари рудда мудраб ўтирарди. Машина сандиқчасидан газетага ўралган бир нимани олиб, камзуллари остидан қўлтиққа кистириб олиб, залга қайтдилар. Тантана давом этарди. Меҳмонлардан яна уч-тўрт киши табриклаб, совғалар топширишди. Энг охирида устоднинг ўзларига сўз берилди. Гулдурос қарсақлар янгради.

— Азизлар, — дедилар устод. — Биродарлар! Менинг таваллуд тўйимга тўпланган катта кичик меҳмонларимга ташаккур айтаман...

Устод ҳаммага, шу жумладан, Самарқанд вилояти раҳбарларига, дорилфунун домлалари-ю, талабаларига, узоқ-яқиндан келган меҳмонларга астойдил миннатдорчилик билдирдилар. У кишининг сўзлари тез-тез қарсақлар билан олқишлаб турилди.

— Энди яна бир гап, — дедилар устод одамларга тикилиб. — Бу ерда дорилфунун раҳбарлари мени илиқ сўзлари билан, совға-саломлари билан сийлашиб, жуда хурсанд қилишди. Камина ҳам уларнинг шу меҳрибончиликларига жавобан ўйлай-ўйлай, улуғ бир совға тайёрладим, ижозатингиз билан шу совғани вилоят ва дорилфунун раҳбарларига топширсам.

Йиғилганлар бутун диққатини кўзларига жамлаб, бутун вужудларини қўлоққа айлантириб минбарга тикилишди.

Устод қўлтиқларидан ҳалиги нарсани олиб, эринмасдан газетани очдилар-да, йиғилганларга кўз-кўз қилдилар.

— Бундан улуғ, арзирли совға топа олмадим.

Бу совға — Сталиннинг маршаллик либосидаги рангли сурати эди. Одамлар ҳайратда қотиб қолишди. Устод расмни ҳайъатга қаратдилар. Савлатли раҳбарнинг ҳам оғзи ярим очилди, кейин бирданига ҳушёр тортиб, жон ҳолатда чапак чалиб юборди.

Бошқалар ҳам унга эргашиди.

## БИР ҚОП ҒАЛЛА

Устод ҳаётлигида ҳам у кишининг Самарқанддаги уйи худди музейдек ясатилган эди: жавонларда сон-саноқсиз китоблар, токчаларда чинчилар, совға буюмлар тартиб билан терилган, девордаги чўғдек гиламга Максим Горький билан тушган сурати, иккинчи томонда қадим Бухоро манзараси, устоднинг ваҳшийларча калтаклашгандан сўнг Когон касалхонасида олинган фотосурати қоқилган...

Домла ҳар куни шу суратга қайта-қайта тикилиб, чуқур ўйга толади, бевақт ўлдирилган сафдошлари, ака-укаларини эслаб юраги эзилади. Бугун ҳам ишга ўтиришдан олдин одатдагича шу суратларга бир-бир нигоҳ ташлади. Хаёл узоқ-узоқларга олиб кетди.

— Падаржон, ҳалиги йигит келувди! — деди домланинг севиқли қизи Холида. Устод ногаҳоний овоздан чўчиб тушгандек бўлди. Лекин сир бой бермади. "Алағда хаёл қурсин", дея кўнглидан кечираркан:

— Айтинг, кирсин! — деди.

Эшикдан бундан уч кун бурун келиб, қўлёмасини қолдириб кетган қорача йигит кўринди. У уйга кира солиб:

— Ассалому алайкум, устод! — деди.

— Ваалайкум ассалом! — деб тиззаларини ушлаб ўрнидан турди домла. Йигит аввал хонага, оёқ остига тўшалган гулдор гиламга, кейин устодга олазарак қаради-да, эгилиб ботинкасининг боғичини сча бошлади. Аксига ботинканинг ипига чигил тушган экан. Бу орада устод бир-икки дақиқа тик туриб қолди. Йигит ботинкасини ечиб у киши томон шошиб йўл олаётган эди, устод: "Анави офтобада қўлингизни чайқаб олинг, махсумжон!" — деди. Йигит

қип-қизарганча пойгакда турган офтобада қўлини ювиб, сочиққа артди. Сўнг устод билан келишиб кўришди.

— Баракалло! — деди устод ва қўл чўзиб жой кўрсатди. — Марҳамат қилинг. Ҳа, дарвоқе, бундан кейин отни сувга қўйишдан аввал бўйнидан юганини чиқаришга, уйга киришдан аввал ботинкангизнинг ипини ечишга ўрганинг, ўғлим.

Йигит ўнғайсизланди. Лекин устод хушчақчақлик билан ҳол-аҳвол сўради, бир пиёла яхна чой қуйиб узатди.

— Қўлёмангизни ўқидим, яхши...

— Раҳмат, қуллуқ, устод! — деди йигит қўзғалиб таъзим қиларкан. Устод йигитга мулойим боқиб:

— Сиз менга бир қоп ғалла келтирибсиз! — деди.

Йигит хурсандчилигини яшира олмади.

— Ташаккур, қуллуқ устоджон!

Устод тушунтиришга киришди.

— Ҳа, бир қоп ғалла келтирибсиз. Бу қопнинг ичида арпа ҳам, жўхори ҳам, тарих ҳам, буғдой ҳам бор, дурушта...

Йигит домланинг гапларини мақтов деб ўйлаб ҳамон жилмайиб турар, хурсандчилигидан "раҳмат, устоджон, қуллуқ", деб кўярди.

— Сизнинг эндиги вазифангиз, — дея давом этди устод, — ана шу қопдаги ғаллани фақат буғдойини айириб олиб, китобхонларга етказиш...

Йигит аввал гангиди, кейин ҳайрон бўлиб сўради:

— Унда арпа билан жўхорию тарифини нима қиламан? — деди соддадиллик билан, — ахир, ҳар қалай буғдой бўлмаса-да, дон-ку.

Устод қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Э, маҳсумжон тушмагур-эй, — деди қўлёмани варақлай туриб, — вақти келганда жўхорисидан гўжа, арпасидан нон, тарифидан бўза тайёрлайсиз. Ҳозир эса мандан қопдаги ғалланинг буғдойини қандай айириб олиш йўларини сўранг.

Шундан кейин устод йигитнинг қўлёмасидаги ортиқча жойларни қисқартириш, айрим бобларни бойитиш, умуман, асарни қандай қилиб ишлаш бўйича маслаҳат бера бошлади.

## ҚЎШТИРНОҚ

Ўша гал Айний домла Бухоройи шарифга Абу Али ибн Сино туғилган қишлоқни, у киши кўмилган тепаликни аниқлаш учун келиб анча азият чекдилар. Лағлақда бўлдилар. Бир тепаликни кўришди. Болаликда кўрган тепаликка сира ўхшамас эди. Сўнг Испани (ҳозирги Афсона) қишлоғига ўтишди... Хуллас, сафар тугаб, вилоят марказига қайтишди. Иссиқданми, қариликданми устод анча толиқдилар. Вилоят раҳбарлари у кишини янги ташкил этилган маданият ва истироҳат боғига олиб киришди.

— Ажаб боғ бўлибди, — дедилар устод раҳбарларнинг кўнглини кўтарган бўлиб, — айтинг-чи, бу боғнинг номи нима?

— Кров, — дея жавоб берди маданият бўлими мутасаддиси. — Сергей Миронович.

Устод мийиғларида жилмайдилар.

— Бай-бай, шу ном бошқа шаҳарда қўйилса,

унча зарар қилмас эди. Бухорода ғалатироқ эшитиларкан.

Устоднинг гапидаги қочириқни тушунган шериклари ҳам кулиб қўйишди. Кимдир Берди Кербобоевнинг Душанбадаги учрашувини эслади.

Бир пайт устод бошқалардан ажралиб қаёққадир ғойиб бўлди. Ёлғиз шогирдлари билан "Дарвозаи Талипоч" томондаги мазористонни оралаб анчагина сарсари юрдилар. Нималарнидир қўмсаб, нималарнидир излаган бўлдилар. Вилоят раҳбарлари ўз гўшаларига қайтиб, обком партия биноси олдидаги салқинда чой ташкил қилиб, устодни кутишарди. Орадан икки соатларча ўтгач, устод терга ботган, пойафзал ва шими почаларига чанг, губор инган ҳолда "Народ дўм" (Народний дом — ҳозирги театр) биноси томонидан кўриндилар. Эгниларидаги жужун кителнинг қўлтиқ остлари қорайиб турарди.

— Падаримизни гўрига етти марта гишт қалайликки, биз Бухорода туғилибмиз, — дея қичқирганча ҳасса чалиб обком биносига яқинлаша бошладилар.—Бу қандоқ бедодлик. Яна минг йил аввал ўтган Ибн Синонинг хокжойини излаб юрибмиз-а! Ахир куни кеча вафот этган Мушфиқийнинг қабрини бузиб ташлабди-ку бу нобакорлар. Бу қандай разолат, бу қандоқ ваҳшийлик? Ҳазрати Нуробод қабристонининг бузилгани етмасиди? Мадрасаи Хуржун қани? Ҳовузи Гавкушон қаерда қолди? Саройи баррасчи?... Эсиқ-а... ахир, Бухоройи шариф бойқуш-хонага айланбди-ку. Во, дариг, қисқа муддат ичида шунча мадраса-ю, мачитлар ер билан яксон бўлибди. Қанча-қанча қудуқларнинг кўзи ботил бўлиб, ҳовузлар қақраб, бузилиб кетибди... Шунча вайронахоналар камлик қилувдими, яна мазористонларни бузибсизлар?

Вилоятнинг "гастролчи" раҳбарларидан бири ўзини оқлаган бўлди.

— Аксарияти уруш даврида...

— Э, қўйинг-э, кўп гапирманг, — деди устод қўл силкиб, — уруш Урусия билан Гермонда бўлган, наҳотки бу ердаги хароба бозорларга ҳам уруш сабаб бўлса? Йўқ, сизлар менга Мушфиқийнинг қабрини топиб берасизлар.

Шунда орқа қатордаги ранги заҳил, қора кўзойнакли киши олдинга чиқди.

— Ўртоқ Садриддин Саидмуродович, — деди қовоғини солиб, — намуноча ўтмишга сиғиниб, сажда қилиб қолдилар? Сизни танимай қолдик. Ўша пролетар ёзувчиси ўзларими, ёки?..

Устод унга қарадилару бошлари бир титраб, кўзлари юмилиб очилгандек бўлди. Сўнг:

— Э, ўша... бизни пролетар ёзувчиси қилган замонга минг... тасанно! — дедилар тушкун пардада.

Лекин у зотнинг "Тасанно!" сўзини қўштирноқ ичида ифода этганларини биров тушунди, биров йўқ. Чунки, ўшанда фақат қўлёмма ҳужжат ўрнига ўтарди.

Устод чойга ҳам ўтирмай меҳмонхонага жўнади.

## КАЛИШ

Яна бир хил хотираларда устоднинг тежам-корликлари хасисликка, тадбиркорликлари — зиқналикка йўйилади. Лекин шу хотираларда

ҳам устоднинг ҳозиржавобликлари, санъаткорларга хос қувлик ва беғараз табассумлари барқ уриб туради.

Ушанда устод Самарқанд Давлат дорилфунунида маъруза ўқирдилар. Алқисса, бир кун эрталаб у киши шошилиб ишга чиқиб кетдилар. Уйда яккаю ёлғиз қизлари Холида қолади. Орадан бир муддат ўтгач, устод терлаб-пишиб қайтиб келадилар.

— Ҳа, бахайр, падаржон? — деб сўрайди қизлари хавотир олиб, — тинчликми?

— Хавотир олманг, тинчлик.

— Унда нега тез қайтдингиз, ёхуд дарс бўлмадими?

Устод шошилиб даҳлизга кирарканлар:

— Йўлдан қайтдим, — дедилар серажин манглайларини кафтлари билан артиб, — регистонга етганимда уйда электр чироқ ёниқ қолгани хотиримга тушиб қолди. Яна сиз ҳам ўчирмай дарсга кетиб қолманг, деб изимга қайтишга мажбур бўлдим.

Қиз отанинг қон-қонига сингиб кетган ўта тежамкорлик ақидасидан ранжигандек бўлди, лекин сиртга чиқармади.

— Вой, падаржон-эй, — деди истеҳзоли кулиб. — Бир тийинлик электрни ўйлабсизу шунча йўлдан қайтиб келгунча калишингизни ости ейилиб, тўзиганини ўйламабсиз-да.

Устод оппоқ мўйловлари орасидан истеҳзоли жилмайдилар.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, духтар, — дедилар енгил бош силкиб, — бу падарингиз кўпам анойи эмас, ўша регистондан бу ёғига калишни ечиб қўлтиққа урганмиз, қайтиб ўша ерга борганда, бояна кийиб оламиз.

Устод ичкари уйни чирогини ўчириб чиққанда, падари бузрукворининг хотирасига, яна бир марта қойил қолган қизлари:

— Қаранг, сал қолмаса менам унутар эканман, — деди.

Устод:

— Гап электр кўп кетишию калишининг тўзишида эмас, — дедилар дона-дона қилиб, — номадикарда, айтиб бўлмайти, ёнғин чиқиб кетиши мумкин, охи.

Холида қизариб ерга қаради. Устод шошилиб чиқиб кетдилар.

Лекин ишончим комилки, бирор кимса у кишини калиш қўлтиқлаган ҳолда ялангоёқ кўрмаган.

қовуштириб: "Хуш кўрдик", "Пажалуста", "Хуш омадед", "Марҳамат!" деб меҳмонларни кутиб оладилар. Ичкаридан ўрисча-ўзбекча-тожикча қўшиқлар эшитилади. Бир пайт куёв томон кўринади. Ёш-яланглар қийқиришиб эшикка ёпирилишади. Устоз уларга бир муддат қараб туриб, бетларида ранги аломат зоҳир бўлади. Қошлари кўзларини бекитгудек бўлиб, қовоқлари солиниб кетади.

— Бўлди, акун, жой йўқ, — дея ҳассаларини меҳмонлар олдига "шлагбаум" қиладилар.

Куёвнавкарлар тақа-тақ, айримларининг кайфи учиб, изига қайтади. Ҳамма ҳайрон. Шунда ичкаридан югуриб чиққан гузар вакили жон ҳолатда келиб, устоднинг тирсақларидан тутди.

— Ҳай-ҳай, устоджон, бу қандоқ гап, ахир домотни ҳам қайтардингизми?

— Қанақа домот? — дедилар устод ҳайратланиб, — ҳали ўтмадими? Ахир йигирма бир киши ўтди-ку. Куёвжўраларга ўнта жой ажратилган эди...

— Югуринглар домотни қайтариб келинглар! — деди гузар вакили.

Устод жиндай қизарган бўлдилар.

— Билмадик булар қачон "култура"ни ўрганишади. Ўнта жой ажратилгач, ўнта, боринги, йигирмата бўлиб келсин, наинки юзга яқин кишини бошлаб келса? Бу оши худойи эмас-ку, совет ресторанида ўтказиладиган қизил тўй бўлса. Бу ёғи дойра хабар қилмаган бўлсак...

— Ҳа, энди тўй умрда бир марта бўлади.

— Унинг шармандалиги бир умрга қолсинми?! — дедилар устод ҳозиржавоблик билан. — Элликка яқин ортиқча кишининг биттасига арзимаган вилка-санчқи етмаса, бир умр шу тўйни дoston қилиб юришади, Айни бобо ундоқ, Айни бобоники бундоқ деб.

Хизмат қилиб юрганлар кулиб юборишди, сўнг кимдир:

— Хўп денг энди, устоджон, домот икки оғайниси билан кирсин, — дея илтимос қилди.

Устод ер остидан олайиброқ қараб:

— Майли, — дедилар сир бермай, — ичкаридан икки-учтаси чиқиб ўрнига домотшаванда кирсин. Лекин каминага домот бўладиган бўлсалар, шуни унутмасинларки, мулло-ю дарвеш дастори билан, тўю ҳашам дастури билан деганлар.

Шундай бўлса-да, куёв яна тўрт-беш улфати билан эшикдан тўпир-тўпир ўтиб кетди.

Қўшимча стол қўйишга тўғри келди.

## ДАСТОР ВА ДАСТУР

Устод ҳақидаги ушбу хотирани раҳматли шоир Ўткир Рашид "Шарқ юлдузи" жўрнали идорасида андак бошқачароқ қилиб айтиб берган ва даврадагиларни кулдирган эди.

Қирқинчими, элгинчи йиллар экан. Шароит анча оғир. Домла кичик қизларини турмушга чиқармоқчи бўладилар. Бир рассомга. Ўзига яраша тайёргарлик кўрилади. Тўй базми ресторанда ўтказиладиган бўлади. Куёв томондан ҳам ўн чоқли кишига таклифнома берилади. Тўй куни кечга яқин ҳамма меҳмонлар орқа-олдин кела бошладилар. Устоз эшик олдида қўл

Файзулла Қиличев



## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ АДОЛАТЛИ ФАРЗАНДЛАР БОШҚАРАДИ

- \* Аҳвол қалай, ўсмир?
- \* Ўз холасини тунаган бола
- \* Тарбия деган билан оғиз чучимайди...
- \* Ўтмишга узилган тўппонча ўқига жавобни биламиз, агар ракета отсак-чи?
- \* Эҳ, биз, катталар!..

Куч — адолатдадир.

Амир Темура

Муҳтарам жўрналхон!

Инсон бу замин саҳнида энди-энди қад ростлай бошлаган ўша илк ибтидоий даврда ҳам маълум тартиб-қоидалар мавжуд бўлган, айтилик, кимдир гуноҳ саналган ишга қўл урса, у албатта, жазога мустаҳиқ этилган. Шундан буён орадан қанча асрлар келди, мудом камолот сари интилиб келаётган инсон ақл-заковоти неча марта чархланиб тобланди-ю, бироқ ҳамон Жиноят ва Жазо деган тушунча онг-шууримиздан чиқиб кетгани йўқ. Ақл бовар қилмас қотилликлар, мудҳиш хунрезликлар ҳамон содир этилаёттир, инсон ўз умри, ҳаёт тарзини ҳали-ҳануз қабоҳату жаҳолатдан ажратиш олган эмас. Хўш, одамлар нега жиноятга қўл уришади? Жиноятнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган яна қандай турлари содир этилган? Болалар жиноятчилиги нима билан изоҳланади? Уюшган жиноятчилик — махфия деганда қандай қора кучларни назарда тутамиз? Қонун шафқатталабми? Шу каби саволларга, азиз жўрналхон, янги очилган Жиноят ва Жазо рўкини остида бундан кейин бериб бориладиган қизиқарли мақолаларни ўқиб, жавоб топишингиз мумкин. Ушбу рўки мутасаддиси ҳуқуқшунос, адлия катта маслаҳатчиси Файзулла Қиличевдир.

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ЎСМИР?

Ўзбекистонимизда ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, яъни қонун тили билан айтганда, балоғат ёшига етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳоллари ҳамон мавжуд. Жиноий ишга қўл урган ўсмирлар сони 1986 йилда 4282 нафар эди. Бу кўрсаткич 1987 йилда 4320 тага ошди. 1988 йилда эса бир оз пасайди — 4068.

Тергов маълумотларига қараганда, ўсмирлар томонидан ҳар йили ўртача 200-300 жиноят маст ҳолда содир этилар экан. 400 нафар ўсмир жиноятга такрор қўл уришаркан. Жиноят гирдобига тушиб қолган ўсмирларнинг аксарият қисми мактабдан четлашган ёки ишлаш, ўқиш жойининг тайини бўлмаган ёшлардан иборат экан. Фақат 1992 йилда уюшган ҳолда жиноят содир этишда 1402 та ўсмир қатнашган. Катта ёшдагиларга эргашиб (қўшилиб) жиноятларга қўл урганлар 1664 нафарни ташкил этади.

Хўш, бу кўпми? Бонг уришга, одамларни ғафлат уйқусидан уйғотишга арзийдими? Маълумки, жумҳуриятимиз фуқаросининг қарийб ярмини балоғат ёшига етмаган ўсмирлар ташкил этади. Содир этилган жиноятлар сони эса 1992 йилда 93626 га етди. Адолат билан чўтга солсак, балки бундан ҳам кўпдир. Масалан, ўтган йили бор-йўғи 4000 нафар ўсмир чайқовчилик билан шуғулланган, дея рўйхатга олинган. Порахўрлик жиноятлари эса бармоқ билан санарли даражада

кам қайд этилган. Бу, бизда чайқовчилик, поражурлик жиноятлари кам, деган маънони билдирмайди. Агар сиз Тошкентдаги отчопарга бориб, чайқовчилик билан шуғулланган кишиларнинг бир кунлигини рўйхатга олсангиз, улар шубҳасиз бир неча мингга ташкил этади. Поражурликни эса тугатиб бўлмаётир. Ишонмасангиз, ҳожат чиқариш учун айрим идораларга бош суқиб кўринг... Хуллас, ўсмирлар жиноятчилиги умумий аҳвол билан қиёсланганда ваҳима қиладиган даражада эмас. Лекин кишини ўйлантирадиган, ташвишга соладиган томони бор. Бу — жиноятларни содир этаётган ёшлар, ўсмирлар ҳаёт ниҳоллари эканлигини ҳис этишдир. Улар ҳали мўрт, онги шаклланиб етмаган, турмушнинг тошу тарозисини ажратиб олишга улгуришмаган. Бунинг устига эртанги кунимиз, ҳаётимиз мағзи ва мазмуни, меҳнат ва ижодимиз маҳсули бўлмиш она Ватан уларнинг қўлига тегади. Агар ҳар йили минглаб болаларимизни жиноят қилишига йўл қўйиб, уларни суд қилиб қамоқхонага тикаверсак, келажакда аҳволимиз қандай бўлишини ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг!..

Қишининг эрта тушадиган оқшомларидан бири Тошкент шаҳри кўчаларидан бирида қўлида сумка, тўрхалта кўтариб олган аёл пайдо бўлди. Зимдан кузатган киши аёл теварак-атрофга аланглаб ниманидир излаётганини пайқаб оларди. Бир пайт аёлнинг диққатини кўча бошидаги тут этагида турган бир неча кишининг қораси тортди. Улар ўзаро нималарнидир минғирминғир гапириб туришар эди. Аёл улар томонга юриб, бир оғиз нарса сўрамоқчи бўлди. Аммо у оғиз жуфтлашга ҳам улгурмади. Қандайдир қора кўланка "лип" этиб унинг ёнида пайдо бўлди-ю, хириллаган овозда "Жонингдан умидинг бўлса, овозингни чиқарма!" деди. Аёлнинг нафаси ичига тушиб кетди. Оёқ-қўллари қалтираб, ерга чўккалаб ўтириб қолди. Кўланкалар бирпасда тўртта бўлди. Улар аёлнинг бор-йўғини шилиб олишиб, қоронғилик қаърига ғойиб бўлишди. Тут этагидаги юзини юпқа муз қоплаган кўлмак устида эса ярим яланғоч ҳолда ётган аёл қолди. У беҳуш эди...

Назира хола хурсанд. Беш-олти йилдан бери кўришмаган суюкли опаси бугун уйларига меҳмонга келади. У соғлиғидан нолиб, биратўла бу ердаги дўхтир-профессорларга кўриниш нияти борлигини қўнғироқ қилиб айтган эди.

Назира хола эрта билан бозорга югурди. Иссиқ нон келтирди. Уйни супуриб-сидирди. Эри ишга эрта кетиб, кеч қайтади. Катта ўғли Мансур ўртоқлари билан кўчага чиқиб кетганича ҳали дараги йўқ. Уйда 15 яшар қизи ва иккита кичик гўдаги билан қолган. Опасини соғинган экан, ўртаниб кута бошлади. "Қаёқда қолди экан бу Мансур тушмагур? Ҳеч бўлмаса, кўча бошига чиқиб, холасини кутиб олса бўларди. Ҳар ҳолда орадан анча вақт ўтди. Кўчалари-

мизда ўзгаришлар кўпайиб кетган. Опам бечора адашиб-нетиб юрмасайди". Охири Назира холанинг сабри чидамади. Қизи Насиба билан кўчага чиқди.

Она-бола кўча бошидаги ялангликка чиқиб, ўтган машинаю одамга кўз тикиб туришди. Совуқ тўндан ўтиб баданга санчилади. Шу алфозда анча туришди. Холанинг кўнгли безовта бўла бошлади. Шу пайт сукунатни кимнингдир инграган товуши бузди. Она-бола илқис ўша томонга ўгирилишди ва тут тагида ётган одамга кўзлари тушди. У кутиб, йўлига чиққан жигари — опаси эди.

Назира хола ҳушсиз ётган опасини қучоқлаб йиғлашга тушди, дод солди. Қўни-қўшнилари чиқиб келди. Одамлар йиғилди. Меҳмонни "иззат билан" кўлда кўтаришиб уйга олиб киришди. Биров милисияга хабар қилди. Бошқаси "Тез ёрдам"га...

Бир оз ўзига келган аёл терговчига бошига тушган фалокатни сўзлаб берди. Тортиб олинган кўк рангли чарм сумкасида жиянларига атаб олиб келган ширинликлар, майизу ёнғоқлар, кўйлакчалар ва катта неварасига тижорат магазинидан сотиб олган спортчилар костюми борлигини гапираётди, бирдан эшикка қараганча... жим қолди. Остонада мастликдан энгил чайқалиб, қўлида кўк рангли чарм сумка тутган жияни Мансур турарди. У милиционерларни кўриб, туйқус ранг-қути ўчди. Сумкани улоқтириб қочмоқчи бўлди. Аммо шу оқшом ўз холасини тунаган Мансур ва унинг шериклари милисия ходимлари томонидан қўлга олинди.

Сўнг тергов ва суд ҳам бўлиб ўтди. Жиноятни келтириб чиқарган сабаб ҳам айтилди. Кейинги пайтда улар жуда "ишбилармон" бўлиб қолишган экан. "Фалон ишни дўндирдик, пул топдик, пистон ишни қилиб бердик, пул беришди", қабилида ҳар кун уйга даста-даста пул, буюм, кийим кўтариб келишса, раҳматга сазовор бўлишаётган эканлар. Бир сафар Мансур чўнтагидан тилло узук чиқариб, "туғилган кунингизга атаб олдим", деб онасига тутганда, Назира хола, узук учун пулни қаердан олдинг, деб сўраш ўрнига "топармон-тутармон ўғлимдан ўргилай", деб уни эркалатган бўлиб чиқди.

Мансур-ку билиб-билмай ўз холасини тунабди. Бошқалар-чи? Кечаю кундуз овлоқ жойни эгаллаб, "мижоз" кутиб турганлар, бировнинг телпаги, сумкаси, ҳамёнига чанг солиш учун санқиб юрганлар-чи? Демокчиманки, Мансурга ўхшаган ҳар бир "ишбилармон" ўз қурбони ўрнига онасими, синглисими ёки бирон қариндошини қўйиб кўрса, балки танлаган йўлларида қайтармиди? Ахир "пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур" деган гап бор.

## АДОЛАТ ҲАҚИДА СЎЗ

Биз ўз вақтида ёд олган шеърнинг икки мисрасини бугун сал ўзгартириб айтилса, ҳаёти-мизга мосроқ маъно касб этади деб ўйлайман: "Озод мамлакатнинг озод фарзанди, билиб қўйки, сени ватан кутади". Чунки ватан бугун том маънода озод, мустақил бўлди. Энди унинг тақдири биз билан сиз — ўсиб келаётган авлод қўлидадир. Муносиб фарзандларни тарбиялаш, муҳим соҳаларни бошқариш учун ишончли мутахассислар тайёрлаш тўғрисида ўйга толишим ҳамон кўз олдимида яқинда бўлиб ўтган воқеа гавдаланади.

Суд залида қўйилган қора курсида тўрт нафар ўспирин бўйин эгиб ўтирибди. Уларнинг сочлари калта олинган, ғамгин кўзлари ёшга тўла.

Суд бошланди. Йигитчаларнинг исмлари хотирамда михланиб қолди: Азамат — 17 ёш, Нодир — 16, Одил ва Шавкат — 15 ёшга эндигина тўлишган...

Суд раиси айбномани ўқий бшлади: ...тўртовлон қонунга хилоф ишларга бош қўшган, мактабга бориш баҳонасида уйдан чиқиб кетиб, истироҳат боғи, кинотеатр, дарё бўйларида санқиб юришган. Дарсларни ташлаб кетиш одат тусига кириб қолган. Қимор ўйнаш, наша чекиш, ичкилик ичиш ҳамда театр кассалари олдида чипталар олиб сотиш билан шуғулланишган. Мактаб йиғилиши, ота-оналар мажлиси, милисия бўлимларидаги суҳбатлар, якка ҳолдаги тарбиявий тадбирлардан тегишли хулоса чиқариб олмаганлар.

Хуллас, тўртовлоннинг "фаолият дафтари"дан бир талай ўғирлик, талончилик, безорилик, чайқовчилик, автомашиналарни ҳайдаб қочиш каби жиноятлар ўрин олган. Энг даҳшатлиси, кундан кунга қутура бошлаган бу ўсмирлар 12 яшар қизчани алдаб ва қўрқитиб, уй ертўласига олиб тушганлар ва унинг номусига тегишган...

Судда ота-она барча айбни мактаб устига ташлади, муаллимларни, саводсизлар, дейишгача бориб етди. Мактаб фаоллари эса ўз навбатида оилада тарбиянинг йўқлиги, ота-она болаларини ниҳоятда талтайтириб юборишгани ва яна алланималарни айтишиб, зорланишади. Икки ўртада эса ҳали балоғат ёшига етиб улгурмаган бир эмас, тўрт нафар ўсмирнинг умри хазон бўлиб кетмоқда. Ўсмирларга кишининг юраги туз сепгандек ачишади, аммо начора, қонун шундай шафқатсиз, у гуноҳкорга раҳм этмайди.

Биз ўсмирларнинг жиноят йўлига тушиб қолиш сабабларини нотўғри тарбия, ўқиш ва ўқитиш ишлари ўлда-жўлдалиги, назорат пастлиги, бепарволик ва бошқа турли-туман нарсалардан излашга ўралашиб қолганмиз. Юқорида қайд этилган сабаблар ўсмирлар тарбиясига шубҳасиз катта таъсир кўрсатади. Бироқ асосий сабаб фақат шулардангина иборат эмас. Аввало тарбия учун, ўсмир олижаноб қалб эгаси бўлиб вояга етиши учун пок, адолатли

муҳит яратиш ҳаводек зарур. Айтайлик, сиз ўғлингизни вояга етгунга қадар кўнгилдагидек тарбия қилдингиз, унинг хатти-ҳаракати, одамлар билан муомаласи, ўзини тутиши, ҳаётга қараш сизни тамоман қониқтиради, сиз мудом у билан фахрланасиз. Аммо қай бир кун фалокат босиб, ўғлингиз адолатсизликка рўпара келади ёки шу адолатсизликни ўз бошидан кечиришга мажбур бўлиб қолади. Шунда, мабодо адолатсизликнинг қўли баланд келса, биласизми, ўғлингизнинг аҳволи нима кечади?!. Шунча йил жонингизни жабборга бериб ўғлингизнинг қалбига солган тарбиянгиз синиб, парчаланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Бу жараён худди дарахт ўстиришга ўхшайди. Авайлаб, ўғитлаб, тагини юмшатиб, суғориб ўстираётган дарахтингизни айна ҳосилга кириш палласида кимнингдир арзанда "эчкиси" ёки "буқаси" еб, синдириб кетиши мумкин. Мен бир ҳалол оилада меҳнатсевар ва изланувчан, одамларга жонкуяр ва адолатни мадҳ этиб ўсган йигитни биламан. У мактабда аъло баҳога ўқир эди. Ўз кучи билан олий мактабга ўқишга кирди. Кучли мутахассис — агроном бўлиб етишди. Уни институтда олиб қолишмоқчи ҳам бўлишди. Бироқ у қишлоққа йўлланма олди. У билан бирга мактабни, сўнг эса институтни отасининг таянчию югур-югури билан битирган тенгдоши ҳам қишлоққа ишга келди. Беш йил базўр тирмашиб ўқиган ҳалиги арзанда ўғил ишга келгач, орадан икки йил ўтмай катта ташкилотларнинг бирида мансаб лавозимига ўтирди. Дўстимиз эса ҳануз кичик бир бўлимда агроном. Ҳалиги арзанда ўғил кези келганда у билан чой ичгани ор қилади. Хоҳласа бармоғи билан имлаб чақиради. Топшириқлар беради. Кўз ўнгида рўй берган бундай ҳақсизликлар йигитнинг қалбидаги адолатга бўлган ишончни аллақачон сўндирган. Қани, энди уни қайта тарбиялаб кўринг-чи?!. Унинг на ишга қизиқиши бор, на ҳаётга...

Яқинда суд жараёнларидан бирига қатнашимизга тўғри келди. Ёши ўттизларга бориб қолган бир йигит маст ҳолда жанжалга араллашиб, бир кимсани қаттиқ жароҳатлаган, милисия ходимлари уни тартибга чақирмоқчи бўлганда уларни ҳам ҳақорат қилиб, қаршилик кўрсатишда айбланган экан. Суд охирида ҳалиги йигитга сўнгги сўз берилди. Суд ҳайъати одатдагидек, айбдор ўзини кечиришларини сўраб илтимос қилади, енгиллик сўрайди, деб кутиб турган эди. Бироқ бундай бўлмади.

— Энди менга бари бир, — деди айбдор аламзада овозда. — Тақдирга тан беришдан бошқа иложим қолмади. Мен адолат қилинган деб сўрамайман... Аслида йўқ нарсани сўрашда қандай маъно бор!..

Каримжон (унинг асл исми шундай) болалигида жуда яхши тарбия кўрган, ўқимишли, тартибли, одобли хонадоннинг фарзанди экан. Мактабда аъло баҳога ўқир экан. Ўн олти ёшга тўлган пайтида отасининг машинасини ювиб қўйиш мақсадида уй яқинидаги ариқ бўйига



ҳайдаб келади. Шу пайт аллақадан пайдо бўлган учта безори унинг юзига мушт тушириб, машинани олиб қочиб кетишади. Оғзи-бурни қон, юзи кўкариб, шишиб кетган бола жонҳолатда машина ўғрилари кетидан югуради. Афсуски, уларга етолмайди ва кечга томон, энди отамга нима деб жавоб бераман, деган ўйга бориб, уйига қайтади. Бу орада бир тўда милиса Сирдарё йўлида она-болани уриб кетган енгил машина эгасини қидириб, тўппа-тўғри уларнинг уйига келиб туришган бўлади. Унинг отаси машинасини ўғли ювиб келишга миниб чиққанлигини айтади. Бироқ ариқ бўйида на бола, на машина бор. Худди шу гап-сўзлар устига юз-кўзи кўкарган боланинг кириб келиши ҳаммада она-болани шу уриб кетган, деган фикр туғдиради: катта асфалт йўлда икки кишининг ўлиги. Юз қадам нарида ағдарилиб ётган машина...

Ёш болани қамоққа олишади. Унинг, мени уриб, машинани зўрлаб олиб қочиб кетишди, деб зор қақшаб йиғлашига ҳеч ким ишонмайди. Аксига олиб унинг айтганларини тасдиқловчи на далил бор, на гувоҳ... Хуллас, Карим саккиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

У энди йигирма беш ёшида қамоқдан қайтади. Одатдагидек, ҳамма ола қарайди. У аввалига ишга жойлашиш азобини бошидан кечириди. Тенгдошлари уйли-жойли бўлиб кетишган, уни давраларига қўшишмайди. Ҳар куни уни сўраб-суриштириб ички ишлар ходимлари келиб-кейтиб туришади. Маҳаллада бировнинг нарсаси йўқолса, ишхонада бирор ҳодиса юз берса, албатта, ундан гумонсирашади. Уйланай деса...

Хуллас, адолатсизлик қурбонига айланган Карим ичкиликка ружу қўяди, ҳар хил қаланғи-қасанғи кимсалар билан дайдиб юради, асаблари таранглашади, аламини нимадан олишни билмайди. Шу ўринда унинг судда айтган сўзларини айнан келтираман:

— Мен ҳам отамдек обрўли, иззат-ҳурматли одам бўлишни истардим. Ҳамиша унга ўхшашга ҳаракат қилардим, уринардим. Яхши ўқирдим. Юрист бўлиш орзуим бор эди. Онамни жуда-жуда яхши кўрардим. Катта бўлсам, гўзал ва доно қиз билан турмуш қурсам, болаларим, ўз уйим, машинам бўлса, деб ўйлардим. Ҳаммаси бир кунда, ўша менга ишонишмаган кун синди, сўнгра эса...

Мана шу юқорида келтирилган мисоллар устида бир муддат фикр юритиб кўринг, азиз жўрналхон! Агроном йигитга ўхшаб адолатсизликдан панд еганлар минглаб идоралар,

ўқув ва меҳнат жамоалари, давлат ва жамоат ташкилотларида оз бўлса-да, учраб туради, деб фараз қилинг. Ноҳақ жабр тортган Каримжонга ўхшаш тақдирлар ҳам борлигини фикр тарозисидан ўтказинг. Агар улар бугун ўнта бўлса, эртага юзтага кўпаяди. Чунки адолатсизлик албатта жиноятчиликни келтириб чиқаради.

Адолатсизлик энг аввало, ижтимоий онги шаклланиб улгурмаган ёш ва мурғак қалбни майиб қилиб қўяди. Маълумки, адолат руҳида тарбияланган ўсмир на очликдан, на шўхликдан бўлсин, жиноят қилмайди. Биз панд-насиҳат бериш, уришиш, сўкиш, жазолаш билан мақсадга эришмоқчи бўламиз. Бироқ ўсмир ҳаётда бунинг аксини кўриб, шунга тўқнаш келиб улғайса, бизнинг тарбиямиз қаерга ҳам борар эди. Шу боис, сўз билан иш бирлиги, шахсий намуна деган асосий йўналишларни ҳам чуқур ўйлаб кўрмоғимиз керак. Уйда, болалар боғчасида, мактабда, билим юртларида, ишлаб чиқаришда ёшларимиз онгига нима адолатли ва нима адолатсиз эканлигини сингдириб бориш дастури ишлаб чиқилиши ва бунга амалда ҳам эришиш зарур. Бунинг учун эса аввало "тарбиясиз" болаларимизнинг ота-оналари — биз, катталар тарбияланган бўлишимиз лозим. Нопок ота ёки чайқовчи онанинг, ароқхўр муаллим ёки қиморбоз қўшнининг, чаласавод раҳбар ёки порохўр мутасаддининг, фоҳиша хола ёки ташмачи тоғанинг ваъзхонлигидан ҳам, "тарбияси"дан ҳам жамият фақат ва фақат зарар кўради.

Ечими қийин кечаётган муаммоларимизни ёшларга очиқ-ошкор айтиб, ҳалол йўл тутсак, халқ орасида, айниқса, эртанги кунимизнинг хўжайини бўлмиш ёш авлодга ибрат бўладиган (ижобий маънодаги) иш юритсак, тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри ва ҳалол йўлга қўйсак, болаларимизни панжара орасидан кўрмасак, деган ният билан ушбу фикрларни битдим.

Маъмурий йўл билан шохига ёки баргига ҳужум уюштириб, жиноят дарахтини ҳеч қачон қурита олмаймиз. Биз катталар жумҳуриятимизда содир этилаётган минглаб яқин жиноятнинг қарийб ярмида ёшлар иштирок этаркан, улар бузилиб кетяпти, деб ўтиришимиз адолатдан эмас. Жиноят дарахти ҳар бир даврда яна шох чиқариб, барглаб мева бериши мумкин. Қачонки дарахтнинг илдизини қайта озикланмайдиган даражага келтирганимиздагина мақсадга етамиз. Бу машъум илдизнинг номи — адолатсизликдир!





Яхё Тоға

# БУЛБУЛГА ИШОН...

Яхё Тоға — Тошкент вилояти, Қийи Чирчиқ туманининг Кўрғонча қишлоғидан. Тошкент ва Масковда таълим олган. Ҳозир Ўзбекистоннинг ина жаҳонида муҳаррир.

Шоирнинг "Кўклам қалдирғочлари", "Ифасдаги бургут" номли китоблари нашр қилинган.

Яхё Тоға шеърини самимияти билан кўнгилни кўтаради, сойлайди. Халқ оҳангига яқин жўшқинлиги боис ортидан эргаштиради. Шаклдаги ўзига хос изланишлари эса такрорланмас овоз соҳиби имкониятларини намоён қилаётир.

**Муаллиф дейдики:**

*Қоғоз танқис, излаганимиз анқонинг уруғи, топганимиз осмон баҳосида бўлиб турган бир пайтда ҳам сиз шеър мухлиси билан яна юз кўришиб турганимдан хурсандман. Сиз ҳам севинсангиз, каминанинг боши осмонда деб ҳисоблайверинг. Энди балки топган ма-тоҳим — шеърларим ҳақида нимадир дейишим керак чоғи.*

*Яхшиси бунинг ўрнига бир воқеани айтиб бе-раман.*

*Ўтган йилмиди, чойхонада ғалати бир тортишув бўлиб, тарафма-тараф ҳар ким ўз юртининг нонини мақтай кетди. Гўзал нонлар макони Самарқанд шаҳрининг "вакили", нозиктаъб шоир Жамол Сирожиддин эса тамаки тутатиб жимгина ўтираверди. Сабрим чидамай Жамол акага нишанг бердим:*

*— Домла Хумий, нима бу, машқиз паст, Са-марқанд нонининг ҳимоясига қилич кўтармайсизми?*

*— Йўқ, — деди Жамол ака бепарвогина, — Самарқанд нонининг ўзи ўзи учун жавоб бе-ради.*

*Муддаомни англаган чиқарсиз.*

**ТУРКОНА ТИМСОЛЛАР**

Манави пашшалар қушга айланса,  
Манов капалаклар дўнса лочинга,  
Манави арилар, қовоғарилар...  
Камалакка қўнармидинг, Қарчиғай?!

Манов зарпечаклар анорча бўлса,  
Манави ажриқлар чинорча бўлса,  
Манов сассиғ ўтлар, гажир ғумайлар...  
Осмонга устун бўлармидинг, Қарағай?!

Манов чигирткалар қоплонча бўлса,  
Бешиктерватарлар арслонча бўлса,  
Фил ўрнинда манов сичқонча бўлса,  
Пошшо бўлармидинг, хон бўлармидинг,  
Бўзбўри?!

Манов чувалчанглар илонга дўниб,  
Илонлар аждаҳо суратин олса,  
Манов эшакқуртлар, ўсроқ қўнғизлар,  
Манов қурбақалар, бақа, тошбақа...  
Пари бўлармидинг, дев бўлармидинг,  
Бойчибор?!

Уруғлар бир бўлиб муштга айланса,  
Оёғости кунлар тушга айланса,  
Эрк деган армоним ҳушга айланса,  
Юлдуз бўлармидинг,  
Ой бўлармидинг, Тақа?!

Мен сенга не дейин, Тангрим?!  
"Кўзанг, кўзаларинг синди-ку..."

\* \* \*

Ёв зулмина қўшқирра қармоқ  
Зимнан лозим,  
Сўзимнан лозим.

Ғарчли этик, қоракўл қалпоқ  
Тимнан лозим,  
Кўзимнан лозим.

Ғар нортауя чўкса, — Ҳа, — демоқ,  
Имнан лозим,  
Бўзимнан лозим.

Қорачиқнитилмоқ? Чидамоқ?  
Симнан лозим,  
Кўзимнан лозим.

Халқ йўлинда тоат-ибодат  
Нимнан лозим,  
Рўзимнан лозим.

Юрагимга тоғдай қаноат  
Жимнан лозим,  
Тўзимнан лозим.

Дилдан сўра: — Эрку саодат  
Кимнан лозим?  
— Ўзимнанлозим!

\* \* \*

Атиргулнинг  
қулоғига шивирлагим келади  
Булбулга ишон.  
Шаштимни сездими  
ё уялдим  
дув қизариб юзини бурди.  
К е й и н  
ҳеч нарса бўлмагандай  
ёнидаги райҳон ила  
тиллаша кетди.

### Телбаликни кўринг

ярим тунда  
қор курагим келиб  
томга чиқсам Ой  
шундоқ тепамда турибди.  
Ҳақўшнидедим  
Индамайди.  
Йўл бўлсин дедим,  
ж и м.  
Фақат кулади.  
Нега кулади бу деб  
уёқ-буёғимга қарасам,  
қўлимда курак ўрнида  
п а н ш а х а.  
Ўзимнинг ҳамкулгим келади.  
Шунга кулдингми дедим.  
Йўқ дегандай  
бошини чайқаб  
мўрига ишора қилди.  
Қарадим  
Ий-йа-а  
бу бизди мўри эмас-ку

Апил-тапил пастга тушиб  
хонамга кирдим-да  
эшикни илдим.  
Юрагим  
гуппа-гуппа уради,  
ўзимни босиб ололмайман денг  
Қоронғида адашибми,  
қасдданми,  
х у л л а с,  
қўшнимизнинг томига чиқиб кетибман.

(Қўшниқизнинг дур)

Хаҳ шум оймома  
мўғомбир оймома

Ой тепада якка қолди  
мен мунда якка  
шошганимнан  
Отамга айтма демаппан.

\* \* \*

Кўксимни  
захга бериб

Кўкардим ман.

Икки дардни бир ўзим

Кўтардим ман.

Бир жон топсам дардимни

Тўкардим ман.

Сўнг бемалол дунедан

Ўтардимман.

К  
и  
б  
р  
  
о  
р  
а  
л  
а  
н  
б  
э  
р  
с  
а  
  
у  
з  
р...

### Пешона

Совчиларнинг қаноти синди,  
Кифтинг учиб йиғлайсан, гулим.

Ўша кўприк устида энди  
Мени қучиб йиғлайсан, гулим.

Кўкрагимда эрийди кўзинг,  
Ёниб-ўчиб йиғлайсан, гулим.

Йиғиларинг сиғару, ўзинг  
Пешонамга сиғмайсан, гулим.





Сардор Маҳмуд

# МУҲАММАД ҲАЁТИНИНГ ИЛК ДАВРИ

"Ислом тарихи"дан

Муҳаммаднинг онаси у туғилганидан сал ўтиб қазо қилди. Уни бобоси Абдул Муталлиб тарбиясига олади. Саккиз ёшга тўлганида бобосидан ҳам жудо бўлади. Шундан кейин Муҳаммад амакиси Абу Толиб уйда камол топади. Унинг болалиги тўғрисида маълумот кам. Нақл этишларича, у барча араб болалари сингари тарбия топган, лекин ҳеч қачон кўпчилик болаларга ўхшаб ҳиссиётли ўйинларга қўшилмаган. У босиқ ва ёшига нисбатан жуда ўйчан бўлган. Воқеа-ҳодисаларни диққат билан кузатиб, атрофидаги кишиларни тушуниб етишга ҳаракат қиларди. Етимлиги туфайли жуда ёшлигиданоқ хушмуомалаликка ўрганди. Болаларнинг ўзаро адоватли гуруҳларини яраштириб қўйишга ҳаракат қиларди. Ўзи ҳеч қачон уларнинг урушларида иштирок этмасди. Баҳслар ечими унга топширилса, албатта адолат ғалаба қиларди. Шунинг учун ҳам болалар ундан маслаҳат сўраб турардилар. Катта бўлганида ҳам унинг обрўси сақланиб қолди. Кишилар унга суяниш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар. У ҳар доим албатта айтган сўзининг устидан чиқарди. Самимий маслаҳати ва амалий иши билан ёрдам беришга тайёр эди, ҳимоясидаги киши ҳам ҳеч қачон ундан хафа бўлмасди. Шу боисдан унга Ал-Амин, яъни ишончли инсон тахаллусини беришади.

## Муҳаммаднинг ёшлиги

Ёш Муҳаммадни амакиси Абу Толиб баъзида ўзи билан Шомга олиб кетарди, чунки ҳар хил қишлоқ битимлари тузишни ишониб топширса ҳамини аниқлаётган эди. Табиатан кузатувчи бола фойдали маслаҳатлар беришга ҳам қодир эди. Бу сафарлар пайтида Муҳаммад ўзга мамлакат ҳаётини кузатиб, ҳикоятларни тинглаётган экан, бунинг ҳеч зиёни йўқ. Амакиси мулоҳазали боланинг саволларига ўзича пухта ўйлаб кўриб жавоб берарди. Шу баҳона у кимга ишониш мумкинлигини ҳам билиб олишга интиларди. Амакиси Каъбанинг соқчиси бўлганлигидан фойдаланиб, бу муқаддас даргоҳни ташқарисидан ҳам, ичкарисидан ҳам бир неча марта кўришга муваффақ бўлган. Тошларга ҳамда маъбуда ва илоҳаларнинг ҳайкалларига топинаётган

кишиларни кузатган. У ерда Ал-Лат деб номланувчи ой маъбудаси бўлиб, арабларнинг аксарияти шунга сиғинарди. Манат номли бошқа илоҳа, Ҳубал деб аталувчи маъбуда ва яна аллақанча шакллар ҳам мавжуд эди. Муҳаммад ана шу тошлар ва ҳайкалларга топиниб ва шунча кўп маъбудаларга ишонишдан кишилар қандай наф қўраётганликларини ҳеч тушунолмасди. Насронийлар ва яҳудийлар ўз эътиқодларига эга экан. Унга яҳудийлар ниҳоятда қаттиққўл, уларнинг Худоси эса шафқатсиз бўлиб туюлди: шундай маросимлари борки, кўриб тоқат қилиб бўлмайди. Насронийлар анча раҳмдил Худога ишонардилар, бироқ уларнинг пайғамбарлари "инсонийлик"дан йироқроқ тасаввур қилиниб, "Худонинг ўғли" деб аталаркан; насронийлар шунга иймон келтиришади. Қанақасига бундай бўлиши мумкинлигига Муҳаммаднинг ақли етмасди. Арабларнинг бир қисми орасида бутун мавжудот тепасида якка Худо туриши тўғрисида мавҳум бир ақида юрарди, лекин шу Худонинг кимлигини ва қандай эканлигини ҳеч ким тасаввур қилолмасди. Айрим кишилар уни Оллоҳ деб аташарди.

## Муҳаммаднинг Хадичага уйланиши

Муҳаммад 25 ёшлар чамасида қурайшийлар қабиласига мансуб маккалик Хадича исмли бой хонимга хизматкор тутинади. Қисқа муддат ичида у ўзини ниҳоятда ҳалол, ишчан ва серғайрат меҳнаткаш ҳамда камтарин инсон сифатида кўрсатадики, тез орада Хадичанинг ўзи унга жуфти ҳалолликни таклиф қилади. Муҳаммад ҳеч қачон хаёлпараст бўлган эмас, аммо бошқа ёш йигитларга ҳам ўхшамасди, шундан бўлса керак, уни хотин-қизлар кам қизиқтирарди. Албатта ёш жиҳатдан Хадича ундан катта эди, лекин у табиатан олийҳиммат, ғоят фаҳм-фаросатли аёл эди. Улар бир-бирларини ёқтиришиб, ўзаро тил топишди ва оила қуришди.

## Хаёлот оғушидаги йиллар

Муҳаммад энди хўжалик ишларидан холи эди. У ҳанузгача хотинининг ишларини бошқариб турган бўлса-да, ўзи ҳар доим орзу қилиб келган

иш билан шуғулланишга — мушоҳада қилиб, ўша барча динларнинг илдиэларини, амалий моҳиятини очишга анча эркили эди. Инсон битта топинишининг боиси нимада? Кишилар ёвуз руҳларга ҳам сиғинадилар. Бундай эътиқодлар уларга нима беради? Чамаси, инсон нимагадир ишониши зарур ва шу сабабдан ҳам у ҳар қандай нарсага сиғина бошлаган. "Нима учун?" ва "қандай нарсаларга?" — у шуни тушуниб этишни хоҳларди. Бироқ эътиқод ҳаёт ва ўлим сирини бутун мазмуни билан фалак сирларини, гуноҳни кечиритиш, жазолаш ва рағбатлантириш муаммоларини тушунтириб беришни тақозо қиларди. Табиийки, турли кишилар бу сирларнинг турлича талқинларига ишониб келадилар. Хўш, ҳақиқат қаерда? Муҳаммад ана шулар хусусида чуқур ўйларга толди. Доно маслаҳатлар олиш илинжида бошқаларга маслаҳат солиб кўрди, лекин ҳеч ким унинг орзуларини рўёбга чиқаролмади. Сўнгра у хилват жой излаб шаҳардан чиқиб кетди. Ҳиро тоғида шундай горни топиб, у ерга тез-тез бориб турадиган бўлди. Кўп йиллар давомида шу ерда соатлаб ўтириб қайтарди.

### Ваҳий (611 йил)

Қирқ ёшга кириб, кунлардан бир кун ўша сокин горда ўтирганида у ғойибдан келган бир овозни эшитади. "Муҳаммад! Муҳаммад! Муҳаммад!" деб чақирарди ўша овоз. "Бардам бўл! Сен Оллоҳ таолонинг Пайғамбари этиб тайинландинг!" деган овоз келади яна. Овоз акс садоси горни анча вақтгача тўлдириб туради ва Муҳаммадга қайта ва қайта эшитилаверади. У ҳеч нарсага тушунолмаб, ўз ҳис-туйғуларининг воқеъ эканлигидан шубҳаланди. Ҳатто қўрқувга тушди. Бир неча кун ўтгач, у ўша овозни қайта эшитганида ва гўё бутун оламни нурафшон қилиб юборгандек туюлган шуъла пайдо бўлганида ҳайратни янада ортди. Энди унга овоз эгаси Оллоҳ таолонинг элчиси сифатида у танлаган Пайғамбар — Муҳаммад ҳузурига келган фаришта эканлигини айтади. Сўнгра у ўқишни илтимос қилади. Муҳаммад ўқиш ва ёзишни билмаса ҳам фавқулодда истеъдодли киши эди. У ноқулайлик сезиб тураркан, фаришта ўзи кетидан такрорлашни амр этади: "Роббинг номи билан ўқи, у яратувчидир..." Шундан кейин фаришта ғойиб бўлади.

### Муҳаммад Оллоҳ таолонинг

#### Пайғамбари

Юз берган воқеадан кейин бундай хабарлар мунтазам келиб турадиган бўлди. Шошилинич хабарлар ҳам келардики, Пайғамбарни энди улар кўпроқ ташвишга сола бошлади. У ниҳоятда ҳалоллигидан ўз-ўзини ҳам алдагиси келмасди. Шу боис тез-тез кўнглида ғашлик сеза бошлади, аммо рафиқаси далдасидан бир оз таскин топарди. Бора-бора кўзига кўринаётган, қулоғига эшитилаётган нарсалар хаёл маҳсули эмаслигига амин бўлди. Бу жараён анчагача давом этди. Пайғамбарга ҳали янги Инжилни тарғиб қилиш вазифаси тайинланмаган эди, шу сабабдан у мазкур масалада ўзига яқин бир неча кишигагина маслаҳат солди. Бироқ уч йил ўтгач, у энди Расул, яъни Оллоҳнинг ердаги вакили

этиб тайинланганлиги тўғрисида ваҳий келиб, бундан маккалик маслақдошларини воқий қилиш таклифи бўлди. Бу жуда мушкул вазифа эди. Чунки у бутун Маккада эмас, балки кичик бир даврадагина ҳурмат-эътибор топган оддий инсон. Бойлиқдан нишона ҳам йўқ. Боз устига уруғ ва ҳатто оилага ҳам бошлиқ эмас. Халқро карвон йўлида жойлашиб, муҳим савдо маркази ҳисобланган Маккада эса анойи одамлар яшамайди. У ер, шунингдек, муқаддас сағаналар маскани. Макка ваколатхонаси бошлиғи тадбиркор киши, кенг алоқалар бўлган ўткир элчи, деярли бутун уруғ унга ён босади. Муҳаммад янги динни тарғиб қилишга киришгудек бўлса, Макка оқсоқоллари бу ишни дарҳол барбод қилишлари мумкин. Шундай қилиб, сарҳад Муҳаммад билан Абу Сўфён, яъни умавийлар билан ҳошимийлар орасидан ўтар эди.

### Янги дин

Одамлар Абу Сўфён ва Абу Толибга шикоят билан келишади. Улар Муҳаммадни унинг таълимотида битилган: "Оллоҳ ягонадир. У ҳамма нарсанинг ҳокими ва яратувчиси. У ҳаёт ато қилади ва ундан маҳрум ҳам этади. Унга барабар келадиган ҳеч ким йўқ. У ҳокими мўтлақдир", деган ваъз-насиҳатдан тийишни илтимос қиладилар. Муҳаммад кишиларни тошга сиғинишдан воз кечишга даъват этади. Уларни бутта топинишдан воз кечишга чақиради. Барчани худо кечиради, дейди. Инсонлардан саҳий, муруватли ва кечиримли бўлишни талаб қилади. "Қодир бўлишни истаганлар нима бўлганини эсда тутинглар, улар Оллоҳ таолонинг қаҳр-ғазабидан ёниб кул бўлдилар (Од ва Сомуд). Тавба қилинлар, ҳамма нарсани кўриб, билиб турган, лекин саҳоватли худони ғазаблантирманглар!" дея мурожаат қилади уларга. Пайғамбардан Оллоҳнинг ягоналигини қайта-қайта таъкидлаш талаб қилинарди. "Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг Пайғамбари ва элчиси". Ислом дини ана шу негизга қурилиши лозим эди.

### Муҳолифлар

Бу оддийгина бўлиб кўринган ғоялар Макка аҳолисининг катта қисми қалбига ғулғула солди. Чунки улар содда бўлгани билан барча худоларни инкор қилиб, эътиқодлар илдиэига болта урарди, кишиларни эски майлларидан воз кечишга ундарди. Макка зодагонлари, манмансираб кетган умавийлар, шунингдек, кўпгина ҳошимийлар Муҳаммад-Оллоҳнинг Пайғамбари деб эълон қилинаётганлигидан хабар топиб, у қадар хафа ҳам бўлишмади. Чунки зарарсиз ҳамда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан кўзга ташланмас бу инсонга ҳар доим хайрихоҳлик билан муносабатда бўлар эдилар. Бундай ҳолат бутун ҳаёти ўзларининг кўз олдида ўтган Муҳаммад билан юз бераётганлигига ишонқирамадилар. Муҳаммад ақлдан озибди, деб ўйлашга мойиллик кучлироқ эди уларда. Қандай бўлмасин, улар Пайғамбарнинг амакиси Абу Толибга мурожаат қилиб, ўз жиянини тинчлантиришни, одамларга безовталиқ келтиришдан сақлашни сўрадилар. Абу Толибнинг Расулulloҳ билан суҳбатидан натижа чиқмади: у, аксинча, амакисига ўғит қилишга

тушиб кетди. Бунинг устига Абу Толибнинг кенжа ўгли Али ана шу янги диннинг биринчи ишончли тарафдорларидан эди. Шу тариқа Абу Толибга берилган топшириқ барбод бўлди. У қайтиб келиб, ўз мағлубияти тўғрисида маккаликларга ҳикоя қилиб берганида, улар энди ғазабга миниб, пасткаш, бефаҳм, ўта қайсар одамни — Абу Толибнинг акаси Абу Лаҳабни қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Абу Лаҳаб Пайғамбарни ҳақорат қилишга, пўписа билан енгилга уриниб кўрди, хотини билан иккаласи уни таъқиб қилдилар, лекин уни кўрқитиш қўлларидан келмади. У ҳали очиқчасига таълим беришга жазм этмас, лекин Оллоҳ сўзларини сокинлик билан кишиларга етказаётган, ўз нутқлари билан улар қалбида ўт ёқаётган эди.

### Янги диннинг биринчи умматлари

Эрақлардан Пайғамбарнинг дўсти Абу Бакр, аёллардан ўз рафиқаси Хадича, болалардан Али янги динни биринчи қабул қилган кишилар бўлди. Анча ўтгач, уларга бутун бир гуруҳ келиб қўшилди. Бу хабар ҳаммаёққа ёйилиб, кишиларда Исломга қизиқиш орта борди, мухолифлар эса ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар. Бечора мусулмонлар билан ёмон муомала қилардилар, лекин Расулulloҳ уларга кўнгил бериб, сабр-тоқатли бўлишга даъват этарди. Бир қанча вақт шундай давом этиб, мусулмонлар сони тобора ошиб борди. Пайғамбарнинг катта амакиси, машҳур овчи ва жангчи Ҳамза ошқора равишда ўз жияни томонга ўтди. Лекин кучли шахсияти ва соғлом ақл-заковати билан ҳамма ерда ҳурмат-этибор қозонган қудратли маккалик Умар ибн ал-Ҳаттоб янги динга юз тутмагунча мусулмонларнинг айрим қисми уни очиқ-ойдин қўллаб-қувватлашдан ўзларини тийиб турдилар. Ҳеч кимдан ҳайиқмайдиган бу киши Расулulloҳга очиқчасига ваъзга чиқишни маслаҳат бергач, Пайғамбар ўнгига амал қила бошлади.

Бундай ҳолат маккаликлар ғазабини баттар қайнатиб юборди. Улар наздида Муҳаммад катта хавфга айланаётган эди, шунинг учун ҳам биргалашиб ундан халос бўлишга аҳдлашдилар.

### Таклиф

Шундай бўлдики, бир гуруҳ ясрибликлар, яъни Маккага қўшни Ясриб шаҳри аҳолиси зиёратга келганларида Пайғамбар ваъзини жон қулоқлари билан эшитдилар. Нутқ уларда жуда катта таассурот қолдирди, бир неча савол бериб, олган жавобларидан ҳам мамнун бўлишди. Кўтаринки кайфиятда янги ўй-хаёлларга тўлиб-тошиб уйларига қайтиб келишгач, кўрган-эшитганларини ҳамшаҳарлари билан ўртоқлашиб, улар қалбида ҳам катта қизиқиш уйғотдилар... Савдо қилишдан кўра кўпроқ янги дин моҳиятини тушуниб етиш мақсадида Маккага яна бир гуруҳ ташриф буюрди. Пайғамбар сўзларининг самимийлиги, равшанлиги ва ҳаққонийлиги унинг аъзоларида чексиз таассурот қолдирди. Қуръон сураларига мафтун бўлган улар ҳам Ислом динини мамнуният билан қабул қилдилар. Маккаликлар Пайғамбарга ҳамда унинг таълимотига монелик қилганликларидан хабар топишгач, уни ва маслақдошларини Ясрибга бориб, у ерда ўз бурчларини бажаришга

таклиф қилдилар.

### Ҳижрат (622 йил)

Улар Пайғамбарни сафдошлари билан яхши кутиб олишларига ва самимий муносабатда бўлишларига ишонтирдилар. Ёрдамларини аямай, ака-ука тутиниб, Ислом учун курашишларига иймон келтирдилар. Пайғамбар бу ишни бирмунча орқага сурди, Оллоҳ таолонинг ижозатидан кейин умматларига кичик-кичик гуруҳлар бўлиб, Ясриб томон йўл олишни маслаҳат берди. Ғайридинларнинг шафқатсиз муносабатларидан сақланиш ниятида айрим мусулмонлар олдинроқ Ҳабашистонга жўнаб кетишганди. Лекин бу мамлакат жуда узоқда эди. Макка яқинидаги Ясриб деярли ҳаммага маълум ва улар ўз қабиладошлари орасида бўлардилар. Битта кентдан иккинчисига кўчиш араблар учун табиий ҳол бўлганлигидан улар тез орада ўзларининг янги гўшаларига кўчиб боришга қарор бериб, шуни амалга оширишга киришдилар. Пайғамбарнинг ўзи ҳаммадан кейин кўчиб ўтди. Унга эски дўсти Абу Бакр ҳамроҳ бўлди. Улар ўзларини Ислом душманлари излаётганликларини яхши билганликлари учун икки кеча ғорда яшириниб ётиб, уйқуга тўйиб, Ясрибга етиб бордилар. Бу шаҳар шундан буён Мадина (Пайғамбар шаҳри) номи билан машҳурдир. Ҳижрат деб аталган мазкур воқеа 622 йилнинг 24 сентябрида юз берди. Мусулмон тақвими ана шу санадан бошланади.

### Пайғамбар Мадинада

Ясрибдан ўрнашиб қолган маккаликларни муҳожир деб, ясрибликларни эса ансорийлар (ҳалоскорлар) деб аташарди. Аҳолининг ана шу икки қатлами ўртасида аввалбошдан дўстлик юзага келди. Ансорийлар маккаликлар билан бирга қувонч-ташвишларини баҳам кўришардилар, аралаш никоҳлар ҳам кўп эди. Улар жуда ҳамжиҳатликда яшашарди. Оллоҳ таолонинг Муҳаммад олдига қўйган вазифаси эса ҳали анча мураккаб эди. Мусулмонлар энди эътиқодда эркин бўлиб, ўз динини бошқаларга сингдириш ҳуқуқига эга бўлсалар ҳам ҳали жуда кам сонли ва катта қабилалари билан яхши боғланмаган эдилар. Бадавийлар эркин кўчиб-қўниб юришарди. Маккаликлар савдо йўлларини назорат қилардилар; уларнинг бойлиги ва таъсири катта, ғанимлик туйғулари ҳам яққол сезилиб турарди. Бундай вазият ҳар қандай жасур одам қалбига ҳам ваҳима сола оларди. Лекин андишали инсон бўлган Расулulloҳнинг ўз бурчига ва ўзига ишончи жуда катта эди. У Мадина аҳолисини маккаликлар билан бўлажак жангга ҳозирлай бошлади. Табиатан тинчликсевар инсон бўлган Пайғамбар фақат вазгини бўлиб қолмасдан, фуқаролар раҳнамоси, уларни олижаноб мақсадлар ҳамда ҳаракатлар сари илҳомлантирадиган киши ҳам эди. Бундан ташқари унга Оллоҳнинг сўнгги ва энг улуғ кишиси бўлишдек буюк вазифа белгилаб берилганди. Ҳадемай 52 ёшга кириб қолганлиги боис бирор яхши иш қилишга шошиларди. Чунки инсоннинг бу ёруғ дунёдаги умри шу қадар эканлигини яхши биларди.

## Бадр жанги

Ўзларига тўқ маккаликлар бойликлари ҳамда диёрлари билан фахрланар эдилар. Уларга қарши узоқни кўзлаб кураш олиб бориш зарур эди. Пайғамбар шу икки сифатнинг уйғунлигидан фойдаланишга қарор қилди. Уларнинг бойлиги Шом билан савдо-сотиққа боғлиқ. Шунга кўра Шом савдо йўли кесилди. Маккаликлар барча соҳаларда, ҳатто жасуриликда ўзларини араблар ичида тенгсиз ҳисоблашарди, шунинг учун бу жабҳада ҳам улар ишончига путур етказиш лозим бўлди. Пайғамбар Маккага йўл олган ва албатта соқчиси бўлган навбатдаги карвонга ҳужум қилиш вазифаси билан мусулмонлардан кичикроқ бир посбон гуруҳ жўнатди. Ислоннинг ашаддий душмани, Макканинг раҳбари Абу Сўфён бошчилигидаги карвон билан шундай воқеа юз берди. У соқчиси бўлишига қарамасдан хавф сезиб, ошиғич равишда Маккадан ёрдам сўради. Шу орада Расулulloҳ раҳнамолигида мусулмонлар ҳам етиб келишди. Улар 300 киши, маккаликлар эса 1000 нафар жангчидан иборат эди. 623 йил (Ҳижрий ҳисобида иккинчи йил) Бадр шаҳри яқинида шундай кам сон жангчи билан дунёдаги ҳал қилувчи жанглардан бирида ғалаба қозонилди. Руҳи баланд мусулмонлар ўзлари музаффар чиқишларига заррача шубҳаланмадилар. Бу буюк ғалаба эди. Кўплаб асир ва ўлжа қўлга киритилди. Лекин пайғамбар ўч олиш таклифини рад этиб, ажойиб муомала ва узоқни кўра билиш қобилиятини намойиш қилди: у маккаликларни пулга алмаштиришдан бош тортиб, улар билан яхши муносабатда бўлди.

## Уҳуд жанги (625 йил январ)

Бадр яқинидаги мағлубият маккаликлар шаънига доғ бўлиб тушдики, уларнинг бундан бошлари эгик эди. Инчунун, келгуси йили улар Мадинага 3000 кишилик катта куч билан ҳужум қилдилар. Мусулмонларнинг эса атиги 700 кишини қуроллантиришга кучлари етарди. Пайғамбар аҳволининг жиддийлигини ҳисобга олган ҳолда умматларига қатъий фармойишлар берди. Ҳужум ва мудофаа режасини тузиб чиқиб, уларга ўз ўринларини қатъий сақлаб туришни амр этди. Бироқ тажрибасиз мусулмонлар жангда қизишиб кетиб, барча буйруқларни эсдан чиқардилар. Улар рақиб бўлишига кўзлари етмаса ҳам ҳеч режасиз жангга киришиб, маккаликлар қўрғонига бостириб бордилар. Оқибатда маккаликларнинг моҳир қўмондони Ҳолид ибн ал-Валид бошқариб турган қўри улар устига қўққисдан ташланиб, тумтарақай қилиб юборди. Расулulloҳнинг ўзи ярадор ётар эди. Шу пайт: "Пайғамбар ўлдирилди!" деган ҳайқириқ эшитилди. Бу ҳолат мусулмонларни тушкунликка тушириб қўйди. Уҳуд жанги мағлубият билан тугади, Мадина мусулмонлари эса Пайғамбарларидан уятга қолдилар. Бироқ фавқулодда қобилиятли инсон бўлган Расулulloҳ ҳаммани йиғиб, панд-насиҳат ўқиди, йўл қўйган нодонликлари учун танбеҳ берди, бундан буён буйруқларга хилоф ишларга чек қўйишни уқтиргач, мағлуб мадиналикларни яна ғолиб маккаликларга қарши бошлаб борди. Эрта тонгда у ерга етиб келиб, маккаликлар рўпарасига

қўрғонларини тикар эканлар, катта-катта гулханлар ёқишни буюрди. Бунинг моҳияти мусулмонлар маккаликлар олдида руҳан тушманликларини намойиш қилишдан иборат эди. Тонг оқарганда маҳаллий аҳоли уларни ўзларининг шундоқ яқинларида қўрқув нималигини билмасдан бемалол кундалик ташвишлари билан машғул ҳолда кўрдилар. Шу тариқа Пайғамбар мағлубиятни ғалабага айлантирди.

## Яҳудийлар ва Ислон ғалабаси

Шундан кейин Расулulloҳ мағлубият нималигини билмади, бутун Арабистон тез орада мусулмонлар бошқарувига ўтди. мадинада ва унинг теварак-атрофида безовталиқ уйғотиб туришда яҳудийлар ҳам маккаликлардан қолишмасди. Улар Пайғамбарнинг ваъз-насиҳатларига очикдан-очик қарши чиқибгина қолмай, умуман мусулмонларга қарши фитналар уюштириб турардилар, ўзлари эса аҳил ва бой-бадавлат яшардилар. Расулulloҳга яҳудийларни бостирганча бир неча марта газавот олиб боришга тўғри келди. Бироқ шунга қадар яҳудийлар билан маккаликлар ўз куч-ғайратларини бирлаштириш ҳисобига 10 минг кишилик кучли қўшин тўплаб, Мадинага ҳужум қилдилар. Пайғамбар шаҳар олдида мудофаа ҳандақлари қаздиришга мажбур бўлди. Мусулмонлар шу даражада қаттиқ қаршилик кўрсатдиларки, душман уни енгиб ўтишга ҳам ва ўзи қочиб қутулишга ҳам ожиз эди. Расулulloҳ энди яҳудийлар билан шуғулланиб, уларга шафқатсиз сабоқ берди. Яҳудийларнинг Ислон билан сўнги жанги уларнинг Ҳайбар номли қалъасида бўлиб, бунда мусулмонлар ғолиб чиқдилар. Пайғамбарнинг ёш жияни Али худди шу савашда жасорат кўрсатди. Жангдан кейин Зайнаб исмли яҳудий қиз Расулulloҳга ўта кучли ва тез таъсирли заҳар қўшилган таом қўйиб кетди. Пайғамбар овқатнинг оғу қотилган бўлагини ажратиб, четга суриб қўйди...

## Ҳудайбияҳ сулҳи (628 йил)

Расулulloҳ ўзи билан мусулмонларнинг катта бир гуруҳини Маккага ҳажга, яъни зиёратга бошлаб боради. Маккаликларнинг бошқа курашишга хоҳишлари бўлмаса ҳам бундай катта йиғинга қарши эътироз билдирадилар, устига устак мусулмонларнинг аксарияти қуролланган эди. Бир жиҳатдан бунга ажабланмаса ҳам бўларди, чунки араблар қуролсиз юрмасдилар. Лекин шундай бўлса ҳам маккаликлар ташвишга тушиб қолдилар. Шунча катта омма муқаддас чегарани босиб ўтишига уларнинг йўл қўйгилари келмади. Мазкур масала юзасидан музокара бошлаб юборилди. Узоқ мулоқотдан кейин маккаликлар сулҳга рози бўлдилар. Худайбияҳ битими номи билан тарихга кирган бу воқеа Пайғамбарнинг сулҳ бобидаги буюк ғалабаси деб ҳисобланишининг боиси шундаки, маккаликлар мусулмонлар раҳнамосининг кўпгина шартларига кўнгандек бўлдилар. Шунга биноан уларга Расулulloҳ ваъз-насиҳатлар олиб бориб, арабларни ўз эътиқодларига қаратиш ҳуқуқини эътироф этдилар. Пайғамбар ва унинг умматлари Маккага ҳажга келиб туришларига ҳам розилик

бердилар. Сулҳ 10 йил муддатга тузилди. Исломлаштиришга қарши барча тўсиқлар барта- раф қилинган, минглаб араблар мусулмон динини қабул қила бошладилар. Ҳарбий саркарда Ҳолид ибн ал-Валид янги динга кирган энг машҳур кишилардан эди.

### Макканинг забт этилиши (630 йил)

Ўша пайтда маккаликлар хатога йўл қўйишди. Милодий 630 йили улар мусулмонлар қабиласига ҳужум қилиб, сулҳни барбод қилдилар. Пайғамбар Маккага 10 минг кишилик катта қўшин тортди. Бу даврга келиб ҳамма нарса ўзгариб кетган эди. Энди маккаликлар Расулulloҳдек саркарда бошқараётган шундай катта кучга юзма-юз бўлишга ночорликлари сабабли таслим бўлдилар. Уларнинг сардори Абу Сўфён Ислом динини қабул қилди. Унинг ўғли Муовия Пайғамбарнинг ноибларидан бири бўлди. Арабистоннинг юраги саналмиш Макка бу гал Расулulloҳни осойишта кутиб олди. Қадимий шаҳарнинг қувғинди ўғли энди унинг бағрига музаффар бўлиб қайтди. Кўрган азоблари учун ўч олиш ўрнига бу "ғалағи" инсон бутун яхшилик мужассами бўлиб кўринарди. У ўз душманларини авф этиб, араблар учун янги хулқ-атвор намунасини намойиш қилди. Қабани барча бутлардан тозалатиб, у ерда энг аввало ибодат ўтказди. Мазкур муқаддас даргоҳ калитини унинг ҳақиқий соқчилари ворисига топшириб, ақли инсонларни бу ерга қалбида тинчлик, осойишталик нияти билан келишга даъват этди. Бу Пайғамбарнинг марҳамати, олижанобликнинг юксак чўққиси сифатида баҳоланди, шу тарзда душманликни меҳр-оқибатга айлантирган ажойиб дин вужудга келди.

### Муҳаммад Арабистон ҳокими

Навбатдаги йил охирига бориб, Расулulloҳ бутун Арабистонга бошчилик қила бошлади. У ҳар бир қабилага ўғитлар юбориб, уларни намоз ўқишга ўргатар, ўз уруғи ёки қабиласи тарафдори бўлиш билан барчанинг битта ғояга содиқлиги ўртасидаги фарқни исботлаб берар эди. Уруғ ва қабилалар ўртасида асрлар бўйи мустаҳкамлашиб келган феодал муносабатларни бекор қилиш бобига зўр куч-ғайрат кўрсатди, шахсиятининг қудрати, нотиклик санъатининг кучи туфайли буюк бардоши ва фавқулодда донишмандлиги билан арабларнинг барчасига бирлик ва қардошлик ғоясини сингдира олди. У динга, Исломга эътиқод қўйиш билан бани башар қардошлиги ўртасида буюк алоқа борлигини таъкидларди. Оллоҳ олдида ҳамма инсонлар баробар, дерди у. Ўз шахсий мисолида бойлар ва камбағаллар, кучли ва кучсизлар, оиласи бўлганлар ва ёлғизлар — барчаси тенг эканлигини кўрсатиб борарди. Унинг ўзи ҳам шундай инсонларнинг бири, ёлғиз фарқи шундаки, Оллоҳ таоло унинг воситасида ва у орқали бандалари билан мулоқотда бўларди.

### Пайғамбарнинг вафоти (632 йил)


Расулulloҳ Маккани охириги марта 631 йили зиёрат қилди. Бу Қуръонга сўнги ваҳий келган даврга мос тушди. "Бугун эътиқодингизни мукамал қилдим ва шуниңдек, Исломни дин

қилиб танладим", — дейилганди унда. Шу муносабат билан Пайғамбар инсонларга мурожаат қилиб, ёлғиз Оллоҳагина ишонишга, бошқа худоларга сиғинишдан қочишга, ҳақиқат учун курашишга, барча мусулмонларга ўз ака-укаларидек меҳр қўйишга, бандаларга ожизларни ҳимоя қилиш, ёлғизлар ва хўрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳуқуқини беришга чақирдилар. Мадинадан қайтиб келгач, кўп ўтмай у кўрпак-тўшак қилиб ётиб, бир неча кунлик бетобликдан кейин насроний йил ҳисобидан 632 йили (ҳижрий ҳисобида 10 йили) 8 июнда вафот этди. Шундай қилиб, саҳонинг буюк фарзанди — башариятга янги орзу-умидлар таълимотини стказиб берган Ислом Пайғамбари оламдан ўтди.

### Пайғамбарнинг феъл-атвори

Расулulloҳ оддий одам бўлиб, инсонга хос ҳеч бир нарса — шоду ҳуррамлик ҳам, қайғу-ғам ҳам унга бегона эмасди. У ўзи камбағал ва етим бўлатуриб, ҳеч қачон бойларга ҳавас қилмаган. Ниҳоятда мўмин-қобиллигидан ҳатто шон-шухратга чулганган пайтида ҳам ўзини мағрур тутмаган ва кибр-ҳавога берилмаган. Кишилар билан муомалада ҳар доим марҳаматли, камбағалларга, сўққабошларга, қашшоқлар ва очларга ғамхўр эди. Кишиларга ҳамдардлиги ва самимийлиги билан жуда катта меҳр-муҳаббат ва садоқатга сазовор бўлди. Ўзи хушмуомала ва одобли бўлган бу инсон бошқа кишилар ёвузлиги ва қўполлигини кўриб боша бўларди. Бир куни у одамларнинг кўнглини оғритувчилар ва фитначилар иши гуноҳ эканлигига ишонганлари ҳолда Макканинг таслим бўлишига ишонмаган кишиларга ёмон муомала қилган Ҳолид ибн ал-Валидга танбеҳ берган эди. У саҳоватпешаликни ҳурмат қилар ва ҳар қандай тақводорлик ва художўйлик билан айтилган сўзлардан хайрли ишларни афзал кўрар эди. Имкони бўлган ҳамма жойда билим излашда ўз умматларига ёрдам берарди. Барчани ақл билан иш кўришга чақирар, бунинг аҳамияти ва қийматини ҳар бир кишига уқтиришдан чарчамасди. Ўзини узоқ давр таъқиб қилган душманларни кечириб билан бошқаларга асрлар бўйи хизмат қиладиган яхши ўрнак кўрсатди. Жасур ва қатъиятли бу инсон ҳеч нарсадан қўрқмас ва ўз ишларида ҳеч қачон умидсизликка тушмас эди. Гарчанд унинг исми мусулмон дунёси наздида Оллоҳи эгам номи билан боғланган бўлса ҳам у ҳамиша Худонинг буюклиги, иродаси олдида итоаткор, унинг амрида қўрқувчи мусулмон банда эди. Бу оддий инсон ўзининг жуфти ҳалоли ва садоқатли турмуш ўртоғи вафотидан кейин турли вазият ва воқеалар тақозоси билан бир неча марта уйланишга мажбур бўлди: у ҳар хил қабилалар билан иттифоқ тузиб, диний алоқаларни мустаҳкамлашга интиларди. Расулulloҳ уч қиз ва икки ўғил кўрди, ўғиллари гўдаклигидаёқ нобуд бўлиб, фақат битта қизи — Фотима ундан ёдгор қолди. У Пайғамбарнинг жияни, дўсти ва ишининг содиқ давомчиси Алига турмушга чиқди.

Инглиз тилидан Жамолиддин ҲАМДАМ ва Шариф ХОЛМУРОД таржимаси.



Гулчеҳра Нуриллаева

## Армонлар, умидлар сўзлашуви



Қутлибека

— Қутлибека, мен сиз билан кўпдан бери юракдан суҳбатлашишни истаб юрардим. Мана бугун мурод ҳосил бўлиб, юзма-юз ўтирибмиз. Суҳбатдан мақсад — шеърингиз сатрларингизга кўчиб улгурмаган қалбингиз манзаралари. Маълумки, ижодкор қувончларининг, дардларининг мингдан бири ҳам унинг қоғозига тушмас керак. Негаки, бу туйгулар кўпинча тугал шеър эмас, балки айрим сатрлар сифатида шоир кўнглидан ўтади. Ўтаверади... Тугал шеърга айланмаган кечинмалардан шоир ўрганиб қолаверади. Мен сингари мухлисингизни ана шу шеърга кўчмаган кечинмаларингиз кўпроқ қизиқтиради. Негаки, улар ўзингизгагина аён. Шу маънода мабодо сиз кутган-кутмаган саволларни берсам, илтимос, ажабланмасангиз... Аввало, сиз шеърни қандай ёзасиз?

**Қутлибека:**

— Раҳмат, Гулчеҳра опа. Мен ҳеч қачон ўзимни дўстим билан суҳбатлашгандагидек хотиржам ҳис этмаганман. Сизнинг суҳбатингизга ҳам шу илнжда келдим. Сизнинг катта, менинг кичик шоирлигимдан қатъи назар, икки шоир суҳбати — армонлар, умидлар сўзлашуви бўлмоғи керак.

...Шеърни жуда қийналиб ёзаман. Бу ҳолат, менчмча, ёзганларимда ҳам сезилади. Олий, шиддатли илҳом, қуюлиб келган сатрлар йўқ.

Авалл оғриқ, узоқ-узоқ оғриқ, сўнг айрим сатрлар, сўнг шеър. Деярли барча шеъримнинг таржимаи ҳоли шундай. Яна мен шеърни ёдимга ёзиб, ёдимда ишлайман, қоғозга энг сўнгги тўхтамни кўчириб қўяман.

**Г. Н.:** — Астрологияга ишонасизми?

**Қ.:** — Илми нужум — бу бизнинг аждодларимиз жуда ихлос қўйган илм. Аждодларимиз ҳеч нарсани шунчаки севмайдилар, ҳеч нарсани шунчаки ўрганмайдилар. Аждодларимиз ихлосига ишонганим учун илми нужумга ишонаман. Лекин ҳозирча бу илмнинг отини биламан, холос.

**Г. Н.:** — Шоирлик насиб этмаса, ким бўлардингиз?

**Қ.:** — Адабиёт муаллимаси бўлардим, дипломим ҳам бор, яна тарихдан дарс беришим мумкин.

**Г.Н.:** — Қутлибека, сиз илк шеърингиздаёқ:

*Ҳақиқат сўзининг яқинларига  
Ёзилган бўлсайди менинг насибам, —*

дея ўз ижод дастурини белгилаб олган шоирасиз. 1977 йилда ёзилган шу шеърдан бери кузатаман сизни. Матбуотдаги ҳар бир чиқишингиз — мен учун байрам. Сиз беҳудага қўлга

қалам олмайсиз. Ўртаниб, куйиб, назаримда, кези келса, йиглаб-йиглаб ёзасиз. Шунинг учун ҳам ёзганларингиз қалбларники. Ҳаяжон-оғриқларингиз қалбларники.

Яқинда кўпни кўрган, вақтида ҳукуматнинг юқори лавозимларида ишлаган, айни чоғда Сталин қамоқларининг азобларини 14 йил бошидан кечирган аллома инсон — Сулаймон Азимов сиз ҳақингизда сўз очиб қолдилар. У одамнинг ўқимаган нарсалари йўқ, десам ишонаверинг. Нима дедилар, денг: — Қутлибека қизим қалай? Мен шеърларини излаб юрувчи ўқувчилариданман. Ташаккур ва таъзимимни етказинг, — дедилар. Аввало, буюк қалбнинг тавозесини қабул қилинг. Қолаверса, шеърларингиз, матбуотдаги чиқишларингиз хусусида хатлар олсангиз керак. Улар билан ўртоқлашармикинсиз?

**Қ.:** — Мен муҳтарам домла билан ҳозирча ҳаётда дучлашишга муяссар бўлмаганман. Лекин ғойибдан биламан. Ҳозир гапингизни эшитиб йиғлагим келяпти... Негалигини билмайман...

... Вақтли мутбуотда чиққан шеърларим ҳақида деярли хатлар олмайман. Фақат "Ёшлик" жўрналида илк бор эълон қилинган шеърингиз туркумидан сўнг Анвар исмли аскардан жиддий бир мактуб олганман. У бу туркумдан ўз оғриқларига шерик топгани ҳақида ёзган.

... Ўртоқларим кўнгирақ қилишади: "Яхши", "Ёмон". Баъзан муҳтарама Зулфия опа, баъзида катта олимимиз Матёқуб Қўшонов домла ўз фикрларини айтадилар. Қувонтирса ҳам, қийналтирса ҳам ҳар бир фикр — мен учун муҳим.

**Г. Н.:** — Мен 1981 йилда чиққан илк китобингиз — "Юрагимда кўрганларим"ни ўқий туриб, унга қалам билан "Қутлибека", "кенглик" ёнига яна қандай сўзлар қўшилди экан?

**Қ.:** — Билмадим, Гулчеҳра опа. Лекин кулмасангиз битта қиёс айтаман. Мен ўзим "Ахир" деган сўзга ўхшайдигандайман. Бу сўзда қаршилик бор. Аммо бир жойда депсиниб тураверади, жумлага кирса, унинг қаттиқлиги юмшайди. Юмшамай иложи йўқ.

**Г. Н.:** — Сиз асарларингизнинг бирида:

*Айлансамасам, элим, тилингда,  
Овозингни ёйолмасам кенг,  
Қумурсқаман сўзга илнган,  
Шоир бўлиб ким бўлибман мен, —*

дея шоирнинг ҳаётдаги ўрни хусусида дилингида борини



айтасиз. Шундай бўлса-да, сўрагим келади: шоир даврнинг солномачисими ёки давр воқеалари моҳиятини очиш орқали миллат кўзини очувчиси, ёхуд ҳар қандай сиёсатдан холи турувчи, фақат кўнгил розини айтивчи қалб суратларини чизувчи ҳозирда кўплар айта бошлагандай кимсаси?

Қ.: — "Кўнгил" деган сўзингизни эшитибоқ шеър ўқигим келди. Шу сўзни жуда яхши кўраман:

*Кўнгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстладинг?!  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен бунча сўстладинг?!*

Мен бу шеърни фақат кўнгил розини айтивчи деб эмас, миллат кўзини очувчи, давр қиёфасини чизувчи деб ҳам биламан. Кўнгил иштирокисиз, ҳатто, солнома ҳам кўнгилсиз.

*Ўз қатиг ҳолимга ўлмасдин бурун мотам тутай...*  
дейдилар ҳазрат Навоий бошларида амирлик рутбаълари билан.

*Қайси танни ишқи йўқ бўлса, они иймони йўқ...* — дейдилар шоҳ Машраб.

Хуллас, менинг баландликларимдаги шоирларнинг ҳаммаси — кўнгил жар ёнидаги кишилар.

Г. Н.: — Қутлибека, сиз "Қишнинг охирлари" номли достонингизда:

*Кимда қасди бўлса, ясаб уртўқмоқ,  
Уриб ўтирмайди азалдан тақдир.  
Фақат ўғилларин яратар қўрқоқ,  
Бир ботир бермасдан этади таҳқир, —*

дегансиз. Ҳозирда Ўзбекистон мустақиллик пойдеворини кураётган, тилини, ерини, динини қайтиб олган бир пайтда, биз — ижодкорлар энтиқиб орзу қилган Туркистон томон илк қадамлар қўйилаётган бир даврда элингиз ботирларидан кўнглингиз тўлаптими? Улар ҳақида нималар дегингиз келади?

Қ.: — Аввало, уларнинг борликларига шукр. Улар ҳақида нима дейишим мумкин — ҳаммаси мenden кўра минг чандон ақлли одамлар. Фақат юз бор узр билан, бир истак айтсам. Бу истак ҳам аслида минг айтилгандир, мен минг биринчи айтивчидирман.

Г. Н.: — Яна "Қишнинг охирлари" достонингизга қайтсак. Унда пахтадаги қўшиб ёзишлар хусусида сўз юритгансиз, бу иллат сабабларини очгансиз. Асар бундан 7 йил илгари ёзилганди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Қўшиб ёзишларда гуноҳкор деб топилган одамлар оқланди. "Пахта иши" Москванинг макри, зулми экани эътироф этилди. Шулардан келиб чиқиб, достонни қайсидир маънода таҳрир қилиш, унга бугуннинг нуқтаи назари билан қараш режангиз борми?

Қ.: — Гулчеҳра опа, "пахта иши" Москванинг иши эканлиги" очилгани, гуноҳкорларнинг оқлангани — менинг кўнглимга ёруғлик солган воқеа. Лекин ҳар қандай зўрлик ожизлик олдида ҳечдир. Биз тан олгимиз келадими, йўқми, ҳар қандай қулликда ихтиёрийлик бор. Қўшиб ёзишларни эсланганимизда шу ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Бу-бир.

Иккинчидан, "Қишнинг охирлари"да агар эсингизда қолган бўлса,

*— Гуноҳқорман, гуноҳимнинг гуноҳори-кўн...  
Норгул куйиб шивирлади, отилиб чиқдим,  
Сўзларини такрорлади қоронғу йўлак... —*

деган сатрлар бор.

Яна:

*Кўзингиз яширманг! Қаранг бу сурат  
Хаёл кўзунгиздан кетмасин ўчиб.  
Сизга бахт айласин буюк бир журъат  
Шу йиллар сабоғи, шу йиллар ўчи... —  
(Бу сурат — Норгул)*

деган жойи бор.

Демак, мен достонда қўйган фикр билан қўшиб ёзувчиларнинг бугунги қисмати (балки, "тақдири" дейиш керакдир.) ўртасида зиддият йўқ.

Гулчеҳра опа, яна биласизми, мен ёзганларимни давр ўтиб, шамоллар эсишига қараб ўзгартиргим келмайди. Бу ёзувлар менинг ўша вақтдаги қиёфам. Одам ўз қиёфасини изига қараб-қараб, тез-тез кўриб тургани яхши. Шунда хатолари юзига тарсаки солиб, ўнглаб туради.

Г.Н.: — Маълумки, мактаб дарсликлари янгилянапти. Ўқувчилар сизнинг "Ватан хусусида 10 — синф қизларига сабоқ", "Уйғониш фасли манзаралари", "Тасаввур", "Онамга мактуб", "Ватан", "шеъринг боғи" каби шеърларингизни билишлари даркор деб ўйлайман. Адабиёт дарсликлари том маънода янгилянаптимикин? Агар, йўқ, десангиз, собиқ адабиёт муаллимаси сифатида уларни қандай кўришни истайсиз?

Қ.: — Ҳали мактаб дарсликлари учун мenden кўра ҳуқуқи катта ижодкорларимиз жуда кўп. Олдин уларга йўл очилишини истайман. Ҳозир ўқитиш дастурлари, дарсликлари янгилянапти. Лекин ҳали адабиёт ўқитилишида конкрет бир принцип йўқ. Менимча, адабиёт болани миллий қилиб тарбиялашни керак. Шоирлар, ёзувчилар ҳақидаги маълумотлар, асарлар таҳлили шу тарбияга хизматчи бўлиши зарур. Шу кунларда, менинг назаримда, маориф ишларимизнинг бошига ўз одами келди. Мен мактабга умид кўзини тикаётган барча юрдошларим каби ҳурматли домламизга гайрат тилайман. Мен энди "фалончини дарсликка киритмасак, фалончи хафа бўлади..." қабилдаги гаплар адабиёт дарсликлари учун мезон бўлмаслигига сал-пал ишоналман. Умуман, Гулчеҳра опа, менинг конкрет таклифларим, таҳлилларим бир дунё. Бу, назаримда, алоҳида мавзу.

Г.Н.: — Яна бир муаммо: сизнингча, мактабларда Қуръон, Ҳадислар ўқитилиши керакми-йўқми?

Қ.: — Менимча, "Ислом маърифати" деган фан ўқитилса яхши бўларди.

Г. Н.: — Қутлибека, сиз ҳам мен каби Анна Ахматова, Марина Цветаева, Леся Украинкадан баъзи шеърларни ўзбекчага ўғиргансиз. Шу ишни нега давом эттирмадингиз?

Қ.: — Бу шоирларнинг китоблари ҳозир ҳам қўлим етадиган жойда туради. Айниқса, Цветаевани жуда яхши кўраман. Мен улардан бир-иккита шеър таржима қилдим, таржималар ўзимга ёқмади. Бировни ўз тилингизда гапиртириш учун, унинг яқинроғига боришингиз керак, шекилли. Ҳали бу шоирлар билан менинг орамиздаги масофа узоқ. Бу масофа оёқ билан босилмайди, қалб, тафаккур билан босилади. Шунинг учун тўхтаб қолдим.

Г.Н.: — 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши биланоқ ўн шоир "Мустақиллик қасидаси"ни битдинглар. Мен уни ўқиб, Тўра Мирзо, Мукаррама Муродова, Тилак Жўра, Азим Суюн, Шарифа Салимовалар қаламига мансуб сатрларни дарров таҳмин қилдим. Сизникини эса... "Сочилиб, соврилиб келди бу чаман" сатри билан бошланувчи бўлак сизники бўлса керак, а?

Қ.: — "Ҳуррият қийналиб кетарсан, қийналиб кетарсан биз билан..." — деб бошланувчи энг қисқа бўлак меники.

Г. Н.: — Икки ижодкор ҳаётининг ёнма-ён кечини... қизик бўлса керак. Умр йўлдошингиз Миразиз Аъзамни биз ҳақиқатгўй, миллатпарвар, ўта беозор инсон сифатида биламиз. Шеърларингизни танқид қиладиларми? Сиз-чи? Умуман, ўзаро ижодий муносабатларингиз қандай?

Қ.: — Йўқ, оддийгина яшаймиз, шекилли. Гул, булбул ҳақидаги суҳбатлар йўқ. "Аяси, кун совуқ бўляпти, бир мош-хўрда қил" ё "Дадаси, ишдан сўнг бозорга ўтиб, бир муздай қовун олиб келинг", тарзидаги жўн буйруқ-илтижолар ҳам.

Ижодий муносабатларга келсак, ёзганларимизни бир-биримизга кўрсатамиз. Мен фикр айтсам, Миразиз ака индамай эшитадилар, лекин ёзганларини, деярли ўзгартирмайдилар. Улар айтсалар, мен жириллайман. Бироқ, кўпинча, гапларида жон борлигини кейинроқ тан оламан, таҳрир қиламан.

Г. Н.: — Мана, жуфт атиргул ўстиряпсизлар. Ўғлингизни Нажот, қизингизни Орзу деб атагансизлар. Исм таилаганда нималарни ниёт қилгансизлар?

Қ.: — Орзунинг исмини ҳам, Пажотнинг исмини ҳам Миразиз ака кўйганлар. Мен Бибинур, Озодбахт, Бобур, Бобораҳим деган исмларни ўйлаганман.

Пиятиниз кўпникига ўхшаш, орзуни ўйлайлик, орзули милдат бўлайлик, яхши орауларимизга нажот ҳам бўлсин. Фақат биз эмас, фарзандини Болта, Теша деб атаган ўзбек ҳам "болам бировни болтадай, тешадай чопсин" демайди. Биз нек ниятли халқмиз.

Г.Н.: — Назаримда, шоирни шоир қиладиган нарса — огриқлар, айниқса, болалик огриқлари. Улар гўдак қалбини бошданок ярадор, ҳеч тузалимас ярадор қилиб қўяди. Болалик огриқларингизни билсак бўладими?

Қ.: — Болалик огриқларимнинг бири — дадам. Дадам кўз олдимда мудом кўпол фуфайка, кирза этикда, соч-соқоллари ўсман, озиб-тўзган ҳолда гавдаланади. Чунки мен дадамни турманинг маҳбуслари билан кўришув хонасида шу алфозда кўрардим. Дадамни доим соғиниб яшаганман. Мен ҳали унда дадамнинг ортиқча уруғлик бугдойни колхозчиларга янаги йил қайтариб бериш шарти билан берганлиги учун, яъни қонунни бузганлиги учун қамалганлигини билмасдим. Гуноҳсиз гуноҳкор эканлигини билмасдим. Балки эрксизликка, ҳар қандай панжараларга нафрат менда ўша пайтдан бошлангандир... Дадам турмадан қайтиб келгач, 4 ойгина умр кўрдилар, юрак хасталиги билан вафот этдилар. Яна бир огригим — онам.

Гулчеҳра опа, мен худди бола бўлмаганга ўхшайман, бола бўлганим, ўйинчоқ ўйнаганимни эслай олмайман.

Дадамнинг вафотидан сўнг икки амаким, икки тоғам, иккита энам, биз беш бола — онамнинг қарамоғида қолганмиз. Онам эртадан кечгача мактабда ишлардилар, икки смнадан дарс берардилар. Тоға, амакиларим — ўсмир болалар эди. Хуллас, онам ҳам эркак, ҳам аёл эди. Онамнинг аёлларга ўхшаб қиш кунлари октябрўяга чиқиб қўшнилар билан чақчақлашиб ўтиришларини хоҳлардим, ҳеч бўлмаса ухлагани ётганда, биз билан гапиришишларини орзу қилардим. Онамнинг эса бизга топшириқлар бериб, кечкурун ҳисобот олгани зўрга вақт етарди.

Онам мен билан худди катта одамлардек гаплашарди. Ўша кунларни эсласам ҳозир ҳам онамни қучоқлаб йиғлагим келади. "Аёл заифлиги билан қудратли бўлмоғи керак, эркаклар ҳимоя учун яралган" деган тўхтамларимнинг асосида жафокаш, нақшлари қалбида қолиб кетган, умри заҳматларга соврулган онаизорим туради. Тангрига шукур, улар ҳаётлар, неварачеваралари қуршовида. Бир тасаллим — шу.

Яна бир огригим — уйим... Ёмғир ёғса шовуллаб кетарди. Полсиз уйимизда қатор чуқурчалар қазиб қўярдик. Энам, белларини катта фўта билан боғлаб, мункайиб чуқурдаги сувни менга олиб берарди. Мен челақча билан кўчага гиз-гиз чопардим. ...Ҳозир гапирянамун оёқларимга нам ўтиб кетгандай... Хуллас, болалик огриқларим ҳалиям ўзим билан бирга...

Г.Н.: — Шеърларингизнинг бирида болаларингиз ҳақида гапириб туриб:

#### *Шу иккита қоракўзимдан*

дейсиз. Сизнинг қалбингиз, халққа меҳрингиз улкан. Шундай катта қалб билан уйда ўтириб... кўп нарса йўқотмайсизми?

Қ.: — Гулчеҳра опа, олдин мен барча оқибатлар боисини ташқаридан излардим. Энди билсам, барча сабаб ўзимизда экан.

Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...

Ҳазратнинг бу ҳикматларини энди англаётгандайман. Бизнинг манглайимизга тақдир озодлик ёзди, ёзганга минг шукур.

Г.Н.: — "Шарқ юлдузи" жўрналининг 1992 йил 6-сонига босилган шеърларингиздан бирида шундай гап бор: сиз шундай аёлни соғинасизки, сочи — миллатнинг байроғи, кўзи миллатнинг қўш маёғи, юзи — миллатнинг бир меҳроби, ўзи — миллатнинг бор мулки... Тасаввурингиздаги аёл ким?

Қ.: — Шеърнинг давомини ўқисам, балки саволингизга жавоб чиқар:

*Шу аёлни истайман  
Танигандан тузумни.  
Асли ўзим излайман  
Йўқотилган ўзимни...*

Г.Н.: — Эшитишимча, Францияда "Бешлик" деб аталган гуруҳ бўлган экан. Беш ёзувчи маълум пайтларда учрашиб, бир-бирига олдиндан тарқатилган қўлёзмаларини "гўштмайдалагичдан ўтказишар", мақтов деярли бўлмас экан. Кейинчалик бешовлари дунё таниган машҳур ёзувчилар бўлиб кетибди. Сиз ўз атрофингизда шундай "бешлик"ка эҳтиёж сезасизми? Сезсангиз, ижодкор аёллардан кимлар сиз учун "бешлик" бўлиши мумкин?

Қ.: — Йўқ, менинг дунёмни биров гўштмайдалагичдан ўтказишларини истамайман. Фикр айтишсин, марҳамат. Фикрни қабул қилиш-қилмаслик менинг ихтиёримда. Мен ҳам дунёмни шеър сувратида тақдим этаман.

Г.Н.: — Мен учун аввалги шеърларингиз тезда қалбга бориб тегадиган бўлса, сўнгилари образлари жуда тирбанд, ҳавоси кам, тушуниш учун икки-уч бор ўқиш керак бўладигандай туюлади. Ўзингизга-чи?

Қ.: — Адабиётда "полифонист шоирлар" деган атама бор. Бу шаклан Ғарб атамасига ўхшаса-да, мазмунан, асосан, Шарқ шоирларига тегишли. Мен кўп маъноли, кўп оҳангли шеърятга интиламан. Кейинги туркумларимни шу интилиш билан изоҳлайман.

Г.Н.: — Суҳбатимиз охирляпти. Гайриоддий саволлардан яна иккита-учтаси. Намоз ўқийсизми?

Қ.: — Ҳа...

Г.Н.: — Кун тартибингиз қандай?

Қ.: — Байрам, дам олиш кунларим болаларим, уйинки. Бегим кунлари соат 11 дан 4 гача ўзим билан ўзим қолишга ҳаракат қиламан. Мутолаа, ёзиш-чиқиш шу вақтнинг ичида. Умуман, мен жуда интизомли одам эмасман.

Г.Н.: — 1992 йилда сиз ўқиган ва эсингизда қолган шеърлар қайси ва кимларники?..

Қ.: — Ўтган йилда кўп яхши шеърлар ўқидим, эшитдим. Лекин биласизми, рўйхатларни ёмон кўраман. Жонсиз нарсага ўхшайди шу рўйхатлар... Ундан кўра мана ҳозиргидай бир имкон бўлса, телевизорда, радиода... яхши кўрган шеърларимни эгасига маза қилиб ўқиб берсам... Гулчеҳра опа, мана сиз, Ёзувчилар уюшмасида котибасиз. Ойнаи жаҳонда "мен севган шоир"га ўхшаган бирорга кўрсатув ташкил бўлишига ёрдам берсангиз-чи...

Г.Н.: — Ҳозир нималар устида ишлаяпсиз?

Қ.: — Ҳозирча фақат ўз ўйларим билан бандман.

Г.Н.: — Сизга самимий суҳбатингиз учун ташаккур ўрнида бир шеър тутқазмоқчиман:

Қ У Т Л И Б Е К А га

Сойлар фақат сойга интилар,  
Шоирларнинг баҳсида шоир...  
Юрагимни маҳзун тун тилар  
Шеърга доир, у сизга доир.  
Мен биламан: тун ҳақида сиз  
Ёзмагансиз ҳали бирон шеър.  
Лекин ҳар сўз, қараш, товшингиз  
Оппоқ хаёл, кенг тугёнларни  
Қаро тундан тортиб олгансиз.  
Ушоққина вужудингизга  
Улкан юкни ортиб олгансиз.  
Сиёҳ тунлар кемирса ичдан,  
Сизни эслаб ёришар кўнглим,  
Оппоққина яралган синглим...

Қ.: — Гулчеҳра опа, тангри бир гарибнинг кўнглини олган одамга албатта, мукофот атар экан. Сизга шеър учун фақат ташаккур айтиб, қолган ҳақингизни ҳақдан тилайман.

## "Сенинг гўшангга менинг илтижоларим етиб бормайди"

... , сен жуда юксакдасан, осмондаги булутдан ҳам, дунёдаги энг баланд нарсадан ҳам баланддасан. Сен сирли бир оламга яширингансан, васлингга етмогим душвор, чунки сен илоҳий малойикага ўхшайсан, сен макон тутган гўшага менинг илтижоларим етиб бормайди.

Менинг фикри-ёдим ҳамиша сен билан банд... Кўм-кўк майса қоплаган қирларнинг дол бўлиб турган ён-бағирлари ёдингдами? Намхуш шамол кўзгалиши билан биз варрак учришга тушардик. Шамол ипни тортқилаганча, варракни борган сайин юқорилатиб олиб кетарди, сен қўлингдаги ип ўрама айланган сайин ўзингни қир устида эмас, варрак билан бирга юксак-юксакларда парвоз этаётгандек ҳис этар, пастда қолган қишлоқдан келаётган турли-туман овозларни илғамас, улар қулогингга элас-элас чалинарди.

Биз юзимизга урилайётган шамолдан энтикиб кулардик. У бизни битта нуқтага қарашга мажбур этар, шу зайил нигоҳларимиз омухта бўлиб кетарди, ...

Буларнинг бари хотира... эслаб туриб кўнглим таскин топадиган саодатли хотира! О, афсус, шундай. Сенинг мендан-да узилиб, олисларга бош олиб кетганингни ўйласам, бағрим пора-пора бўлади...

Кетган кунинг энди сени қайтиб кўрмаслигимни ҳис этгандим. Сен осмонни қирмизи рангга бўяган кечки шафақнинг нурларига чулганганча, уфқ бағрига сингиб борардинг. Юзинг табассумдан ёришиб кетганди.

"Бу қишлоқни фақат сен учун яхши кўраман, лекин бошқа ҳамма нарсаси", ҳатто шу ерда тугилганим учун ҳам ундан нафратланаман", дея ўзинг ижирганиб тез-тез тилга оладиган гўшангдан тобора узоқлашиб борардинг. Мен изингдан қараб туриб: "Энди у қайтиб келмайди", дея кўнглимдан кечирдим. Бу фикр миямга маҳкам ўрнашиб олди: "...Энди қайтиб келмайди. Ҳеч қачон, ҳеч қачон..."

Сенинг қайтиб келишингни ўттиз йил кутдим, ... Муродим ҳосил бўладиган сонияга зориқиб кўз тикдим. Менга бундан бўлак ҳеч нарса керак эмасди. Мен одамзот боласи орзу қилиши ва етиши мумкин бўлган нарсадан ортиқ бирон нима тиламаган эдим. Уртамизда сенинг хоҳиш-иродангу менинг муродимдан бўлак ҳеч нарса бўлмайдиган кунларга етишни орзу қилгандим, ... Сенинг висолингга мушарраф бўлишдан ўзга умидим йўқ эди.

Отанга неча марта "бу ерга қайтиб келиб яшанглар", деб ўттидим. Унинг кўмагига муҳтож эканимни айтиб, ишонтирмоқчи бўлдим. Унга ишбошқарувчилик лавозимини ҳам таклиф этдим. Ҳатто алдаб-сулдаб қайтариб келмоқчи ҳам бўлдим. Сен билан бирга бўлиш учун қўлимдан нимаики келса, ҳаммасини қилишга тайёр эдим. Бироқ, уринишларим зое кетаверди. Жўнатган одамим ҳар сафар: "Жавобини кутманг. Бу гал ҳам хатингизни олди-ю, ўқимай туриб, йиртиб ташлади", деб эди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, ўша хабарчимдан турмушга чиққанингни, бироқ кўп ўтмай бева қолиб, яна отангникига қайтиб келганингни эшитдим.

Хабарчим яна шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, сизларни излашга тушди. Аммо у ҳар гал менинг юрагимни ўртовчи бир гап топиб келарди: "Уни илгари яшашган жойидан тополмадим. Биров у ёққа кетган деса, биров бу ёққа кетган, дейди".

"Қидириб топ, — деб тайинлардим унга. — Уларни ернинг остидан бўлса ҳам топиб келасан. Харажатнинг ташвишини қилма".

Ниҳоят, бир кун у сенинг хабарингни топиб келди.

"Бутун тоғ-тошларни изгиб чиқдим, — деди у. — Мен бош суқмаган қавак қолмади десам ҳам бўлади. Охири топдим. Кишининг эс-хаёлига келмайдиган жойга бориб олишган экан. Тогдаги эски кон бор-ку, уларни ўша ердан топсам-а".

Худди ўша кунларда теварак-атрофга ҳар хил ваҳимали овозалар тарқалди. Қаердадир шу яқин жойда аллақандай кўзгалончиларнинг изгиб юргани ҳақидаги гаплар одамлар оғзидан тушмасди. Бундай гаплар бизнинг ҳам қулоғимизга чалиниб қоларди. Отангни ташвишга солиб, бу ерга кўчиб келишга мажбур қилган нарса мана шу исёнчилар тўдаси ҳақидаги овозалар эди. Менга йўлланган хатида эса у ўзидан эмас, сендан хавотирдалигини, бундай нотинч кунларда ўрмоннинг овлоқ бурчагидан кўра одамлар орасида яшаш яхшилигини ўйлаб ...га кўчиб келмоқчилигини ёзган эди. Бу хушхабарни эшитиб, қувончдан ўзимни аршга чиқиб кетгандек ҳис этдим. Шу заҳоти отга миниб, истиқболингга пешвоз чиқишга тайёр эдим. Сен хурсанд бўлишинг, ўзингни бахтиёр ҳис этишинг учун нимаики зарур бўлса, ҳамма-ҳаммасини бажо келтиришга рози эдим. Шодликдан кўзларимдан дувиллаб ёш қуйилди. Ниҳоят, сен қайтиб келаётганингни эшитиб, қувончдан йиғлаб ҳам олдим, ...

### Ҳурматли жўрналхон!

Эҳтирос ила битилган ушбу муҳаббат номасининг муаллифи ким эканини топишни тагин сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётиримиз. Биз сизга кўмак маъносида муаллиф тўғрисида қуйидагиларни маълум қилишимиз мумкин: У бутун ижоди давомида битта қисса ёзган ва шу ягона асари билан адабиётда ўзига гултож қўйган ёзувчидир. Яна у ҳақида Нобель мукофоти соҳиби Г.Маркес шундай деган: "...дан нега бошқа асар ёзмайсиз деб сўрашининг ўзи жиноят қилиш билан тенгдир!"

Хўш, ким экан у оламга машҳур ёзувчи? Жиндак фикр юритсангиз уни топиб олишингизга ишончимиз комил. Аниқ ва мукамал жавоб йўллаган муштарийларни, ваъда этганимиздек, мукофот кутади.

# "СЕНСИЗ, СЕНИНГ СЕВГИНГСИЗ ЖОНИМ ҲАЛОВАТ БИЛМАС..."

Муҳтарам жўрналхон!

Биз "Муҳаббатнома" рўкни остида бериб борилаётган муаллифи сир тутилган номаларни илк марта нашрга тайёрлаётиб, рости гап, буни ўқувчилар қандай қабул қилар экан, у мухлислар кўнглида қизиқиш уйғота олармикан, деган иштибоҳга борган эдик. Ахир, манави алғов-далғов кунлар ташвиши билан яшаётган кишилар қайсидир ёзувчининг кимгадир ёзган номасини излаб топишга ҳафсала қилишармикан, деган ўй бизнинг ҳам кўнглимиздан ўтган эди-да. Йўқ, биз янглишган эканмиз. Замон қандай қиёфага эврилмасин, барибир, одамлар қалбида муҳаббатга, гўзалликка бўлган иштиёқ ва талпиниш мангу яшайверар экан. Тахририятимизга сиз, азиз жўрналхонлардан келаётган мактублар ҳам бунинг ёрқин далилидир. Бизга ўз вақтларини аямай мактуб йўллашган жўрналхонларга ўз миннадорчилигимизни билдирамиз. Яна шунни қайд этиб ўтишни истаймизки, "Муҳаббатнома" рўкнига мактуб йўллашнинг эрта-кечи йўқ. Чунки барча мактублар, тахририятимизга келган вақтидан қатъи назар, ҳисобга олиб борилади ва йил якунида ғолиблар аниқланади. Муҳими, аниқ ва батафсил жавоб топишдир.

Ўтган сонда биз "Сенсиз, сенинг севгингсиз жоним ҳаловат билмас" сарлавҳаси остида нотаниш муҳаббат номасини эълон қилган ва унинг муаллифи ким эканини топишни сизнинг эътиборингизга ҳавола этгандик. Мана, шундан буён орадан бир ойча фурсат ўтпти. Энди сирни очиш пайти ҳам келди. Ушбу нотаниш муҳаббат номаси чилилик машҳур шоир Пабло Неруданинг қаламига мансуб бўлиб, у Альбертина исмли гўзал қизга йўлланган эди. Бу жавобни қуйидаги зийрак жўрналхонлар тўғри топишиб, мактуб орқали бизга йўллашибди:

Тошкент вилояти, Чиноз шаҳридан Гулсанам Жўрабоева, Қирғизистон вилояти, Ош шаҳридан Раҳим Бўрибоев, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидан Рашид Пўлатов.

Ғолибларни мукофот билан табриклаймиз!

Энди биз Пабло Неруданинг гўзал Альбертинага йўлланган мактублари тўғрисида бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз. Зеро, бу мактубларнинг гаройиб тарихи борки, у сиз, азиз жўрналхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Қисқаси, Пабло Неруда болалик пайтидан мактуб ёзишга, айниқса, ишқий мактублар ёзишга жуда иштиёқ балид бўлган. У ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Тереса исмли қизга ошиқ бўлиб қолади ва шу ишқ таъсирида ёниб, қизга узлуксиз мактублар ёзади. Кишини ҳайратга соладиган томони шундаки, бўлғуси шоир учун Тересага мактуб ёзишга деярли ҳеч қандай ҳожат бўлмайди. Боиси, улар шундоқ ёнма-ён ҳовлида туришар ва ҳар кун бирга мактабга қатнашар эди. Бироқ, бунга қарамай Пабло ўз муҳаббатини оқ қоғозга тўкиб, узун тунлар Тереса таърифига жозибали сўзлар айтиб, мактуб битиш билан машғул бўлади. Тереса болаликнинг ўзи каби содда ва бегубор бу мактубларни узоқ йиллар кўз қорачигидек асраб юради. Аммо кейинчалик қайси бир сабабга кўра мактублар йўқолиб кетади. Шу баробарида, шоирнинг муҳаббати ҳам Тересага абадий боғланиб қолмайди. У туғилган юртини тарк этиб, Сантьяго шаҳрига ўқишга келгач, Тересани тамоман унутди ва шу ерда гўзал Альбертина билан танишади. Бу шунчаки дўстона танишув эмасди. Ким билади, эҳтимол Альбертинага бу танишув шундай туюлган бўлиши мумкин. Аммо энди баалоғат ёшига етган, кўнгли бир қадар ҳавойи орзу-ҳаваслар билан тўлиб-тошган Пабло Неруда жануб қуёшидан нур олиб ўсган бу мафтункор қизнинг ҳусни-жамолига аллақачон маҳлиё бўлиб қолган, уззу кун унинг ёду хаёли билан яшаётганди.

Бахтга қарши, кутилмаганда ташриф буюрган бу муҳаббат кейинчалик шоир кўп азобларни бошидан кечиришига сабаб бўлди. Уларнинг танишуvidан сўнг орадан бир йил ўтгач, Альбертина ўқишни Консеньон шаҳридаги дорилфунунда давом эттириш мақсадида Сантьягони тарк этади. Икки шаҳар ўртасидаги масофа кўз илғагулик даражада яқин эмас, беш юз километр эди. Гўзал Альбертинасиз ҳаётни бир лаҳза ҳам тасаввур эта олмайдиган аҳволга тушган шоир чорасиз қолди. Унинг яқкаю ёлғиз таянчи мактуб ёзиш, юрагида жўш урган муҳаббат туйғуларини шунга тўкиб солиш эди. Ва у шундай ҳам қилди: Альбертинанинг ортидан шоирнинг қалби акс этган мактублар Консеньон шаҳрига бирин-кетин оқиб кела бошлади. Шоирнинг мактублари шеърлари янглиг мафтункор сўзлардан тизилар, у ҳар бир номасида севгилисига янги-янги исмлар топиб, уни хаёлан эрқалар, дилномаси битилган саҳифани эса турли хил суратлар билан безарди. Мактублар ҳам ҳар хил сиёҳларда ёзиларди. Кейинчалик шу ҳол маълум бўлдики, шоир мактубларининг аксарият қисми яшил сиёҳда битилган экан. Ва яна шу нарса кишининг диққатини ўзига тортадики, шоир ҳар бир мактубида Альбертинадан ёнига келишини, турмуш қуриб, бахтли яшашларини ёлвориб сўрар эди.

Шоир қанча илтижо қилмасин, ялиниб-ёлвормасин, бари бир, тақдир аллақачон ўз ҳукмини чиқариб қўйганди. Қисмат худди масхаралангандек, уларни икки қирғоққа абадий улоқтириб ташлаган, бу аччиқ ҳукмини ўзгартира оладиган биронта қодир куч йўқ эди оламда. Бироқ, шоир узоқ йиллар қисматнинг бу ҳукмини ўжарлик билан тан олмай келди. Ўн беш йил давомида гўзал Альбертинага узлуксиз мактублар ёзади.

Қизиқ жиҳати шундаки, у ёзган мактубларига деярли жавоб олмас, унинг мактублари сувга ташланган тошдек изсиз кетарди. Баъзан онда-сонда келган жавоблар ҳам капалак қанотидек кичкина қоғозга битилган бўлиб, унда уч-тўрт оғиз қуруқ сўзлар акс этарди. У бир шеърда бунга ишора қилиб, шундай деб ёзган эди: Сенинг ёнимда йўқдек сукут сақлашингни-да севман...

Альбертина... У ўз номига зориқиб битилган мактубларни узлуксиз олиб турса-да, негадир сукут сақларди... Унинг бу сирли сукути ўн беш йилга чўзилди. Чилилик Пабло Неруданинг ихлосмандлари Альбертина шоир мактубларига нега сукут билан жавоб қайтарганини бугун турли хил изоҳлашади. Шундай ихлосмандларнинг аксарият қисми, Альбертинанинг шоирга кўнгли бўлмаган, шу боис унинг мактубларига жавоб ёзиб, умидвор қилишдан қўрққан, деган фикр айтишади. Баъзилар эса, Альбертина мактуб битишни жини суймайдиган аёллар тоифасидан бўлган, дейишади.

Хуллас, охир-оқибат тақдирнинг ҳукми ҳақ бўлиб чиқди: шоир 1933 йил Ботавин шаҳрида голландиялик катта мулк эгасининг қизи Марии Антониете Ахенаарга уйланди. Гўзал Альбертина эса анча кейин — 1935 йилда Пабло Неруданинг қадрдон дўсти шоир Анхеля Кручагуга турмушга чиқишга розилик берди.

Бироқ, шу билан ҳамма-ҳаммаси барҳам топгани йўқ. Кимки нима деб талқин этмасин, бари бир, гўзал Альбертинанинг кўнгли тубида шоирга нисбатан пинҳон муҳаббат туйғуси йўқ эмасди. Бу фикрни бир ҳол тўла-тўқис исботлаши мумкин: Альбертина шоирнинг қарийб ўн беш йил мобайнида ёниб ёзган мактубларини то умрининг сўнги дақиқаларигача — у саксон ёшдан ортқ умр кўрган — гард ҳам юқтирмай асраб-авайлаб келди. Фақат ўшанда шоир мактубларига нега сукут билан жавоб қайтаргани бу дунёда сирлигича қолиб кетди...



## ТИБЕТ МАРҲУМЛАР КИТОБИ

Шу қарорда мустақкам туриб, ўзинг умр бўйи бажариб келган диний урф-удумларни эслашга ҳаракат қил.

Ушбу сўзларни айта туриб, ваъзон лабларини қазо қилаётган кишининг қулогига жуда яқин келтириши ва сўзларни аниқ-равшан такрорлаши лозимки, унинг айтганлари қазо қилаётган кишининг онгига аниқ-тиниқ етиб бориши, ақлнинг бирор-бир лаҳзага чалғишига йўл қўймаслиги керак.

Нафас олиш буткул тўхтагач, қизил қон томири — уйқу артериясини сиқ; агар жон бераётган лама ёки сендан кўра аслзодароқ ва ё ўқимишли киши бўлса, қуйидаги сўзларни айт:

"Ҳурматли жаноб, энди, қачонки сиз Азалий Соф Ёгдуни кузатаркансиз, ўзингиз аини пайтда ҳозир бўлиб турган шу оламда қолишга урининг".

Бошқа оддий одамларга келганда эса, ваъзон бундайларнинг Воқелик билан учрашувини шундай уқтирмоғи жоиз:

"Эй, олийҳиммат (исм-шарифи), тингла! Ҳозир сен Комил Воқелик Соф Нурининг Ёгдусини кузатасан. Уни англаб ет. Эй, олийҳиммат, сенинг ақлинг бўм-бўш, у ҳар ландай шаклу шамойилдан, хоссаю хусусиятдан, белгидан, ранг-тусдан ҳоли; у бўм-бўш — бу Воқеликнинг аини ўзи, бу Буюк Муруватдир."

Сенинг ақлинг бўм-бўш, бироқ бу йўқлик эмас, балки ақлнинг асли, аини ўзи — озо, титраб турувчи, масъуд; бу Онгнинг ўзгинаси, Буюк Муруватли буддадир.

Сенинг ҳар қандай шакл-шамойилдан холи ва чиндан бўм-бўш онгинг ва сенинг порлоқ ҳам масъуд ақлинг — ҳар иккаласи ажралмас. Уларнинг бирлиги Мукамал Ёришиқ (онгинг очилиши) Дхарма Кайасидир.

Сенинг порлоқ, бўм-бўш онгинг Буюк Ёгду Манбаидан ажралмасдир; у тугилмайди ва қазо қилмайди, у — Сўнмас Ёгду, Будда Амитаба.

Шу билимнинг ўзи етарли. Сенинг онгингнинг бўм-бўшлиги Будда ҳолати эканини англаб ва унга ўзингнинг шахсий онгинг, деб қараб сен Илоҳий Ақл ҳолатига, Буддага етишасан.

Бу сўзларни уч бор ёки етти марта такрорла. Биринчидан, бу сўзлар қазо

қилаётган кишининг онгига ҳаёт пайти гурудан Воқелик билан учрашув ҳақида олган ваъз-насиҳатларини тиклайди; иккинчидан, онгинг бўм-бўш қаватларида Соф Ёгдуни кўришга кўмаклашади; ва ниҳоят, шу тариқа қазо қилаётган киши ўзини идроклаб, Дхарма-Кайа билан абадқиятга бирикади ва Озодликка эришади".

Шу тариқа азалий Соф Ёгдуни пайқаш мумкин ва Озодликка шу зайл эришилади. Мабодо хавф тугилса, яъни азалий Соф Ёгдуни пайқаш имкони бўлмаса, у ҳолда марҳум қаршида эҳтимол иккиламчи Соф Ёгду пайдо бўлади: Ёгду нафас олиш тўхтагандан сўнг, овқатланиб олиш учун кетадиган вақтдан кўра сал ошқироқ вақт ўтиши билан пайдо бўлади.

Яхши ёки ёмон кармага мувофиқ тарзда марҳумнинг тириклик қуввати ўнг ёки чап асабига ўтади ва танадаги бирор-бир тешик орқали чиқиб кетади. Шундан сўнг онгнинг очилиши (ёришиш) бошланади.

Азалий Соф Ёгдуни кузатишнинг давомийлиги тахминан овқатланиб олиш учун кетадиган вақтга тенг ва бу марҳумнинг асаб системасига, шунингдек, унинг тириклик пайтида Воқелик билан учрашиш тажрибасидан хабардорлигига боғлиқ.

Онг оқими танани тарк этгандан сўнг марҳум ўзидан: "Мен тирикманми ёки ўликманми?" деб сўрайди ва бу саволига жавоб бера олмайди. У туғишганларини ва яқинларини аввал кўргандай кўради, уларнинг йигисини эшитилади. Ваҳимали кармавий шарпалар ҳали пайдо бўлмайди; Улим Илоҳлари билан боғлиқ даҳшатли кечинмалар ҳам ҳали кўринмайди.

Мана шу оралик муддатда лама ёки ваъзон қуйидаги ваъз-насиҳатларни ўқини керак.

Таълимотнинг комил издошлари бор ва ҳали кузатувчилик босқичидаги мухлислари бор. Агар марҳум комиллардан бўлса, уч марта номини айтиб қақир ва Соф Ёгду билан учрашиш ҳақидаги ваъз-насиҳатни такрорла. Агар марҳум кузатувчилик босқичидаги мухлислардан бўлса, у ҳолда унга муқаддимани ва унинг илоҳи-паноҳи ҳақидаги матини ўқи, кейин шундай деб айт:

"Эй, олийҳиммат, диққатингни ўзингнинг илоҳингга (бу ўринда ваъзхоқ бу илоҳнинг номини айтиши лозим) қарат. Чалғима. Ақлингни унга йўналтир, жам қил. У ҳақда шундай фикр қилки, гўё у мисоли ойнинг сувдаги акси, кўринади ва аини пайтда ўз-ўзича мавжуд эмас. У ҳақда шундай фикр қилки, гўё у жисмоний вужуддир".

Шу сўзларни айтиб, ваъзон уларни марҳумнинг онгига гавдалантиради.

Агар марҳум оддий кишилардан бўлса, унда шундай де:

"Буюк Раҳмдил Худо ҳақида ўйла".

Ушбу ваъз-насиҳатдан сўнг, ҳатто бошқа бировнинг ёрдамсиз Бардонни пайқай олмайди, деб ҳисобланган киши ҳам, шубҳасиз, уни англайди.

Тириклигида Воқелик билан учрашиш ҳақида гурудан ваъз-насиҳат олган, бироқ унга амал қилмаган киши ўз ҳолича Бардонни англай олмайди. Бундай одамга гуру ёки бирор-бир эътиқоддош биродари ақл киритмоғи лозим.

Шундай ҳам бўладикки, киши барча ваъз-насиҳатларни ўзлаштириб олади-ю, бироқ охири ўлим билан ниҳояланган огир кексалик оқибатида алдамчи хаёлларга қаршилиқ қилолмайди. Унинг учун ушбу ваъз-насиҳатлар гоятда зарур.

Тагин шундай ҳам бўладикки, насиҳатлардан яхшигина хабардор киши ақдини, удумларни буза бошлайди, бўйнидаги асосий мажбуриятларни бағирмай қўяди. Натижа мавжудликнинг тубан оламларига тушиб кетиш эҳтимолни унга хавф солади. Бундай киши учун ҳам ушбу ваъз-насиҳатлар зарур.

Яхшиси Бардонинг биринчи босқичидан фойдаланган маъқул. Агар бунга уддалаб бўлмаса, унда Бардонинг иккинчи босқичида турган марҳумга ваъз-насиҳатлар аниқ қилиб такрорланса, бу унинг ақлини уйғотади ва Озодликка эришилади.

Бардонинг иккинчи босқичида марҳум ёгду таратувчи хаёлий танага эга бўлади.

Ўликми ёки тириклигини билмай, марҳум онгининг тиниқлигига эришади. Агар бу ҳолатда турган

марҳумга ўқилган ваъз-насиҳатлар ижобий бўлса, у ҳолда унинг Воқелик-Она ва Волелик-Гўдак билан учрашуви юз беради, 20 улар кармалар таъсирини йўқотади. Куёш нурлари зулматни ҳайдагани каби Соф Ёғду кармани куч-қувватдан айиради.

Рухий тана Бардо иккинчи босқичи, деб аталадиган оламга кирди. Англочви ўзининг фаолияти амалга ошган доираларга яқинлашади.

1. "Ўлиш санъати ҳақида китоб"дан олинган қуйидаги парчани қиёсланг: "Агар жон таслим қилаётган кишига фавқулодда ўлим хавф солмаса, унда мушоҳадага берилиш учун фурсат ва шароит бўлса, у ҳолда ёнида турган киши унга тириклигида яхши кўрган диний ривоятлар ва дуолардан ўқиб берсин".

2. Санскритча Дхарма-Дату Саманта-Бхадра — Дхарма-Кайя мужассами. Буддаларнинг биринчи ҳолати. Қўлёзмада Буюк Муруват ўрнига "Буюк Муруватли Отадан" — "Буюк Муруватли Онага" тарзида ёзилган. Ота — бу бўлган ҳодиса, яъни феноменлар (феномен — фақат онгда бўлиб, объектив воқеликни акс эттирмайдиган субъектив ҳодиса); Она — феноменлар англайдиган ҳодиса. Ота — бу роҳат-фароғат; Она — уни қабул қиладиган бўшлиқ; Ота — Ёғду, Она — уни ўзига сингдирадиган Бўшлиқ; бу китоб матнида Ота — Ақл, Она — Бўшлиқ. "Бўшлиқ" сўзининг такрорланиши ақлнинг ҳақиқатан ҳам бўм-бўшлигини (бўм-бўшлик табнатиға эгаллигини) таъкидлайди, яъни туғилмаган, яратилмаган, ҳар қандай шакл-шамойилдан холи, азалий.

3. Тибетча "ригпа" — "онг", билиш қобилиятидан фарқли ўлароқ у шунинг ёрдамида ўзини англайди. Одатда "ригпа" ва "шериг" — маънодош сўзлар, бироқ Бардо Тёдолдай теран фалсафий китобда "ригпа" онгининг (яъни самовий онгининг) нисбатан мусаффо ва руҳий йўсинини англатади, "шериг" эса онгининг нисбатан дағал, мутлақо руҳий бўлмаган йўсида феноменларни идроклашини уқтиради.

Бардо Тёдолнинг бу қисмида, яъни онг ёки ақлнинг психологик тахлили фавқулодда теран кечадиган қисмда биз "ригпа"ни — "онг" деб, "шериг"ни — "ақл" ёхуд китобнинг айни шу парчасидан келиб чиқиб "ригпа" — "онг", "шериг" — "феноменларни идроклаш" деб айтамеиз, зеро, бу "ақл"нинг айни ўзи.

4. Санскритча саманта ("ҳаммаси", "умумий", "мукаммал") Бхадра (хушбахт, бобарака). Бундай ҳолатда кузатиб мушоҳада юритувчи кузатилаётгандан ажралмасдир, бу худди сарғиш тусни олтидан, шўр таъмини туздан айрича тасаввур этиб бўлмайдиандай гап. Оддий инсон ақли учун бу тушуниб бўлмайдиған, юксак трансцендент (билиб бўлмайдиған) ҳолатдир.

5. Ригпа ва шериг атмалари билан номланган, Муруватли Ота ва Она дея тимсоллаштирилган ақл ва онг яхлитлигидан Дхарма-Кайя ("Ҳақиқат Вужуди"), Мукаммал Ёришиш (онгининг очилиши), Будда ҳолати юзага келади. Дхарма-Кайя — самовий мавжудликнинг ўта соф ва юксак ҳолати, самовий онг; у бирламчи онгининг материя билан алоқаси натижасида юз берадиган барча ақлий чекланганлик ва мавҳумликлардан холи.

6. Будда Саманта-Бхадра Муруватли санадганидек, Будда Амитаба Ниҳосиз Ёғдудир; китоб матнида

кўрсатилдишича, ҳар иккала ҳол шировард натижада бир ҳолатдир, фақат улар турли йўсинларда кузатилади. Биринчисида Муруватли Ақл таъкидланса, иккинчисида Ҳаёт ва Ёғду манбаи Будда Амитаба (Донолик ифодаси тарзида) тимсоллаштирилган.

7. Тибетча — "фикрлар", "ақл"; кўтаринки услубда — "Илоҳий ақл".

8. Сансаралар эмас деб аталувчи ҳолатни, яъни Бўшлиқ, Пайдо бўлмаганлик, Туғилмаганлик, Яралмаганлик ва шакл-шамойилсизликка эришиш буддалар ҳолатига, мукаммал ёришиш (онгининг очилиши) — Буддаларнинг Илоҳий Ақл ҳолатига етишишини англатади. Буни хитойча изоҳда берилган Олмос Сутрадан олинган парчага қиёсланг: "Воқеликнинг ҳар қандай шаклу шамойили ва сифати — ўткинчи ва ҳақиқатдан йироқдир. Қачонки ақл ҳаётий ҳодисаларнинг ҳаққоний эмаслигини тушунса, билса, шундангина Будда етишиш мумкин". Изоҳ: "Рухий Будда бизнинг ақлимиз ботинида ўрнашган бўлиши керак, акс ҳолда Буддага ҳаққоний тарзда етишиб бўлмайди".

9. Агар марҳум бу ҳолат билан тириклик пайтида ўзи шугулланган руҳий (йог) машқлари боис таниш бўлса, агар у ҳал этувчи лаҳзада будда ҳолатига эришишга қобил бўлса, қайта Туғилиш Чархпалаги айланшидан тўхтайдиган ва зудлик билан Озодликка эришади. Бироқ бундай руҳий санъат соҳиблари ниҳоятда кам учрайди; одатда, қазо қилаётган кишининг онгли иқтидори Соф Ёғду порлаб турган доирада сақланиб туришга етмайди ва оқибатда Бардонинг қўйи доираларига тушиб кетиш — муттасил таназул бошланади, бу жараён эса янгидан туғилиш билан якунланади. Ламалар бундан ипидан сидрилиб тушаётган игнага ўхшатади. Мувозанатни сақлаганда игна ипда туради, бироқ кейин тортилиш кучи таъсирида ипидан сидрилиб пастга тушади. Худди шундай, қазо қилаётган кишининг онги бир лаҳза Соф Ёғду доирасида мутлақо мувозий ва яхлит ҳолатга келади. Бироқ бундай жазава-ҳаяжонли ҳолат оддий одам учун кутилмаган ҳолатки, унинг онги бу ҳолатда ҳаракат қилишга ноқобил. Кармавий мойилликлар онгни ўзининг шахси, индивидуаллик, дуализм ҳақидаги фикрлар билан чулбаб ташлайди ва онг олими мувозанатни йўқотиб, Соф Ёғду доирасидан тушиб кетади. Айни ўзининг "мен"и ҳақидаги, ўзлиги ҳақидаги ўй-фикрлар Нирвана-ларга ("худбинлик майллари алангасини ўчирадиган") эришишга тўсқинлик қилади — ўлим ва туғилиш чархпалагининг айланishi давом этади.

10. Тириклик қуввати ўрта асабга ўтган заҳоти Қазо қилаётган киши Соф Ёғдуни мусаффолигича кўради — бу ёрқин, порлоқ Дхарма-Кайядир. Агар кишининг ўзини айни шу доирада, айни шу ҳолатда сақлаб туришга қурбон етмаса, унда бардонинг қўйи доираларига чўмади, бу доираларда хира торган Дхарма-Кайяга кармавий кўланкалар тушади.

11. Тибетча шеп — "ақл". Матн таржimoni қуйидаги изоҳни келтиради: "Киндик атрофидаги асаб марказидан чиққан тириклик қуввати ва бош мия доирасидан чиққан онг олими юрак доирасида чегараланган асаб марказида қўшилади ва қазо қилаётган кишида кучли жазава, ҳаяжон кўзаб, Брама тешиги орқали танани тарк этади. Шундан кейинги босқичда кўзаладиган жазава нисбатан кучсизроқ кечади.

Биринчи босқичда қазо қилаётган киши бирламчи Соф Ёғдуни кузатади, иккинчи босқичда — иккиламчи Соф Ёғдуни кузатади. Контокни биринчи марта ерга унганда у энг баланд нуқтага сакрайди, сўнгра контокнинг сакриси — тепага кўтарилиш даражаси тобора камайиб боради ва охири-оқибат сакрашдан тўхтаб, тинч ҳолатга келади. Ўлим лаҳзасида ҳам онг оқими шунга ўхшаш ҳолатни кечиради. Онг оқимининг танадан ажралиб чиққандаги илк руҳий парвози — энг юқориси; иккинчиси — ундан кўра қуйроқ; кармалар қуввати сарф бўлгач, онг ўлими тинчланади, она қорнига тушади ва янгидан туғилиш юз беради".

12. Сўзма-сўз "Ўлим Худоси"; бироқ бу ўринда кўпликда бериш ўрилли, ҳатто афзал.

13. "Мақбул ўлим ҳақида илм: китобидан олинган парчани қиёсланг: "Шундан сўнг у (қазо қилаётган) хаворийларга, шахидларга, кафорат берувчи ва айниқса, ўзи бошқалардан кўра устун деб ҳисоблаган авлиёларга илтижо қилмоғи керак".

14. Марҳумнинг паноҳи — унинг сеvimли илоҳи (тибетча идам). Одатда бу Будда ёки Бодисатвлардан бири, улардан нисбатан машҳури Ченрази.

15. Сўзма-сўз "Буюк Раҳмдил Ҳоким". Бу тибетча Ченрази ва санскритча Авалокитешварага маънодош.

16. Киши сувда сузишнинг таъриф-таъсифини батафсил эшитгану бироқ ҳеч қачон сузиб кўрмаган бўлиши мумкин. Агар уни сувга ташлашса суза олмаслигига ўзининг ишончи комил бўлади. Ўлимдан сўнг ўзини қандай тутишни назарий жиҳатдан билган, лекин ўз билимини йог тажрибалирида ҳеч қачон синаб кўрмаган кишида ҳам шундай ҳолат кечади: бундай одам онгининг давомийлигини сақлашга қодир эмас. Уни мавжудликнинг ўзгарган шарт-шароити тангитиб қўяди; агар фанода қолган гуру уни қўллашса ва тўғри йўлга йўллашса у олдида жилиш ва ўлим берган имкониятдан фойдаланишга муваффақ бўлмайди.

17. Тибетчаси "соф (ёғду таратувчи) ҳаёлий-самовий тана"; санскритчаси майя-рупа. Инсон танасининг эфир нусхаси, теософияда — "боқий оламдаги тана".

18. Онг оқимининг танадан ажралиши биланоқ психик тебраниш юзага келади, бу онгининг тинилиши билан алмашинади.

19. Санскритча Дарма-Матри-Путра — "Она ва Гўдак Воқелик" ("Ҳақиқат"). Ҳақиқат-Гўдак тирикликда теран медитация (хаёлга чўмиш, ўйчанлик) орқали англанади. Ҳақиқат-Она — Азалий ёки мустаҳкам Асосли Ҳақиқат — фақат ўлимдан кейин, Англочви Бардо чоғида мувозий ҳолатда турганда, яъни кармавий майллар фаоллашгунча англанади. Фотография суратга тушириладиган нарсага қанчалик алоқадор бўлса, Воқелик-Гўдак ҳам Воқелик-Онага шу қадар алоқадор.

20. Сўзма-сўз: "Карма онгини оча олмайди ҳам, бошларни бура олмайди ҳам" — бу от кармасига ўхшаб кетадиган қиёс, зеро, чавандоз отни юган билан бошқаради. Буюк Озодлик Тантрасида шунга ўхшаш жойи бор: "Ва жаҳолат зулматидан сўқир ва қилмишларининг чигал арқонларига ўралиб қолган нодон ва саводсиз кимса бу Буюк Тантрани тинглаб кармалар кишидан озод бўлади".

21. Сўзма-сўз: "Майлликлар вужуди", "руҳий тана".

# GUINNESS

"Гиннеснинг рекордлар китоби" — Ўзбекистонда! Машҳур китобдаги энг қизиқарли ва сара маълумотларни ўзида жам этган тўплам "Кўз — кўрмаган, қулоқ — эшитмаган..." дея номланади. У "Ёшлик" кутубхонаси" мажмуида нашрга тайёрланган ва чоп этилган. Китобни тарқатишни истаган ташкилотлар ҳамда ўртоқлар таҳририятга мурожаат қилишлари мумкин. "Ёшлик" нафақат сизнинг маънавий озиқ, балки даромад манбаингиз ҳамдир!

## "ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ..."

Одам эмас, ажалнинг уруғи

Швейцариянинг Граубунден шаҳрилик Мэри Маллон (аслиси Мария Анна Кадуфф, 1855 йилда туғилган) 1868 йил 11 январ куни номаълум сабабларга кўра АҚШга кўчиб келди ва Нью Йорк шаҳридаги ошхоналардан бирида ошпаз бўлиб ишлай бошлади. Бутун умри давомида у жами 53 бор шаҳар бўйлаб турли юқумли касалликлар тарқалишига сабабчи бўлди. Хусусан, у тарқатган даҳшатли юқумли касаллик оқибатида шаҳарнинг Итака мавзесида 1903 йили 1400 нафар одам қаттиқ хасталанди, уч киши эса оламдан кўз юмди. Халқ томонидан "Ажалнинг уруғи" деган ном олинди бу аёл 1915 йилдан то умрининг сўнгги дақиқаларига қадар Норт Базер оролидаги касалхонада сақланди. У 1938 йил 11 нўябрда зотилжам касаллигидан вафот этди.

Аёлингизнинг кўнглини ўкситманг

Аёлни одатда гулга қиёслашади. Гулдан ифорлироқ ва айниқса, нозикроқ хилқат, ўзингизга маълум, йўқ бу оламда. Нозиклик назокат талаб қилиши ҳам, ўйлаймизки, сир бўлмаса керак сизга. Сал қуюшқондан чиқдингизми — тамом... Днепро-

петровск вилоятидаги Могилёв қишлоғилик Надежда Артёмовна Лебедина (1920 йилда туғилган) 1954 йили эри иккови ўртасида чиққан жанжалдан сўнг... йўқ, онасиникига эмас, қаттиқ уйқуга кетди ва шу бўйи роппа-роса 20 йилдан сўнг — 1974 йилда уйғонди. Шифокорлар аёлни буткул соғлом деб топишди. Унинг бундай узоқ муддат уйқу ҳолатида бўлишига сабаб қилиб эса ўша жанжал оқибатида юзага келган асабий муҳитни кўрсатишди.

Чўчқача ахлоқ

Одатда ниманидир ўғирлаб еганида кишини ҳиқичоқ тутарди. АҚШнинг Айова штатидаги Энтон шаҳрилик Чарлз Осборн (1894 йилда туғилган) ҳеч нарса ўғирлаб емаган. бироқ, чамаси, ейишни ниёт қилган — олис 1922 йили чўчқа бўғизлаётган чоғида уни ҳиқичоқ тутган ва қарангки, ҳануз тўхтагани йўқ. Ҳатто шифокорлар ҳам уни тўхтатиш чорасини тополмай ҳайронлар. Осборнга эса бу худди заррача бўлсин аҳайятсиздек: икки марта уйланди, саккиз фарзанд, бир неча ўн набира кўрди. Фақат бир нарса чатоқ-да: узлуксиз ҳиқичоқ туфайли жағида ясама тишларини тутиб туролмайди сира. 1986 йилнинг июлида у минутига 20—25 бор ҳиқилларди. Бироқ бу нисбатан олиб қаралганда ҳолва — Осборннинг "шахсий" рекорди бу борада роппа-роса 40 тага тенг.



## Соғ бўлинг-э!

Буюк Британиянинг Першор шаҳрилик Донна Гриффитс (1969 йилда туғилган) исмли қиз 1981 йил 13 январ куни елвизак уриши натижасида қаттиқ бир чучкирди, кетидан яна, яна, яна... 1981 йилнинг 27 июлида у чучкириш бўйича аввалги — 194 кунга тенг рекордни ортда қолдирди. Биринчи йил, яъни илк 365 кун давомида Донна тахминан бир милёнга яқин маротаба чучкирди. Фақат 978-чи кун — 1983 йилнинг 16 сентябрига келибгина у бирор марта ҳам чучкирмади.

## Қонун кучлими ёки... хуррак?

1987 йил 3 нўябр куни кечқурун Канаданинг Ванкувер дорилфунуни тиббиёт факултети биносида ажабтовур бир тажриба ўтказилди. Канаданинг Ричмонд шаҳрилик Марк Томпсон Хеббард (1947 йилда туғилган) уйқуга ётқизибли, унинг боши узра 60 сантиметр баландликда овоз даражасини ўлчовчи махсус мослама ўрнатилди. Хеббард уйқуга кетди ва зум ўтмай хуррак товуши оламни тутди, овоз даражасини ўлчовчи мослама эса 90 детсibelни кўрсатди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, Хеббард уйқуси давомида отувчи хурракнинг ўртача "янгроқлиги" 85 детсibelга тенгдир. Қонун бўйича эса Ванкувер шаҳрида қатновчи транспорт воситаларининг шовқини 80 детсibelдан ошмаслиги шарт. Айни чоқда Хеббард ўзининг Ванкувер шаҳрида истиқомат қилишга ҳақли ёки ҳақли эмаслигини аниқлаш билан банд.

## Олов билан ўйнашманг

"Оташнафас инсон" деган ибора баайни Буюк Британия фуқароси Рег Моррис ҳақида айтилгандек. 1986 йилнинг 29 ўктябрида у Чейстаун шаҳрида оғзидан узунлиги 9,4 метрли оловни пуфлаб чиқарди. Орадан икки йилча ўтиб, 1988 йилнинг 25 июнида эса Моррис икки соат давомида 22 888 дона машъалани оғзига суқиб ўчирди. Бу Буюк Британиянинг Уолсалл шаҳридаги Йўутри

мактабида содир бўлди. Аёллар ўртасидаги худди шундай рекорд эса австралиялик Сипра Эллен Ллойдга тегишли. 1986 йил 26 июл куни у Порт Лонсдейл шаҳрида 8357 дона машъалани оғзига суқиб ўчира билган.

Рекорд рекорд билан-ку, аммо Моррис ҳамда Эллен Ллойдларнинг натижасини забт этишга ҳаракат қилиб ўтирманг тагин. Огоҳ бўлинг: олов билан ўйнашиш, хусусан, уни оғзига суқиш ҳаёт учун хавфлидир.

## "Нафсим ўлгур балодир..."

Руҳий хасталикнинг антиқа тури билан бетоб канадалик Х. хоним воқеаси айниқса қизиқ. Унинг одати нимаики буюм учраса, дарров оғзига тиқиб ютиш бўлган. 42 ёшида аёл қорни тинимсиз санчиб оғришидан нолиган. 1927 йилнинг июн ойида Онтарио шаҳрида Чок ва Фукар исмли жарроҳлар томонидан аёлнинг қорни ёриб кўрилган. Ошқозонидан жами 2533 дона буюм, шу жумладан, 947 та тўғноғич чиқариб олинган.

Худди шунга ўхшаш воқеа 1985 йилнинг май ойида ҳам содир бўлди. Жанубий Амриқонинг Кейптаун шаҳридаги "Грост Шуур" касалхонасига оғир аҳволда келтирилган эркакнинг ошқозонидан 212 дона буюм топилди. Ушбу буюмлар орасида 53 та тиш ювадиган чўтка, 2 та телескоп антеннаси, 3 та устара ва 150 дона бир марта фойдаланиладиган соқол олиш мосламаси бор эди.

АҚШда эса қуйидаги жуда аломат воқеа содир бўлган: 24 яшар руҳан хаста бир бемор аёл узунлиги 12,7 сантиметрли эшик лўкидонини ютиб юборган. Қизиги шундаки, темир лўкидон аёлнинг ўн икки бармоқли ичагидан бемалол ўтиб, ошқозон ҳамда овқат ҳазм қилувчи бошқа ичаклардан ҳам йўл топиб, тушган ва у ўтирган чинни тувакни чил-чил қилган.

## Ўлдирса ҳам чимилдиқ ўлдирсин

Кўп хотинлилик подшоҳларга хос "эркалик"лардан саналади. Аммо ўзларини мамлакат миқёсида бўлмаса-да, тор доирада, хусусан, оила давомида подшоҳдек ҳис қилишга

ишқибозлар истаганча топилади. Айниқса, бу борада АҚШнинг Калифорния штатидаги Блит шаҳрида яшовчи руҳоний Глинн Вулфга етадиганини топиш маҳол. 1908 йилнинг 25 июлида таваллуд топган бу отахон жами 27 марта уйланган. Ҳаётидаги илк никоҳни у 19 ёшида, яъни 1927 йилда ўқитган. Кенжа хотини — филиппинлик Дейзи Делгадо (1970 йилда туғилган)ни эса Вулф яқиндагина ўз никоҳига олди. Айтишларига қараганда, 27 никоҳдан у 41 та фарзанд кўрган. Аммо қайноналарининг сони 25 тадан ошмайди, чунки хотинларининг иккитасига у икки мартадан уйланган.

Аёллар ўртасида турмушга чиқиш бўйича рекордчи сифатида эса АҚШнинг Индиана штатидаги Андерсон шаҳрилик Линда Лу Эссекс тан олинади. У жами 21 марта турмушга чиққан. 1957 йилдан бошлаб ҳисоблаганда 15 нафар эркакни алмаштирган. Сўнгги эри билан Эссекс 1988 йилда ажралишди.


Дунёдаги энг кекса келин-куёв ҳам АҚШ фуқаролари — Телма Лукас ҳамда Гарри Стивенс ҳисобланади. Гарри Стивенс 84 яшар Лукас хонимни ўз никоҳига олганида 103 ёшга қадам қўйган эди. Уларнинг тўйлари 1984 йил 3 декабр куни Висконсин штатидаги "Каравилла" дея ата-лувчи қариялар уйида бўлиб ўтди.

## Қори Ишкамбанинг вориси

Ушбу маълумотдан Садриддин Айнийнинг боқий асари қаҳрамони яғир салласини осмонга отадими ёки гўрида тик турадими — билмаймиз. Аммо шу нарса ойдек равшанки, АҚШнинг Иллинойс штатидаги Чикаго шаҳрилик Фред Е.Мейгел тежамкорлик бобида аллақачонлар уни пақкада қолдирган. 1928 йилдан то 1983 йилнинг 21 июнига қадар у ресторанларнинг савиясини баҳоловчи мутахассис сифатида жами 46 минг маротаба дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатига бепул тушлик қилган. Мейгелнинг таъкидлашича, таомлар киши бошига энг кўп миқдорда Франкенмут шаҳри (Мичиган штати, АҚШ)даги "Зендера" меҳмонхонасида тортилармиш.



Ҳеч қутилмаган молиявий оқибатларга сабабчи дунёдаги энг хижолатли ҳодиса сифатида мултимилёнер Жеймс Гордон Беннет воқеаси тилга олинади. 1877 йил 1 январ куни кечқурун Беннет иккита от қўшилган чанада қаллиғи Каролин Мейнинг Бешинчи мавзе (Ню Йорк)даги қўрғонига етиб келди. Зиёфатдан чиқиб келлаётганмиди ё Янги йил оқшомидаги бошоғриқдан ҳали қутулиб улгурмаганмиди, гандираклаганча эшикни очиб, тўппа-тўғри меҳмонхонага кириб борди. Кирди-ю, ҳеч кимга, шу жумладан, хонада йиғилган меҳмонларга ҳам эътибор бермай, тўғри гуриллаб ёниб турган камин сари йўналди ва... шимининг тугмасини счиб, барчанинг кўз ўнгида танг қилмиш заҳардан бўшанди!



Уша куниеқ қаллиғи ҳамда унинг ота-онаси бетамиз куёвликка даъвогар — бойвачча Беннет (1841—1918) билан орани очиқ қилишди. Киборлар доирасида шармандаи шармисор бўлган куёвтўра эса мамлакатдан бош олиб чиқиб кетишдан ўзга илож тополмади. Умрининг сўнгги кунларига қадар у ватандан узоқда — олис Парижда яшашга мажбур бўлди. АҚШ ҳукумати ғазнаси эса ўз-ўзидан Беннетнинг сармосиядан солиқ тариқасида чегириладиган бир неча милёндан маҳрум бўлди.

### Бўса таърифида

1984 йил 24 сентябр куни инсоният тарихида тенги йўқ рекордлардан бири ўрнатилди, десак, муболаға бўлмас. Шу куни чикаголик Делфин Кра ҳамда Эдди Левинлар 17 куну 10,5 соат давом этган ўпишишдан сўнг бир-бирларини оғушларидан бўшатдилар. Буюк Британиянинг Лидс шаҳрилик Жеймс Вайл эса 1988 йил 30 май куни ўтказилган Йоркшир телемарафони чоғи 8 соат ичида бугун мамлакат кўз ўнгида 4525 нафар аёлдан бўса олишга муваффақ бўлди. Ҳар бир бўса учун ўрта ҳисобда 6,36 секунддан вақт сарфланди.

Китобни

Тўхтамурод РУСТАМ  
нашрга тайёрлаган.

### Азиз муштарий!

Аввал қуйида таърифлари келтирилган ном ва сўзларни топиб, очқични ҳал этинг. Сўнг жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштирсангиз, қомусий олим ва рубоийнавис шоир Умар Хайёмнинг "Наврўзнама" асаридаги қадимий ва навқирон баҳор айёми юзага келиши тарихи баёни англашилади.

1. Умар Хайёмнинг "Наврўзнама" асарида йилнинг кунлари ва ойларига ном бериб, йилнома жорий этгани таъкидланган биринчи Ажам подшоси — 8, 1, 25, 14, 1, 5, 29.

2. Абу Райҳон Беруний. "Қадимги подшоҳларнинг ёдгорликлари"дан: "...Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, 3, 1, 16, 5, 20, 19, 16, 1 14, 15, 22, 5, 21, 13, 3 замонанинг икки кўзидир".

3. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридан:

Жамшидга сочишар олтину гавҳар

Шу кунни янги йил — байрам дейишар.

Йил боши Хурмузд эди 24, 1, 5, 16, 1, 5, 4, 2, 3

Дилда на ғам қолди, на адоват — кин.

4. Мир Алишер Навоий "Чор девон"идан:

Висол 1, 10, 28, 14, 2 тенг йўқ очса рухсор,

5. Ки доим очилур 30, 6, 11 бўлса Наврўз.

6. Хоразмийдан:

Лоладек жом 3, 1, 17, 12 этиб келди олам наврўзи,

Олди ранг наврўз дамидин боғу бўстонлар юзи.

7. Ўзбек халқ кўшиғидан:

9, 13, 10, 18, 15, 18, 1, 8 чиқибди, бугун Наврўз экан!

Ҳамма бир-бирига жигар сўз экан!

8. Ўзбек халқ мақолларидан:

Наврўзда 8, 20, 18, 1, 7 эксанг,

Қишда новвот ейсан.

9. 23, 27, 12, 2 келса ҳутни кўринг.

Хурма-хурма сутни кўринг.

10. Деҳқон — ер султони,

18, 20, 26, 13, 3 — яйлов султони.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

4(23) 27(м)

40 30(2) 6(8) 11(5)

## ТУШ ВА ТАЪБИР

Ташналар кўзини гар  
босса уйқу,  
Тушига киради бутун  
олам сув.

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

*Икки карра икки —  
тўрт. Бунни ёш бола  
ҳам биледи. Аммо  
беш қўл баравар кела-  
вермайди. Бу ҳам  
оддий ҳаёт ҳақиқат-  
ларидан бири. Ҳеч ким  
дунёга устун  
бўлолмаганидек, ҳеч  
бир табиат қонунини  
мутлақ деб қабул  
қилиб бўлмайди.  
Шифокор, бир неча  
мажмуалар му-  
аллифи, профессор  
Зикрилла Эгам-  
бердиевнинг ку-  
затишлари айнан шу  
борада.*

Ибтидоий одамлар ер қимирлашидан, ой ва қуёшнинг "куйиши"дан қўрқинган, ёнғин, бўрон ва сув тошқинларини бошларидан кечиринган, ухлаб туш кўришганда эса ажабланишган. Табиат ҳамда руҳият сир-синаотлари қошида ожиз одамзот "қудрати илоҳия" дея ўзини овутиб, тирикчилиги билан овора бўлиб кетаверган. Фақат тараққиёт туйғулари табиат сирлари бирин-бирин ошкор бўла бошлади. Туш ва таъбир борасида ҳам ажиб жумбоқлар ўз жавобини топди. Бундан бехабар кишилар ҳануз тушни онг ва руҳ билан боғлиқ сирли ҳодиса деб ҳисоблаб келишади. "Тушингни аёл кишига айтма", дейишади. Шунингдек, "Эркакнинг туши ўнгидан, аёлнинг туши аксидан келар", деган иборалар ҳам йўқ эмас.

Тушда чақа, гўшт, чуқурлик, қоронғулик, туриб қолган сув ва шунга ўхшаш нарсалар, ваҳимали воқеаларни кўрганда киши хафа бўлади, кўнглига олади, "Ишқилиб, тушим ўнгидан келмасин", дея чўчиб юради.

Шарқда биринчи таъбирчи сифатида Юсуф бин Ёқуб тан олинади. У ҳақда бир қанча афсона юради. Мана, улардан бири:

Нақл қилишларича, Юсуф зиндонда ётиб маҳбусларнинг ҳасратларининг тинглаган. Ҳаёт ҳодисалари билан тушлар мазмунини

таққослаб, таъбир айтган. Маҳбуслар орасида бир баковул билан соқий ҳам бўлган. Улар шоға суиқасд қилиб, овқатига заҳар солишган, лекин сўнги дақиқада соқий бу сирдан шоҳни огоҳ этган.

Бир куни баковул туш кўриб, Юсуфга:

— Бошимда бир сават нон, қарға-қузғунлар чўқиди, — дебди.

— Сен дорга осиласан, танангни қарға-қузғунлар талайди, — дея таъбир қилибди Юсуф.

Соқий ҳам туш кўрибди. У Юсуфга:

— Мен боғда эмишман. Бир бош узум узиб еб ўтирсам, шоҳ пайдо бўлиб қолди. Сўнг узумни бирга баҳам кўрдик, — деб айтибди.

— Сен озод бўласан, — дебди Юсуф. — Мартабанг янада улуг бўлажак.

Дарҳақиқат, тушлар Юсуф айтганидек ўнгидан келибди.

Туш таъбири билан юнистонлик Артамидор (мелодий II асрда яшаган), румлик Карданус (XVI аср) ва бошқалар ҳам шуғулланишган, махсус таъбирномалар тузиб қолдиришган.

Қадимгитаъбирномаларда, масалан, тушда дояни кўриш — катта шодликни, миршаб — хафгарчиликни, соқол олиш — зарар етишини, ҳисоб-китоб —

омадсизликни англатган. Туш асосан фол кўриш йўли билан ёинки тажрибалар, ҳаёт машамшаларига асосланиб, таққосланиб таъбир этилган.

Хўш, туш ва таъбир ҳақида илмий тадқиқотлар нима дейди?

Академик Павловнинг таъкидлашича, олий нерв системаси — бош мия тормозланганда, яъни актив фаолиятини йўқотганда, одам уйқуга кетади. Лекин ташқи муҳит (шамол, ёмғир, иссиқ, совуқ, шовқин), таассуротлар, хаёл, фикр, меъда ва ичаклар, юрак ва ўпка, таносил аъзолар одамга уйқуда ҳам таъсирини ўтказаверади. Бу таъсир, тайинки, беасар қолмайди. Ташқи ва ички сезги органлари фаолияти воситасида таъсир дарров бош мия пўстлоғига этади. Пўстлоқда қисман уйғониш, қўзғалиш ҳосил бўлади. Бу ҳол туш кўриш демакдир. Бир оқим ва бир маромдаги сезги, таассурот мия пўстлоғининг биргина нуқтасида қўзғалиб, бир мавзудаги яхлит кўринишни ҳосил қилади.

Немис олими Г.Нудов (XVIII аср) оғзини очиб, чалқанча тушганча ухлаб ётган кишининг оғзига бир неча томчи сув томизади. Шунда одам уйқусида юзтубан ағдарилиб, оёқ-қўллари билан юзаётгандек ҳаракатлар қилади. Уйғонгач: "Тушимда сувга йиқилиб тушиб, сўнг юзиб чиқдим", дейди.

Олимлар уйқудаги кишиларнинг товонига иссиқ грелка теккизишган. Кишиларнинг бири тушида ёнаётган ёғоч устида ялангоёқ чопиб юрган, иккинчиси эса ўзини саҳрода, қизиб ётган қумтепалар орасида кўрган.

Фаранг олими А.Мори (XIII аср) ухлаб ётган пайт бурнига одекolon теккизишибди. Шунда Мори тушида атир-упа дўконини кўрган экан. Немис шифокори И.Бернер ухлаб ётган кишининг бурнига пахта тиқиб қўйибди. Киши бетоқатланиб уйғонибди ва: "Тушимда қандайдир маҳлуқ секин--аста катталаша бориб, мени бўғди", дебди. Демак, маълум таъсир этишлар муайян тусдаги тушларга сабабчи бўлиши мумкин экан. Инчунун, ташқи муҳит, хусусан, об-ҳаво тушга

қандай таъсир этади, деган савол туғилиши мумкин.

А.Мори момақалди роқ пайти сайёҳлар билан тўла меҳмонхонада ухлаётганларнинг барчаси бир хилда туш кўрганини айтади. Гўёки тиқилинч меҳмонхона ҳовлисига янги сайёҳларга тўла уловлар гумбура лаб кириб келаётган эмиш. Мазкур далиллар ташқи муҳитдан олинган таассуротларнинг уйқу ҳолатидаги бош мияга таъсир қилиши ва тегишли туш яратишидан дарак беради.

Уйқуга ётишдан олдин мияни банд этган хаёл ҳам кўп ҳолларда тушга сабабчи бўлади. "Кўйлаги йўқнинг тушига кўйлак киради", дейдилар. Одам ухлаганда хаёл ва фикр маркази юзаки равишда тормозланади, "қўр" бўлиб туради. Н.Калмин гувоҳлик беришича, шўро ёзувчиси Н.Островскийнинг онаси Олга Афанасевна ўғли Масковда вафот этганини Сочида тушида кўрган. Островский қаттиқ хаста эди, тайинки, она ўғли ҳақида ўйлар ва турли тушлар кўрарди. Бу туш (самолётларнинг гувиллаб учиши, уруш хавфи, ўғлининг қуролланган ҳолда соқчидай ғоз туриши, ҳандақлар, симтиканлар, уларнинг кутилмаганда она оёғи остида пайдо бўлиши) Островскийнинг ўлими билан иттифоқо тўғри келиб қолган, деб мулоҳаза юритиш мумкин.

Олимлар кўп кашфиётларини аввал тушларида кўришади. Масалан, Менделеев химиявий элементлар жадвалини аввал тушида кўрган, деган мулоҳазалар мавжуд.

Тушга шубҳасиз кишининг дунёқараши доираси, маънавий-маърифий савияси ҳам таъсир этади. Жалолиддин Румий шундай дейди:

*Ўзига яраша аҳмоқнинг  
туши —  
На бир ҳикмати бор, на  
тузук иши.*

Сезги ва таассурот қанча кўп бўлса, улар мия пўстлоғининг бирданига бир неча қисмини қўзғатади. Натижада аралаш-қуралаш, алоқ-чалоқ, довдир-совдир тушлар кўрилади.

Демак, туш кўриш бедорлик вақтида онгли ёки онгсиз қабул қилинган таассуротлар (кўрилган, эшитилган, ўқилган ёки ўйланган нарсалар) ёинки уйқу вақтида мавжуд ташқи ва ички сезгилар таъсирининг миядаги оддий ёхуд мураккаб са-досидир.

## ҒОЙИБОНА БИЛИШ

### МУМКИНМИ?

Овқатланиб ўтирган эдим, туйқус бир таниш бемор эсимга тушиб қолди. Шунинг устига беморнинг ўзи эшикдан кириб келди.

— Келинг, ҳозиргина сизни эслаб тургандим, — дея уни ўтиришга таклиф этдим.

— Мен ҳам дўхтир уйда бўлсалар керак, деб ўйлаб келаётган эдим, — деди бемор.

1944 йил баҳри эди. 250-чи артиллерия қисми штаби раҳбарлари Уман остонасидаги қишлоққа кечки пайт кириб келишди. Қисм командири В.Пичугин уч нафар ёрдамчиси билан бир кампирнинг кулбасига қўнди. Кампир меҳмонларни илтифот билан кутиб олди. Пичугин:

— Яқинларингиздан бирор кимса қўшинда хизматдами? — деб сўради.

— Айланайин сизлардан, икки ўғлим урушда. Ҳануз улардан хабар йўқ. Тирикмиканлар? — деди кампир. Гапдан гап чиқиб бир ўғлининг исми Кузма, шарифи Деревянко экани маълум бўлди.

— Ие, — деди Пичугин, — Кузма Николаевич Деревянко генерал майор, 53-чи армиянинг штаб бошлиғи, укаси ҳам у билан бирга хизмат қилади...

— Улар менинг фарзандларим, қаерларда юришган экан-а, ҳозир? — деди кампир ҳаяжон билан. Шу вақт ташқаридан қўнаётган У-2 самолётининг шовқини эшитилди. Бир неча дақиқа ўтмай, ўша генерал онаси билан қучоқлашиб кўришарди ("Известия", 23 август, 1981 йил).

Бунга ўхшаш воқеалар деярли ҳамманинг ҳаётида бўлган. Дейлик, кўнглингиз қандайдир овқатни тусаб қолди. Уйга келдингизу иттифоқо ўша овқатнинг тайёрлиги устидан чиқдингиз. Кўчада кета туриб кимнидир танишингизга ўхшатдингиз, сал ўтмай эса ўша ўйлаган одамнинг билан юз кўришдингиз.

Шунингдек, халқ орасида бирор киши ҳақида гапирилганда, "Ҳозир қулоғи қизиётгандир", деб айтиш таомили мавжуд. Бу бежиз эмас, албатта.

1942 йил эди. Сталинград остоналарида қаттиқ жанг кетарди. Биз, врачлар, ярадорларга ёрдам кўрсатиш билан банд эдик. Бир куни ярадорга ёрдам кўрсатаётган ҳамкасб дўстимни кўз ўнгимдан ўтказдим. Ундан икки йилдирки дом-дарак йўқ эди. Шунинг устига телефон жиринглади. Дастакни олдим.

— Алло, алло, Зикрилла! Бу мен, Муҳиддинман, вокзалдан гапиряпман, тезроқ кел! — деган таниш овоз эшитилса бўладими?!

Одамнинг кўнгли яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам сезиб туради. Кўпинча кўнгилга келган воқеа рўй беради. Одамлар: "Сезувдим-а", "Билувдим-а", деб қўйишади шунда. Хўш, одамзотнинг ғойибона сезиши сабаблари нимада? Бир гуруҳ олимлар ғойибона сезиш ҳодисасини мияда электромагнит тўлқинларининг ҳосил бўлиши ҳамда қабул қилиниши билан боғлашади. Бошқача қилиб айтганда, миялараро радиоалоқа мавжуд бўлиши мумкин. Бунга Сухаревский ҳикоя қилган қуйидаги воқеа мисол бўла олади.

Эр-хотин болаларини холасига қолдириб, ўзлари дам олгани Қримга кетдилар. Денгиз бўйида дам олиб ўтиришганида бирдан хотиннинг назарида сув ранги ўзгараётгандек, тўлқинлар ўзгача тусга кираётгандек туюлади. Кўз ўнгида денгиз эмас, қадрдон қишлоғидан оқиб ўтаётган дарё пайдо бўлади. Мана, бир гала бола дарё томон чопиб кетмоқда. Улар орасида иккала фарзандлари ҳам бор. Аёл болаларнинг тўс-тўполон кўтариб чўмилишларини аниқ кўради. Бир пайт нимадир бўлади-ю,

кичик ўгли дарё ўртасига бориб қолади. Боши сув юзасида қалқиб, гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетиб боради. Шунда она жонжратда қичқириб, ҳушидан кетади. Одамлар йиғилади. Бечора эр нима қиларини билмайди. Бир пайт аёл ўзига келиб, воқеани айтади. Улар дарҳол отланиб уйга қайтишади. Келиб қарашсаки, фарзандлари соғ-саломат. Лекин чиндан ҳам кичик ўғиллари ўша кун, ўша соат, ўша дақиқада дарёга чўккани рост чиқади. Уни ўша куни бир йўловчи қутқариб қолган экан...

Шундай қилиб, бу аёл 1500 километр узоқда туриб, боласининг ғарқ бўлаётганини аниқ кўрган. Чўкаётган бола миясида электромагнит тўлқинлари юзага келиб, онасини эслаган ва ундан мадад сўраган. Она мияси эса сигнални қабул қилиб олган. Олимлар ушбу воқеани шундай хулосалашди.

Олий нерв системаси қанчалик кучли тутақса, унинг сигнали шунча тез ва равон тарқалади чамаси. Талончи уйга бостириб кириб отани беҳуш йиқитади, онанинг икки ёқасидан тутиб, силтайди ва тилла буюмлар, пул талаб қилади. Шунинг устига уйга ўғил кириб келади ва талончини оғир яралаб, онасининг, қолаверса, отасининг ҳам жонига оро киради.

Ўғилдан:

— Қаердан келиб қолдинг? — деб сўрашади.

— Бирдан кўзимга отам ва онам кўринди, улар нуқул мени чорлашарди. Бир гап бўлдимикан, дея ишимни ташладиму чопқиллаб келавердим, — дея жавоб берди халоскор ўғил.

Машҳур экстрасенс Волф Мессинг одамнинг кўзидан, афт-ангоридан, шижоатидан, томир уришидан нима фикр юритаётганини сезган.

Ривоятларда айтилишича, шоҳ Султон Маҳмуд ўзаёнлари билан болохонада кайфу сафо қилиб ўтирган экан. Зиёфатда Абу Райҳон Беруний ҳамбор экан. Шоҳ Абу Райҳонга болохона эшикларини кўрсатиб:

— Шу тўртта эшикнинг қайси биридан чиқиб кетаман? Жавобини қоғозга ёзиб, гилам тагига

қўйинг, — дебди. Беруний жавобни ёзиб, гилам тагига қўйибди. Шоҳ Султон Маҳмуд девордан янги эшик очтирибди ва шу ердан чиқиб кетибди. Беруний ёзган хатни очиб қарашса, шундай деб ёзилган экан: "Тўртта эшикнинг биротасидан ҳам чиқиб кетмайсиз. Шарқ томондан эшик очтириб, чиқиб кетасиз".

Ҳазабланган шоҳ:

— Абу Райҳонни ҳовлига улоқтиринглар! — деб амр этибди.

Болохонадан улоқтирилган Беруний ҳовлида тутиб турилган тўрга тушибди. Султон Маҳмуд бунни кўриб Берунийга:

— Шундай бўлишини олдиндан билгандингизми? — дебди.

— Ори, шоҳим, билган эдим. Шу боис соғ қолиш учун зарур тадбирни ҳам кўриб қўйгандим, — деб жавоб берибди аллома.

Зикрилла

ЭГАМБЕРДИЕВ.



## БУРЖИЙ МУЧАЛ

Июн оји учун



ҚҮЙ  
21.III — 20.IV

Мазкур ой сиз учун тинимсиз югур-югурларда ўтади. Бироқ сиз бундан заррача афсус чекмайсиз. Чунки нимага қўл урманг, бари манфаатларингизга хизмат қилади. Шу сабабли барча бошлаган ишларингизни мукамал ниҳоясига етказишга ҳаракат қилинг. Бироқ югур-югурлар билан бўлиб соғлигингиз ҳақида унутиб қўйманг. Яна шуни ёддан чиқармангки, атрофда сиздан бўлак одамлар ҳам бор. Омад ва барқарорлик кетидан қувиб, уларнинг дилига озор етказманг. Ҳамкасбларингиз, ошна-оғайниларингизнинг қалбларига ҳам қулоқ тута билинг. Агар улар билан тил топишиб ҳаракат қилсангиз, ишингиз икки баравар юришади. Ойнинг сўнгги ўн кунлиги биринчи ва иккинчи ўн кунликларга нисбатан хийла осойишта кечади. Ҳордиқ чиқаринг.

Омадли кунлар: 9, 12, 17, 24.

Ушбу кунларда эса эҳтиёт бўлинг: 6, 15, 19, 27.



СИГИР  
21.IV — 21.V

Янги танишлар орттирасиз, ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар юз бериши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Омадингиз чопганини вақтида ҳис этиб, бутун саёй-ҳаракатларингизни шунга қарата билсангиз — бас. Анчадан бери ширин тамшаниб, етишолмай юрган орзуларингиз ушалиши мумкин. Аксарият Сигир буржи остида туғилган кишилар бу ойда яшаш жойларини ўзгартиришади, ўзга юртлар бўйлаб саёҳатларга чиқшади. Умуман олганда, омадли ой. Имкониятни қўлдан бой берманг. Мазкур бурж

остида туғилган талабаларнинг ҳам омади юришади, спортчиларни мусобақаларда юқори натижалар ва совринли ўринлар кутади. Оилавий ҳаёт бутун ой давомида нисбатан осойишта кечади.

Хайрли кунлар қуйидагилар: 6, 18, 21, 27.

Қуйидаги кунларда эса эҳтиёт бўлинг: 3, 5, 11, 17, 29.



ЭГИЗАК ҚИЗ  
22.V — 21.VI

Мазкур бурж остида дунёга келган кишиларни бу ойда бир қанча янгиликлар кутади. Ошна-оғайниларингиз билан муносабатларингиз ўзгаради. Янги танишлар, алоқалар, юмушлар пайдо бўлади. Меҳмондорчиликлар, ўйин-кулги кутади. Қисқаси, ушбу ой давомида сиз келгуси ишларингиз учун мустаҳкам замин ҳозирлайсиз. Фақат эски, синашта таниш-билишлар билан сан-манга борманг, акс ҳолда уларни йўқотиб қўйишингиз ва бир умр бундан афсусланиб юришингиз мумкин. Хизмат жойингизда қийинчиликларга дуч келмайсиз, хийла тинч, беташвиш ой бўлади. Оилавий ҳаётингиз ҳам осойишта кечади.

Омад келтириши мумкин бўлган кунлар: 7, 16, 21, 26.

Қуйидаги кунларда эса эҳтиёткорроқ бўлишингизни маслаҳат берардик: 5, 14, 19, 24, 30.



ҚИСҚИЧБАҚА  
22.VI — 23.VII

Кутилмаган тасодифларга ҳаддан ташқари бой ой. Текис ерда қоқилишлар, кўнгилсизликлар кутилади. Давраларда, гавжум жойларда тилингизга ҳадеб эрк беравер-

манг, кўпроқ мияни ишлатинг. Гийбат, фисқ-фасод аралашган давралардан қочинг. Кўпроқ ҳордиқ чиқаринг, спортга берилишга ҳаракат қилинг. Бу хайрсиз муддат 23 июнга қадар давом этади, кейин ҳаммаси ўз изига тушиб кетади. Бемалол давраларга қўшилишингиз, улфатчилик қилишингиз мумкин. Оилавий ҳаётингиз бир маромда, осойишта кечади. Ҳеч бўлмаса шу ойда спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан ўзингизни тийинг, имкон қадар янги танишувлардан қочинг.

Омадсиз кунлар: 7, 19, 21, 22 (айниқса, шу куни эҳтиёт бўлинг).

Омад сизга ёр кунлар: 15, 24, 26, 29, 30.



АРСЛОН  
24.VII — 23.VIII

Хийла мураккаб ой. Қатъий тартиб-интизом ҳамда ишчанликни талаб қилади. Кимларгадир мансаб курсиси тегади, кимлардир бўлак иш жойи излашга мажбур бўлишади. Шу боис бутун ой давомида ўта эҳтиёткор бўлишни маслаҳат берардик. Айнақса, душманларингиздан эҳтиёт бўлинг. Бошлиқлар билан муносабатларни чигаллаштирмасликка ҳаракат қилинг. Саломатлигингиз ҳақида ҳам унутманг: вақтида ухланг, вақтида туринг, озодаликка риоя қилинг, асабларингизга дам беришга урининг. Ўтган йил, хусусан, унинг ниҳояси сиз учун анча ташвишли кечган, унутманг. Мулоқотларда босиқ бўлинг, ортиқча ҳаяжонланманг. Мабо-до, шахсий ҳаётингизда келишмовчиликлар юз берса, ташвишланманг, ҳаммаси тезда изга тушиб кетади.

Омадли кунлар: 1, 8, 14, 19, 27.

Қуйидаги кунларда эса эҳтиёт бўлинг: 6, 12, 16, 25.



## БОШОҚ 24.VIII — 23.IX

Ҳеч кутилмаган янгилик, хайрли тасодиф ва муждаларга бой ой. Фақат ойнинг 25-чисига қадар. Тасодифлар Бошоқ буржи остида туғилганларга анчадан буён излаб, етишолмай юрган нарсаларини ҳадея этиши мумкин. Бу фақат пул, буюм ёки латта-путтагагина тегишли эмас... Ҳамкасб ёки ёр-биродарларингиз ҳамкорлик таклиф қилишса, рад этманг — ушбу ойдаги ҳамкорлик Бошоқлар учун одатда сармаҳсул бўлади. Фақат ўз юмушларингиз, ташвишларингиз ва югур-югурлар билан оила аъзоларингизни оғринтира кўрманг, бу ораларингизга совуқчилик тушириши мумкин.

Қуйидаги кунларда омад сизга кулиб боқади: 2, 6, 9, 12, 19, 23.

Ушбу кунларда эса айниқса эҳтиёткор бўлинг: 5, 14, 22, 26, 29.



## ТАРОЗИ 24.IX — 23.X

Мазкур ой сиз учун сарф-харажатларга бой ой бўлади. Асло ўкинманг, бунинг эвазига сиз истаган пайт ҳожатингизни чиқаришга тайёр танишлар орттирасиз. Янги-янги қизиқишлар пайдо бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ой ниҳоятда қизгин кечади. Иш сизни бутунлай ўз комига тортади. Бош қашишга ҳам вақтингиз бўлмайди гоҳо. Ижод, сайр, улфатчилик деган нарсалар ҳақида вақтинчалик унутишга тўғри келади. Ташвиш кетидан ташвиш, муаммо кетидан муаммо туғилаверади. Ишқилиб, саломатлигингиз панд бермаса бас.

Иложи борица муҳим ишларингизни омадли кунларда битириб олишга урининг: 3, 9, 12, 16, 21, 26.

Қуйидаги кунларда эса эҳтиёт бўлинг: 1, 6, 14, 19, 23.



## ЧАЁН 24.X — 22.XI

Нисбатан омадли ой. Айниқса,

иш жойингизда омадингиз чопади. Фақат шошмашошарлик ва ҳвлиқмалик қилманг, йўлингиз боғланиши мумкин. Теварагингиздагилар сизнинг ҳожатингизни чиқаришга уринишади: саёҳат ёки дам олиш уйига йўлланма тўғрилашда кўмаклашишади, камсб мол ёки буюм топиб беришади ва ҳ.к. Раёйлари асло қайтара кўрманг. Бутун ой давомида кўтаринкилик, хуш кайфият сизга ҳамроҳ бўлади.

Хайрли кунлар: 7, 10, 17, 21, 25.

Хайрсиз кунлар: 4, 9, 15, 23, 30.



## ЁЙ 23.XI — 21.XII

У қадар хайрли ой деб бўлмайди. Аммо келгуси ишларингизга пойдевор қуришингиз учун ниҳоятда қулай. Ортиқча баҳс-мунозараларга берилманг. Янги ишга қўл урманг, унда сизга омад ёр бўлишига ишонч йўқ. Яхшиси, уй-рўзғор ташвишлари билан кўпроқ шуғулланинг. Бу ой кўнгилхираликларга тўла бўларкан, деб ўзингизни сиқманг. Бу ой, шунингдек, янги фикрлар, ниятлар, куч-қувват ҳам пайдо бўлади. Юқоридагига ўхшаш нохуш фикрлар туғилмаслиги учун ўзингизни нима биландир чалғитишга ҳаракат қилинг: китоб ўқинг, мусиқа тингланг, спорт билан шуғулланинг.

Омад сизга қуйидаги кунларда кулиб боқиши мумкин: 3, 6, 11, 24.

Ушбу кунларда эса эҳтиёткорликни қўлдан бой берманг: 5, 9, 13, 17, 21.



## ТОҒ ЭЧКИ 22.XII — 20.I

Ишбилармонлик, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи Тоғ эчкилар учун, айниқса, омадли ой. Нимаики ният қилманг, барига эришасиз. Бироқ ишга ҳаддан ташқари муккадан кетиш ҳам ярамайди. Ҳордиқ чиқаришга ҳам вақт ажратинг. Муҳими — ютуқлардан

эсанкираманг, бурнингиз ҳам кўтарилмасин. Келгусида амалга оширажак ишларингизга ҳам куч-қувват қолсин. Айниқса, соғлигингизни эҳтиёт қилинг.

Омад сизга ушбу кунларда кулиб боқиши мумкин: 4, 6, 12, 17, 29.

Қуйидаги кунларда эса эҳтиёт бўлинг: 1, 8, 15, 23.



## ҚОВҒА 21.I — 19.II

Қовғабуржи остида дунёга келганлар ушбу ойда кўнгилдагидек натижаларга эришишлари мумкин, фақат меҳнатдан қочмасалар бас. Моддий рағбатлантиришлар кутилади. Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солманг. Ҳатто дўстларингизнинг маслаҳатларига ҳам. Умуман, бу ой сиз учун хийла бошқача ой. Ошна-оғайниларингизни синаш учун сизда қулай имкониятлар туғилади. Синов натижалари асосида улар билан муносабатларингизни қайта кўриб чиқишингиз мумкин.

Энг қизиқарли, воқеаларга бой кунлар: 5, 11, 15, 23, 28.

Кўнгилсизликларга эса қуйидаги кунларда дуч келиш мумкин: 3, 9, 14, 19, 26.



## БАЛИҚ 20.II — 20.III

Балиқ буржи остида туғилганлар учун югур-югурларга бой, серташвиш ой. Бу ой кўп тушунчалар ҳақидаги аввалги тасавурларингизни ўзгартиришингизга тўғри келади. Ўйлаган ниятларингизга эришишингиз мумкин, фақат бунинг учун энг шимариб киришиш талаб этилади. Унутманг, омад сизга ҳеч қачон ғойибдан кулиб боқмайди! Эринманг, нимагаки қўл урманг — ихлос билан қўл уринг.

Омадли кунлар: 4, 13, 17, 19, 22.

Омадсиз кунлар: 2, 9, 16, 24, 29.

САНДРА:

## "ОТАСИНИНГ ҚИЗИ"

### Э М А С М А Н !"

Кулгичлари  
ёноқларига зеб бўлиб  
тушмиш бу сулувни  
ватанида эмас,  
кўпроқ бизда  
ганишади, санъаткор  
сифатида тан  
олишади, десак, мубо-  
лаға бўлмас. Унинг  
қўнғироқдек жаранг-  
дор, ёқимли овози  
қулоғимизга чалинди  
дегунча дарҳол сер-  
гак тортамиз, барча  
ташвишларимиз, ба-  
жарилиши зарур  
бўлган муҳим  
ишларимизни ҳам  
унутиб, унга қулоқ  
тутишга розимиз ва  
дилимиздаги узоқ  
куттирмай тилимизга  
кўчади:

"САНДРА!"

Чиндан ҳам, унинг овозини  
бошқа бир қўшиқчининг овози  
билан адаштириб бўлмайди.  
Айниқса, Сандранинг  
"қалдирғоч" мухлис ва шинаван-  
даларига тааллуқли бу. Чунки  
улар исмидан ҳам бурун овозини  
танишган унинг. Тахминан 84—  
85-чи йиллар ҳудудида содир  
бўлган бу танишув. Айнан шу  
муддат оралиғида "Мелодия"  
фирмаси узоқ тортишув ва  
иккиланишлардан сўнг ғарбда  
машҳур, бизнинг шинавандаларга  
эса фақат магнит ленталари, ком-  
пакт кассеталар ҳамда "Тонгги  
пўчта" телекўрсатувидаги айрим  
лавҳалар орқали таниш "Арабеск"  
гуруҳининг мусиқий мажмуасини  
пластинкаларга зарб этишга  
қарор қилди. Мум лаппакларнинг  
бир неча ўн минги ўзимизнинг  
Мулла Тўйчи Тошмуҳаммад  
номидаги грампластинкалар кор-  
хонамизда зарб этилгани боис  
"Арабеск" гуруҳи қисқа муддат  
ичида бизнинг ёшлар орасида ҳам  
машҳур бўлиб кетди. Сиртига ғарб  
услубида кийиниб, шарқона пар-  
доз-андоз қилган уч нафар су-  
лувнинг сурати туширилган  
пластинкали жилдни ўша пайт ҳар  
қадамда, ҳар уч-тўрт кишидан  
бирининг қўлида учратиш

мумкин эди. Ёшлар аралашган  
ёки ташкил этган давралар, гап-  
гаштаклардан ҳам фақат шу —  
мағрибу машриқни кўринмас ип  
билан бир-бирига боғлаш  
истагидаги уч қизнинг рақсга чор-  
ловчи шўх, ўйноқи қўшиқлари  
қулоққа чалинарди.

Ёшлар завқ-шавққа тўлиқ  
куй-қўшиқларга ташна эдилар.  
Бу мусиқий мажмуа айни кун  
нуқтаи назаридан олиб қараганда  
денгиздан бир томчи эди. Аммо шу  
арзимас томчи ҳам ташналикка  
қўниккан ўша давр ёшларини  
қондирмоқ учун етарли бўлди.

"Арабеск" гуруҳининг  
қўшиқларини эшитган бўлсангиз,  
аҳамият бергансиз: уч нафар жўр  
овоз ичида айниқса бири алоҳида  
ажралиб туради, ўзининг жаранг-  
дорлиги, ёқимлилиги билан  
кишини мафтун этади...

Мафтун бўлибмиз, овознинг  
жарангдорлиги, ёқимлилигига  
тан берибмиз, ҳа. Аммо овоз  
эгасининг исми бўлиши  
мумкинлиги ўша пайт сира  
хаёлимизга келмабди. Зеро, ҳеч  
ким уни бизга таништирмаган ҳам  
эди... Хуллас, овозни "Арабеск"  
гуруҳининг ўзига хос тимсоли  
сифатида қабул этибмиз, лекин  
асло овоз эгасини эмас.

"Энг одил ҳакам — вақт", деб бежиз айтмайдилар.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади ва... овоз эгаси "Арабеск" гуруҳининг тимсоли сифатида тан олина бошланди. 1986 йил ўрталарида содир бўлди бу. Олмонияда янги номларга бағишлаб ўтказилган томошалардан бири чоғи томошабинларга Сандра исмли ёш номаълум ижрочи қиз таништирилди. Бироқ не ажабки, рангин чироқлар ёғдуси остида саҳнага ёш, лекин асло "номаълум" эмас, кўпчиликка яхшигина таниш қиз — "Арабеск" гуруҳининг уч ижрочисидан бири чиқиб келди. Йиғилганлар ҳайрон кўз тикиб қолишди: қизиқ, эълон қилувчи адашдимикан, ё... Аммо саҳнада Сандрадан бошқа ҳеч ким кўринмади. Шунинг устига мусиқа янгради ва...

Илк бор саҳнада ёлғиз Сандра шу асно намоён бўлди, шу асно ўзининг "Мария Магдалена" дея номланмиш кўшигини ижро этди. Қўшиқ жуда тез машҳур бўлиб кетди, "Арабеск" гуруҳининг собиқ хонандаси номини мусиқа шинавандаларига етказди. Йил адоғида ўтказилган ва "ойнаи жаҳон" орқали дунёнинг турли мамлакатларига олиб кўрсатилган "Петерс поп шоу" томошасида ижро этилган "Лори" кўшиғи эса Сандрани "юлдуз"лар қаторига қўшди.

Шундан бери орадан, мана, етти йил ўтибди. Бу вақт мобайнида дунёда нелар юз бермади, кимлар донг таратмади, кимларнинг чанги чиқмади. Сандра эса ҳануз саҳнада, ҳануз доимий ҳамрози — кўшиқ билан бирга. Қайси бир томошада кўрманг, қайси бир суратига кўзингиз тушмасин — лабида гўдакона беғубор табассум, чарос кўзлари кулибгина туради, ўзини тутишида маъсум соддалик... Сандранинг мухлислар муҳаббатига сазовор бўлиши бош сабабларидан бири ҳам айнан шу — юз-кўзи, ўзини тутишидаги соддалик, десак, адашмаймиз.

Сандранинг ижодини ўрғанувчи, қўшиқлари ёзилган магнит ленталари, кассеталар ҳамда мум лаппакларни, шунингдек, матбуотда эълон қилинган мақолалар, тақризлар

ва суратларни мунтазам равишда тўплаб борувчи шай-доларни дунёнинг истаган мамлакатида кўплаб учратиш мумкин. Шунгами, гоҳи-гоҳида, хусусан, мухлис ва шинавандалари қайнаб-тошган жойларда томоша кўрсатаётганида хатти-ҳаракатларида болаларга хос алланечук эркални учқуни сезилгандек ҳам бўлади, баайни тили бурро қизалоқ ширин сўз илинжида отаси қошида эркалангандек...

— *Ҳа, ҳа, шундай, кўпчилик мени "отасининг қизи" гумон қилади, — дея маъқуллайди Сандранинг ўзи ҳам. — Айниқса, мухбирлар. Нуқул зерикарли, алмисоқдан қолган, энсақотирар саволлар билан безор қилишгани қилишган. Масалан, "Жониворларни яхши кўрасизми?"га ўхшаш. Мен эсам албатта дарҳол севинчдан ўзимни йўқотишим, юзимда ўйноқи табассум пайдо қилишим ва қизалоқларга хос ширин товушда жавоб беришим керак: "Вой, бўлмаса-чи, жуда-жуда яхши кўраман! Жониворлар менинг жону дилим! Кучук, мушук, от... Уларсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қила олмайман!"* Узимни мажбурлаб илжайиб шундай дейман-у, лекин аслида кўнглим беҳузур бўлади. *Жониворларни ёқтирмас экан, деб ўйламанг тагин, йўқ, чиндан ҳам уларни жуда-жуда яхши кўраман. Фақат мени ҳадеб аҳмоқ қилиб кўрсатишларига тоқатим йўқ.*

Шундай-ку-я, лекин шўрлик мухбирларни ҳам тушуниш мумкин: Сандра тимсолида ўттиз яшар ширин "қизалоқ"ни тасаввур қилишга одатланиб қолишган улар. Қизиғи шундаки, Сандранинг ўзи одатлантирган уларни бунга.

— *Барча қизлар каби мен ҳам болалигимда ҳадеб ўзимни кўзгуга солишга ишқибоз эдим. Ақлимни танигач, англай бошладимки, ҳеч қачон айрим дугоналарим каби "бало-қазо" бўлолмайман, "дунёга ўт қўйиш" ҳам менинг ишим эмас. Бир умр болаларга хос софлик ва соддаликка содиқ қолиш фикри мени ўшанда банд этди. Фақат бу ҳаддан ташқари жўн, сийқа кўринмаслигига эришилса*

— *бас. Кимга қандай — билмадим-у, лекин мен, чамаси, бунинг уддасидан чиқяпман. Мен ҳеч қачон мухлислар қошида ўзимга ярашмаган либосда ёки сочим пала-партиш турмакланган ҳолда пайдо бўлмайман. Мусиқам, кўришим ёхуд саҳнада ўзимни тутишим билан ҳеч қачон бировда нохуш кайфият уйғотмасликни ўз олдимга қатъий мақсад қилиб қўйганман. Шунингдек, ҳеч қачон ҳеч қаерда ўзимни ўзим такрорламайман ҳам.*

Бетакрорликка эришиш йўллари излаш, ижодий баркамолликка интилиш етук санъаткорларга хос фазилатлардан ҳисобланади, буни фақат олқишлаш мумкин. Одатда, санъаткор — хоҳ қўшиқчи бўлсин у, хоҳ раққос — улғайгани сари ижодида ҳам ёшига хос вазминлик, салобат пайдо бўла боради. Лекин Сандра йилдан йилга, қўшиқдан қўшиққа тобора болалик сари қайтаётгандек. "Қалбим сирлари" кўшигини ўн тўрт яшар қиз айтаётгандек туюлса, "Хиросима"ни беш ёшли жама-лакоч қизалоқ куйлаётган каби тасаввур уйғонади. Хўш, буни Сандранинг ўзи қандай изоҳлайди?

— *Албатта, бу ҳар қандай кишида ҳам фақат ифтихор уйғотади. Ёшим ўттизда, лекин хийла ёш кўринарканман, бундан ғурурланмай бўларканми? Болаларга хос овозда куйлашимга келсак... айтинг-чи, наҳот ўзингиз ҳам эшитиб эрмагансиз?*

Дарвоқе, болалар ҳақида. Ижодда йилдан-йилга тобора болалик сари қайтаётганига қарамай, Сандра ҳали-бери фарзанд кўриш, бола ўстириш ниятида эмас. Умуман, бу ҳақда гап кетди дегунча у бирдан ўзгаради, асабийлаша бошлайди, суҳбат мавзуини бўлак томонга буришга уринади, лекин доим ҳам бунинг уддасидан чиқавермайди.

— *Фарзанд, дейсизми? Ижодчи, ижод нима бўлади унда? Айни кучга тўлган пайтим-а? Шундоқ*



ўзи! Худога шукрки, бошимда эрим бор, шунинг ўзи етади ҳозирча менга.

Эри ҳақида гап очилиши билан Сандра секин-аста аввалги ҳр-латига қайтади.

— Михоэл Крету билан танишувимга ҳам ўша "Мария Магдалена" қўшиғи сабабчи бўлган. У қўшиқ муаллифи эди. Қўшиқ машҳур бўлиб кетгач, менга ҳрмийлик қилишни ҳам бўйнига олди. Михоэл мени ўзининг ақли, қатъияти ва ҳаётни билиши билан ром этди. Биз айнан бир-биримиз учун яратилганимизни жуда тез англаб етдик... Бир иш билан машғул икки туташ дил — бундан аёлроқ яна нима бўлиши мумкин оламда?!

Лекин Михоэл билан танишувга қадар ҳам нимадир бўлган-ку? Масалан, "Дўстим Анди" қўшиғи, турли-туман болалар танловлари ва ниҳоят, маълум-машҳур "Арабеск" гуруҳи...

— Менга қолса, немис тилида куйлашни бутунлай таъқиқлаган бўлардим, — дея чўрт кесади Сандра. — Бундан мен "Дўстим Анди" қўшиғи билан боғлиқ можародан кейиноқ англаганман... Ёшим 12 да эди ўшанда. Менинг биринчи қўшиғимни "қирқ бешталик" мўъжаз лаппакларга зарб этиб чиқаришганди. Лекин бир неча минг нусхадан атиги эллик-олтмиштасигина эгасини топди, холос. Ўшани ҳам ота-онам, қариндош-уруғларимиз, синфдошларим сотиб олишди. Акам Марк эса, кўнглимни кўтариш мақсадида, бор пулини сарфлаб, бирйўла бешта пластинкани кўтариб келди! Сабаби — "Дўстим Анди" немис тилида айтилган эди, ҳаддан ташқари бесўнақай, қўпол жаранларди. Менинг мақсадим эса мусиқа тоқини забт этиш эди, бунга эришмоқ учун албатта инглиз тилида куйламоқ шартлигини яхши тушунардим. 14 ёшимда тенгдошларим ўртасида ўтказилган мусиқа танловида ғолиб чиқдим, лекин шунга қарамай, ҳеч кимдан

ҳамма мени четлаб ўтаётгандек эди. Назаримда, қўшиқчи бўлиш орзуси билан видолашишимгина қолган эди фақат... Аммо 1977 йилда туйқус янги тузилаётган гуруҳга куйлаш истагидаги қизларни қидиришаётгани ҳақида эшитиб қолдим. "Юлдуз" ликка мендан ташқари яна ўн бештача даъвогар бор экан. Лекин бўй-баст, кўриниш ва овознинг ширадорлиги жиҳатидан кўпроқ мен тўғри келдим. Бунинг устига, аксарият тенгдош қизлардан фарқли ўлароқ, мен чекмасдим, ичкилик деган нарсадан мутлақо ҳазар қилардим, айтилган ишни дўндириб бажарардим, машғулотларга ҳам сира кечикмасдим. Шунинг учун микан, "Арабеск" гуруҳида етакчилик қилиш чеки ўз-ўзидан биринчи кунданоқ менга тушди. Умуман, мен, Михоэла ва Жасмин — учовлон бир жону бир тан эдик. Ҳануз ўша дамларни ширин энтикиш билан эслайман... Келинг, кўп хотираларга берилмай, яхшиси, "Абадий муҳаббат" номли қўшиғимни қандай қилиб кинога солганимиз ҳақида гапириб берай. Суратга олиш жараёни давомида режиссёрнинг талаби билан бир эмас, йигирма марта кийим алмаштирибман, йигирма марта ба пардоз-андозимни янгилабман. Суратга олиш тугагач,

ўзимни ҳадеб кўзгуга солишимни кўрсангиз эди! Шунингдек, мен "Самоларда ҳисларим" номли қўшиғимнинг видеоклипини ҳам жуда-жуда ёқтираман. Адашмасам, айнан шу видеоклип намойиш этилганидан сўнг мухлислар орасида миш-миш тарқалган. Нима эмиш, Михоэл иккимиз клипни суратга олиш чоғи самолётдан тушиб кетиб, чалпак бўлганмишимиз! Тасаввур қилинг-а?! "Жаҳлингни тия бил" номли қўшиғимнинг клипи ҳақида эса бундай деёлмайман. Тўғри, клип мухлислар орасида машҳур, лекин мен барибир бундан кейин имкон қадар қўшиқларимни бу тарзда кинога солмасликка ҳаракат қиламан. Ҳаддан ташқари жиддийман мен унда. Ёшим ҳам баайни 35 дадек... Йўқ, бу менга хос эмас. Ҳар бир қўшиғим, ҳар бир ижодим намунасида умид, ишонч ва муҳаббат уфуриб туришини истайман. Бундан бошқача ҳаётнинг менга қизиғи йўқ.

Тўхтамурод РУСТАМ.

Мақолани тайёрлашда "Штерн" (Олмония) жўрналида эълон қилинган мусохабадан фойдаланилди.

Биз юқорида машҳур қўшиқ "юлдузи" ҳаёти ва ижодининг фақат айрим қирралари ҳақидагина ҳикоя қилдик. Аммо шу арзимас бир қатра ҳам Сандранинг Ўзбекистонимиздаги мухлислари учун бебаҳо совға бўлганига ишончимиз комил. Мабодо, биз жавоб беролмаган, сизни эса ниҳоятда қизиқтирган саволларингиз бўлса, марҳамат, суюкли қўшиқчининг ўзидан сўраб билишингиз мумкин. Бунинг учун саволларингизни тегишли тилда (инглизча ёки немисчада) тартиблаб, қўйидаги манзилга юборсангиз кифоя:

Sandra,  
Herzogstrasse 64,  
8000 Munchen 40,  
Germany.

Муқованинг 4-бетида — С А Н Д Р А.




МУСАВВИР  
ЭРКЕН КАГАРОВ

ФОНД СОЦИАЛЬНОГО НОВАТОРА

INTERNATIONAL  
SHOWS

# UNDER ROUND

При участии  
арт-группы  
Редкая Птица



graphic design **KK** studio

RARA AVIS



Мусаввир Эркин Кагаровнинг номи муштарийларимизга асло бегона эмас. Мана, бир йилдирки, хар сонимиз муковасининг тўртинчи саҳифасида унинг исм-шарифини ўқиймиз. Бир йилдирки, «Ешлик» кириб борадиган хар битта хонадон унинг санъатига ошно. Ижодий ҳамкорлик самараси ўлароқ, бу бир йил давомида «Ешлик» суварти бир неча маротаба ўзгарди. Эркиннинг изланишлари шарофати ила журнал сондан-сонга кўркамлашиб, ранг-баранглашиб бормокда. Ота йўлини тутиб (мусаввир Медат Кагаров номи санъат ихлосмандларига яхши таниш) Эркин сира кам бўлгани йўқ. Эндигина 27 баҳорни қаршилаганига карамай, у бир қанча нуфузли халқари кўргазмалар, танловлар иштирокчиси ва совриндори. Барча иқтидорли мўйқалам соҳиблари каби Эркин тинимсиз изланишда. У айни чоқда янги-янги ижодий режалар огушида. Шубҳа йўқки, бу изланишлар меваси қисман журнал сувартида ҳам ҳали ўз аксини топди.

